

**Зиёвуддин Раҳим,
Одилхон қори Юнусхон ўғли**



КЕНГ РИЗҚ ВА БАРАКА ОМИЛЛАРИ

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2011

УДК:297

ББК 87.7

Р33

Раҳим, Зиёвуддин

Кенг ризқ ва барака омиллари / З. Раҳим, Одилхон қори Юнусхон ўғли. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 168 б.

ББК 87.7

*Мусаннифлар: Зиёвуддин Раҳим,
Одилхон қори Юнусхон ўғли*

*(Шайхонтахур тумани бош имом хатиби, Шайх
Зайниддин жомеъ масжиди имоми)*

Муҳаррир: Бобомурод Эрали

*Тақризчи: Анвар қори Турсунов
(Тошкент шаҳар бош имом хатиби)*

Ҳар бир инсон умри давомида яхши еб-ичишни ва фаровон ҳаёт кечиришни истайди, аммо у фақат ризқ-насибадан ортиғига муяссар бўлмайди. Шу маънода айтиш мумкинки, диний-маърифий мавзуда битилган ушбу рисола ризқ тушунчаси, ризқни ҳосил қиладиган касб-ҳунар ва шу ризқ кўпайиб-камаишига сабаб бўладиган омиллар хусусида атрофлича мушоҳада қилиш ва фикр юритишга ундайди. Шу боис кўлингиздаги рисола шу мавзуга қизиққан барча ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Мусаннифлар рухсатисиз ушбу китобни чоп этиши ва сотиши шаръан ҳаром ва қонунан ман этилади! Илм йўлида иқтибос олиши жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 1323-рақамли тавсияси билан нашр этилди

ISBN 978-9943-390-21-8

№1031-5831

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011

© Зиёвуддин Раҳим

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Махлуқотларни яратиб, ризқларини муттасил етказиб турувчи, чексиз раҳмат ва фазлу карам соҳиби Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтамыз! Башариятни тўғри йўлга йўллаган хотамул анбиё Муҳаммад Мустафога, у зотнинг оила аъзолари ва саҳобаларига салавот ва саломларимиз бўлсин!

Ризқ излаш ва тирикчилик инсон ҳаётида муҳим ўрин тутиб, бу нарса ҳар доим унинг диққат марказида туради. Бироқ одамлар эътиқодига қараб, ризқ топиш ва бойлик тўплашга ҳар хил ёндашадилар. Мўмин киши бу борада энг аввал ниятини тўғрилаб олгани учун оддий деб қараладиган ишларни бажариш орқали ҳам катта ажр-савобларга эришади. Кофир эса фақат шу дунёни мақсад қилгани учун беш кунлик дунё неъматини ва лаззатларидан иложи борича кўпроқ баҳраманд бўлишга интилади. Афсуски, аксарият мўмин-мусулмонлар Аллоҳнинг тақдирига ишонсаларда, ризқ ва бойлик масаласида тўғри қарашга эга эмаслар. Ҳатто баъзилар динимиз аҳкомларига амал қилиш, Аллоҳ ва Расули буюрган амр-қайтариқларни адо этиш инсонни моддий имкониятга эга бўлишдан тўсади, ризқини камайтиради, деб нотўғри ўйлайдилар. Аслида-чи? Агар шариатга тўғри амал қилинса, дунёда ҳам, охирадда ҳам бахт-саодат топишига шубҳа йўқ.

Ушбу китобда ризқ ва бойлик билан боғлиқ айрим масалалар, нотўғри тасаввур ва тушунчаларни баҳоли қудрат таҳлил қилишга ҳаракат қиламыз. Мўмин кишининг ризқ ҳақидаги қарашини қандай бўлиши керак? Динимизда бойлик

тўплашга қандай қаралади? Нега Аллоҳ ҳамма бандалари ризқини кенг ва ўзини бой-бадавлат қилиб қўймайди? Қандай йўл тутилса, ризққа барака киради? Мўмин киши дунёда ҳам, охиратда ҳам бахтли, осуда ва фаровон ҳаёт кечирishi учун нима қилиши керак? Ашуро куни оиласига сахийлик ва бағрикенглик қилишнинг ризққа қандай таъсири бор? Бир неъматга эришгач, унинг узлуксиз келиб туриши учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Ҳақиқий бойлик нима? Шу каби саволларга жавоб топасиз, деган умиддамиз. Аллоҳ таоло барчаларимизга дунё ва охиратда бахтли ва саодатманд бандалардан бўлишимизни насиб айласин, омийн!

“РИЗҚ” СЎЗИ ҲАҚИДА

“Ризқ” сўзи араб тилида “ато, эҳсон, тухфа, неъмат” каби бир қанча маъноларни ифодалайди. “Мухторус сиҳоҳ” луғатида “ризқ” лафзига “махлуқотлар фойдаланадиган нарса” дея изоҳ берилган.

Ризқ икки хил – зоҳирий ва ботиний бўлади. Зоҳирий ризқ бадан ва шунга ўхшаш моддий нарсаларни билдирса, ботиний ризқ қалб, нафс, илм ва маърифат кабиларни қамраб олади. Бундан келиб чиқадики, кўпчилик ўйлаганидек, ризқ фақат моддий нарсадан иборат эмас, балки ақл-заковат, зехн, иқтидор, қобилият ва илм кабилар ҳам Аллоҳ тарафидан берилган ризқ ҳисобланади.

Қуръони каримнинг баъзи оятларида “ризқ” сўзи “ёмғир” маъносига келади. Аллоҳ таоло айтади:

“Яна кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ва Аллоҳ осмондан ёғдириб, унинг ёрдамида “ўлган” Ерни тирилтирган ризқ (ёмғир) да ҳамда шамолларнинг йўналтирилишида ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир” (Жосия, 5).

Яна бошқа бир оятда шундай дейилади:

“Осмонда эса сизларнинг ризқингиз (Ерда мўл хосил бўлишига сабаб бўлувчи ёмғир) ва сизларга ваъда қилинаётган (жаннат) бордир” (Зориёт, 22).

Мужоҳид раҳматуллоҳи алайҳ: “Бу оятдаги “ризқ”дан мурод ёмғирдир”, дейди.

Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ичида ризқ ва неъмат билан боғлиқ “Ар-Раҳмон”, “Ал-Ваҳҳоб”, “Ар-Раззоқ”, “Ал-Босит”, “Ал-Муқийт”, “Ал-Восеъ” ва “Ар-Розиқ” сифатлари мавжуд. “Ар-Раҳмон” сифати мўминга ҳам, кофирга ҳам, яхшига ҳам, ёмонга ҳам баробар ризқ берувчи, “Ал-Ваҳҳоб” неъматларни беҳисоб ато этувчи, “Ар-Раззоқ” барча махлуқотларини ризқлантирувчи, ризқларини яратиб, уларга етказувчи, “Ал-Босит” хоҳлаган бандасининг ризқини кенг қилувчи, “Ал-Муқийт” барча моддий ва маънавий ризқларни яратувчи, махлуқотларининг насибасини етказиб беришга кафил бўлган Зот, “Ал-Восеъ” хоҳлаган банданинг ризқини кенг қилувчи, “Ар-Розиқ” эса махлуқотларига ризқ берувчи каби маъноларни англаатади.

МЎМИН КИШИ РИЗҚНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

Ҳар бир соҳада бўлганидек, ризқ борасида ҳам мўмин киши ўз қарашига эга. Ризқнинг манбаи қаерда? Ризқни ким яратиб, уни махлуқотларга ким етказди? Мўмин банда ризқ, неъмат, касб-кор ҳақида қандай эътиқодда бўлиши керак? Ризқнинг келишида касб-кор қанчалик аҳамиятга эга? Келинг, бу саволларга жавобни Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан излайлик.

Аллоҳ таоло айтади:

“Ерда ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир. У Зот уларнинг турар

жойларини ҳам, борар жойларини ҳам билур. Ҳамма нарса очик-равшан Китобда бордир” (Ҳуд, 6).

Таржимада “ўрмалаган нарса” деб келтирилган сўз аслиятда “дааббатун” калимаси билан ифодаланади. Ана шу сўз хоҳ эркак, хоҳ аёл, хоҳ ақлли, хоҳ ақлсиз бўлсин, ҳар бир тирик мавжудот борки, ҳаммасини ўз ичига олади. Аллоҳ таолонинг қудрати ва илми бутун борлиқни қамраб олганидек, еру осмонда, сув тубию ер остида қимирлаган жонзот борки, Аллоҳ уларнинг ризқини яратишдан ташқари етказиб беришни ҳам Ўз зиммасига олган. У Зот ўзи яратган маҳлуқотларнинг қаерга бориб, қаерга қайтишлари, қай гўшани макон тутиб, қай тариқа озуқа топишларидан ҳам хабардор. Ҳар бир нарса Аллоҳнинг ҳузуридаги Китоб – Лавҳул Маҳфузда илгаридан тақдир қилиниб, ёзиб қўйилган. Хусусан, жонзотлар ризқи, миқдори ва унинг қанча бўлиши ҳам ўша Китобда битилган.

Айрим уламолар: “Ризқ фақат ҳалолдан бўлади, ҳаром нарсалар бандага ризқ эмас”, дейишган. Аммо аҳли сунна вал жамоа олимлари ушбу оятни далил қилиб, ҳаром нарсалар ҳам бандага ризқ бўлади. Акс ҳолда, умр бўйи ҳаромдан тирикчилик қилганлар (масалан, ўғри, рибохўрлар) ризқдан маҳрум бўлар эдилар, дейди.

Ривоят қилинишича, Мусо алайҳиссаломга ваҳий нозил қилинаётганида қалби аҳли-оиласига чалғиганида Аллоҳ таоло унга қўлидаги асо билан бир харсангни уришни буюради. Мусо буйруқни бажарганида харсанг ичидан иккинчи бир харсанг чиқади. Унисини ҳам асо билан урганида учинчи харсанг, учинчи харсангни ҳам урганида уни ичидан митти қурт чиқади. Ана шу қурт оғзида озуқаси бор эди. Шунда Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг изни ва қудрати билан қуртнинг: “Мени унутиб юбормай эслаб турган Зот ҳар қандай айбу нуқсондан

покдир”, деб айтганини эшитади (“Тафсирур Розий”, “Тафсирул Алусий”).

Аллоҳ таоло айтади:

“Ўз ризқини кўтара олмайдиган қанчадан-қанча жонзотлар бордир. Аллоҳ уларга ҳам, сизларга ҳам ризқ беради. У Эшитувчи, Билгувчидир” (Анкабут, 60).

Анкабут сурасининг 59-оятида сабр қилиб, Аллоҳ таолога таваккул қиладиган зотлар зикр қилинган бўлса, ушбу оятда таваккулга ёрдам берадиган нарса – ризқ хусусида сўз боради.

Ибн Уйайна айтади: “Инсон, чумоли ва сичқондан бошқа бирон жонзот ўз ризқини йиғиб, сақлаб қўймайди”. Ҳасан Басрий “ризқини кўтара олмайдиган” иборасини “йиғиб, сақлаб қўя олмайдиган” деб тушунтирган. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, мушриклар Маккадаги оз сонли мусулмонларга азият етказганларида, Расулуллоҳ алайҳисаллом Мадинага ҳижрат қилишни буюрдилар. Аммо улар: “Бизлар учун у ерда уй-жой ҳам, ер-мулк ҳам йўқ”, деб унашмади. Ана шунда Аллоҳ таоло юқоридаги оятни нозил қилган экан.

Аллоҳ таолонинг ризқ бериши муайян ҳудуд ёки макон билан хосланмайди, балки қаерда бўлишидан қатъий назар, ўз махлуқларига ризқларини етказиб туради. Кўпчилик жонзотлар заифлиги туфайли ўз ризқини топа олмайди ёки йиғиб, тўплай олмайди, қанчадан-қанча жонзотлар егулиги йўқ ҳолда тонг оттиради. Аллоҳ ҳеч бирини ризқсиз қолдирмайди. Чунки Аллоҳ таоло нафақат бандаларининг сўзлари, дуою илтижоларини эшитади, дунёдаги жамики махлуқларининг нимага муҳтож эканидан тўлиқ хабардор Зотдир.

۱ – عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الرِّزْقَ لَيَطْلُبُ الْعَبْدَ كَمَا يَطْلُبُهُ أَجَلُهُ. رَوَاهُ ابْنُ حِبَّانَ فِي صَحِيحِهِ وَالبَرَزِيُّ وَالبَطْرَانِيُّ بِإِسْنَادٍ جَيِّدٍ إِلَّا أَنَّهُ قَالَ: إِنَّ الرِّزْقَ لَيَطْلُبُ الْعَبْدَ أَكْثَرَ مِمَّا يَطْلُبُهُ أَجَلُهُ.

1 – Абу Дардо розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Албатта ризқ бандани худди ажали қидирганидек қидиради”, дедилар**” (Ибн Ҳиббон, Баззор ва Табароний ҳасан санади билан ривоят қилган. Имом Табароний келтирган ривоятда: **“Албатта ризқ бандани ажалидан ҳам кўпроқ қидиради”, дейилган**).

Гўдак ҳали она қорнида эканида унга ризқ, ажал, умр ва шу каби нарсалар тақдир қилинади. Дунёга келгач эса, ёзилган ризқи хоҳдаса-хоҳламаса, унга насиб этади. Умр паймонаси тўлганда ризқи узилиб, ажал қидириб топади. Худди шундай, ризқи ҳам бандани ажали излаганидек излаб топади. Бу Аллоҳ таоло томонидан азалда битиб қўйилган тақдирдир.

۲ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ عَنِ أَبِيهِ قَالَ: صَعِدَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمِنْبَرَ يَوْمَ غَزْوَةِ تَبُوكَ فَحَمِدَ اللَّهُ وَأَثْنَى عَلَيْهِ ثُمَّ قَالَ: أَيُّهَا النَّاسُ، إِنِّي وَاللَّهِ مَا أَمْرُكُمْ إِلَّا بِمَا أَمَرَكُمُ اللَّهُ بِهِ وَلَا أَنْهَأْكُمْ إِلَّا عَمَّا نَهَأَكُمُ اللَّهُ عَنْهُ فَأَجْمَلُوا فِي الطَّلَبِ فَوَالَّذِي نَفْسُ أَبِي الْقَاسِمِ بِيَدِهِ إِنَّ أَحَدَكُمْ لَيَطْلُبُهُ رِزْقُهُ كَمَا يَطْلُبُهُ أَجَلُهُ فَإِنْ تَعَسَّرَ عَلَيْكُمْ شَيْءٌ مِنْهُ فَاطْلُبُوهُ بِطَاعَةِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ.

2 – Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али отасидан ривоят қилади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук газоти куни минбарга кўтарилиб, Аллоҳга ҳамду сано айтдилар ва: **“Эй одамлар, Аллоҳга қасамки, мен сизларни фақат Аллоҳ буюрган нарсагагина буюриб, Аллоҳ қайтарган нарсдан қайтараман. (Ризқларингизни) чиройли суратда изланглар! Абулқосимнинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, ҳар бирингизнинг ризқи ажали уни қидирганидек қидиради. Агар ундан бирон нарса сизларга кечикса, уни Аллоҳ азза ва жалланинг тоати билан талаб қилинглар!” дедилар**” (Имом Табароний “Кабийр”да ривоят қилган).

Ушбу ҳадис мусулмонлар учун жуда оғир кечган Табук газотида айтилган. Ўшанда мусулмонлар ҳаво ниҳоятда

иссик, шароит оғирлигидан озуқа, сув ва бошқа масалаларда қийналиб қолишди.

Расулуллоҳ алайҳиссаллам сўзлари аввалида Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, кейин: **“Эй одамлар, Аллоҳга қасамки, мен сизларни фақат Аллоҳ буюрган нарсага буюриб, Аллоҳ қайтарган нарсадан қайтараман”**, дедилар. Бундан мақсад шуки, Аллоҳнинг амрига кўра яхши амалларга буюриб, ёмон ишлар, яъни ҳаром амаллардан қайтардилар. **“(Ризқларингизни) чиройли суратда изланглар!”**, дейишдан мақсад эса ризқни чиройли тарзда, шариат аҳқомларига амал қилган ҳолда, ҳалол йўл билан топишдир. **“Абулқосимнинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, ҳар бирингизнинг ризқи ажали уни қидирганидек қидиради”**. Бу ерда Набий алайҳисаллом Аллоҳ таолонинг номи билан қасам ичиб айтмоқдаларки, ҳар бир бандани ризқи худди ажали каби ортидан таъқиб қилиб юрар экан. Бу нарсани Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтилиши бунинг нақадар муҳим ва айни вақтда шак-шубҳасиз эканини билдиради. **“Агар ундан бирон нарса сизларга кечикса, уни Аллоҳ азза ва жалланинг тоати билан талаб қилинглари!”** Агар Аллоҳ тақдир қилган ризқ бирон сабабга кўра кечикса, шошқалоқлик, сабрсизлик қилиб, уни ҳар хил гуноҳ ва ношаръий йўللар билан эмас, балки Аллоҳ амрига итоат этиш ва ҳалол воситалар орқали излаш лозимлиги билдириломоқда. Ризқда танглик юз бериши ҳаром йўллarga ундамасин!

۳ – وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَوْ فَرَّ أَحَدُكُمْ مِنْ رِزْقِهِ أَدْرَكَهُ كَمَا يُدْرِكُهُ الْمَوْتُ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ وَالصَّغِيرِ بِإِسْنَادٍ حَسَنٍ.

3 – *Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар биронтангиз ризқидан қочмоқчи бўлса ҳам, албатта (ризқи) уни худди*

ўлими таъқиб этганидек қувиб етади” (Имом Табароний “Авсат” ва “Соғийр”да ҳасан санади билан ривоят қилган).

Аллоҳ таоло: **“Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни албатта топиб олув”**, деган (Нисо, 78).

Олдинги икки ҳадисда ризқ бандани худди ажалидек қувиб етиши айтилса, ушбу ривоятда шунга ўхшаган бошқа бир мисол келтирилмоқда. Ҳеч бир банда ўзига келаётган ризқ-насибадан кўз юмиб, ундан қочиб уринмайди. Мабодо шундай бўлган тақдирда ҳам ўлимдан қочиб қутилиб бўлмаганидек, тақдирга битилган насиба-ризқдан ҳам қоча олмайди. Ҳар ким ўз ризқ-насибасини олмасдан иложи йўқ. Шу орқали ҳар бир бандага белгиланган ўз ризқи борлигини англаиб, хотиржамлик билан ризқ қидириш ва ҳаром йўллarga кириб кетмасликни чиройли ва таъсирли усулда тушунтирилмоқда.

٤ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنْ الْعَبْدَ لَهُ رِزْقُهُ فَلَوْ اجْتَمَعَ عَلَيْهِ الثَّقَلَانِ الْجَنُّ وَالْإِنْسُ أَنْ يَصُدُّوا عَنْهُ شَيْئًا مِنْ ذَلِكَ مَا اسْتَطَاعُوا. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ بِإِسْنَادٍ لَيِّنٍ.

4 – Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Албатта банданинг ўз ризқи бор. Агар жин ва инсонлар у (ризқ)дан бирон нарсани ун(га келиши)дан тўсиш учун йиғилсалар, бунга қодир бўлмайдилар”** (Имом Табароний “Авсат”да лайин (заифга яқин) санади билан ривоят қилган).

Юқоридаги ҳадиси шарифларда ризқ бандани ажали каби қувиб етиши ҳақида сўз борди. Бу ўринда эса ҳеч ким ва ҳеч нарса бандага тақдир қилган ризқ келишига тўсқинлик қила олмаслиги таъкидланмоқда. **“Албатта банданинг ўз ризқи бор”**. Хоҳ мўмин, хоҳ кофир бўлсин, ҳар бир банданинг ўз ризқ-насибаси бўлиб, бу нарса Аллоҳ тарафидан белгилаб қўйилган улушдир. Шу нарса бандага етмасдан қолмайди ва унинг етиб боришига ҳеч нарса қаршилиқ кўрсата олмайди. **“Агар жин**

ва инсонлар у (ризқ)дан бирон нарсани ун(га келиши)дан тўсиш учун йиғилсалар, бунга қодир бўлмайдилар”.

Мабодо инс ва жин тоифаларининг аввалгилярию охиргилари бир жойга тўпланиб, биргаликда ҳаракат қилишган тақдирда ҳам, улар бандага фақат Аллоҳ тақдир қилган даражада фойда ёки зиён етказа оладилар. Шунингдек, бандага ёзиб қўйилган ризқдан зиғирча камайтириш ёки бутунлай маҳрум қилиш биронталарининг қўлидан келадиган иш эмас. Демак, Аллоҳ ва охират кунига имон келтирган банда ризқи ҳақида қалби хотиржам бўлиши, ризқни фақат Аллоҳ рози бўладиган тарзда ҳалол йўл билан излашга ҳаракат қилиши керак.

۵ - وَعَنْ حَبِيبَةَ وَسَوَاءِ ابْنَيْ خَالِدٍ قَالَا: دَخَلْنَا عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يُعَالِجُ شَيْئًا فَأَعْنَاهُ عَلَيْهِ فَقَالَ: لَا تَيْسَسَا مِنَ الرِّزْقِ مَا تَهَزَّرْتُمْ رُءُوسَكُمْ فَإِنَّ الْإِنْسَانَ تَلَدَهُ أُمُّهُ أَحْمَرَ لَيْسَ عَلَيْهِ قَشْرٌ ثُمَّ يَرْزُقُهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَالطَّبْرَانِيُّ وَابْنُ خَبْرٍ فِي الْأَدَبِ الْمُفْرَدِ وَابْنُ حِبَّانَ فِي صَحِيحِهِ.

5 – Холиднинг икки ўгли Ҳабба¹ ва Савоъ розияллоҳу анҳумолар ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига борсак, у зот бир нарсани тузатаётган эканлар. Шунда биз у зотга ёрдамлашиб юбордик. Сўнгра у зот: “Токи ҳаёт экансизлар, зинҳор ризқдан ноумид бўлманглар. Чунки инсонни онаси қизил ҳолида туққанида, унинг устида либос бўлмайди. Кейин Аллоҳ уни ризқантиради”, дедилар” (Ибн Можя, Табароний, имом Бухорий “Адабул муфрад”да ва Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган).

Ривоятга кўра, Ҳабба ва Савоъ розийаллоҳу анҳумо Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг олдиларига боришганида, у

¹ Ҳадис ровийларидан бирининг тўлиқ исми Ҳабба ибн Холид ал-Асадийдир. У саҳобий саналади. Савоъ ибн Холид ал-Асадий ҳам саҳобий бўлиб, бу икки саҳобий ривоят қилган ҳадислар Имом Бухорийнинг “Ал-Адабул муфрад”ида, Ибн Можанин “Сунан”ида келтирилган. Савоъ ибн Холид розийаллоҳу анҳу томонидан ёлғиз шу ҳадис ривоят қилинган.

зот бир юмуш билан машғул эканлар. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда “у зот девор ёки уйларини тузатаётган эдилар” деб келтирилган. Ҳа, Расулуллоҳ алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг удуғ пайғамбари, энг мукаррам ва энг суюкли бандаси бўлишларига қарамай, ўта камтар ва мутавозеъ зот эдилар. Уйда рўзғор ишларини ўзлари бажариб, ҳатто муҳтарама оналаримизга ҳам бу борада ёрдам берар эдилар. Набий алайҳиссаломнинг бир юмуш билан банд эканларини кўрган Ҳабба ва Савоъ розийаллоҳу анҳумо у зотга қарашиб юборишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у иккисига қарата: **“Токи ҳаёт экансизлар, зинҳор ризқдан ноумид бўлманглар”**, дедилар.

Яъни, бундан ризқ ҳақида кўнглингиз хотиржам бўлсин, ҳеч қачон Аллоҳнинг ризқ беришидан ноумид бўлманглар, ҳар бир банданинг ўз ризқ-насибаси бор. Ахир инсон онаси қорнидан қип-қизил бир парча гўшт ҳолида тушгач, Аллоҳ унга ризқ бериб, инсон ҳолига келтиради-ку! Бас, ризқдан ноумид бўлманглар ва касб-корни чиройли суратда олиб бориб, ҳалол йўллар билан ризқ талаб қилинглр, деган маъно тушунилади.

Мўмин киши ризқ ҳақида қуйидаги қарашда бўлиши керак:

1 – Ризқ азалда Аллоҳ тарафидан тақдир қилиб қўйилган. Ана шу ризқ бандага етмай қолмайди.

2 – Ризқ ўз эгасини худди ажали каби қидириб юради.

3 – Ризқ келишида касб-ҳунар бир восита бўлиб, унга ортиқча баҳо бериб, касбим орқасидан нон топаяпман, шу ҳунарим мени боқаяпти, деб эътиқод қилиш ширкка олиб боради. Шуни унутмаслик керакки, Аллоҳ белгилаб қўйган ризқ ана шу касб-кор сабабли бандага етиб туради.

4 – Ер ва сув ҳам ризқ келишида воситадир. Аммо кўпчиликда ердан олинган маҳсулотларни “табиат инъомлари”, “табиат бизни боқади” деган нотўғри фикр шакланган. Аслида

ер ҳам, сув ҳам Аллоҳнинг изни билан бандаларга ризқларини чиқаради. Бу иккиси ризқланиш учун бир восита эканини, ризқ эса Аллоҳнинг даргоҳидан нозил бўлишини яхши англаб етишимиз зарур!

РИЗҚНИ ЧИРОЙЛИ СУРАТДА ТОПИШ ЛОЗИМЛИГИ

٦ - عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَيُّهَا النَّاسُ ، اتَّقُوا اللَّهَ وَأَحْمِلُوا فِي الطَّلَبِ فَإِنَّ نَفْسًا لَنْ تَمُوتَ حَتَّى تَسْتَوْفِيَ رِزْقَهَا وَإِنْ أَبْطَأَ عَنْهَا فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَحْمِلُوا فِي الطَّلَبِ ، خُذُوا مَا حَلَّ وَدَعُوا مَا حَرَّمَ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ.

6 – Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Эй одамлар, Аллоҳга тақво қилинглар ва (ризқни) чиройли суратда изланглар! Зеро, бирон нафс токи ризқини тўла олмагунича ўлмайди. Агар у (ризқ) кечикса, бас, Аллоҳга тақво қилинглар ва уни гўзал тарзда талаб қилинглар, ҳалолни олиб, ҳаромни тарк этинглар!” (Ибн Можа ривояти).

Юқорида ҳар бир жонзотнинг ризқи Аллоҳ тарафидан кафолатлангани айтилса, ушбу бобда тақдирга ёзилган ризқни чиройли суратда, ҳалол йўллар билан топишга тарғиб қилинмоқда.

“Эй одамлар, Аллоҳга тақво қилинглар ва (ризқни) чиройли суратда изланглар! Зеро, бирон нафс токи ризқини тўла олмагунича ўлмайди”.

Яъни, эй мўминлар, Раббингиз Аллоҳга тақво қилинглар, У Зот буюрган амалларни ихлос билан бажариб, қайтарганидан қайтинглар. Сизлар ризқ талаби ва касб-кор қилишни гўзал

суратда, Аллоҳ рухсат берган йўллар орқали олиб боринглар. Чунки Аллоҳ ҳар бир жоннинг ризқини азалдан тақдир қилиб, у ўша ризқини охиригача олмасдан дунёдан ўтмайди. Бас, ризқ борасида қалбингиз хотиржам бўлсин. Бу ўринда ҳалол ризқ топишга тарғиб этишдан олдин Аллоҳдан қўрқишга амр қилиндики, агар Аллоҳдан қўрқиш ҳисси – тақво бўлсагина банда ҳалол йўл билан ризқ излаб, ҳаромдан узоқлашади.

“Агар у (ризқ) кечикса, бас, Аллоҳга тақво қилинглари ва уни гўзал тарзда талаб қилинглари, ҳалолни олиб, ҳаромни тарк этинглари!”

Агар бирон сабабга кўра тақдир қилинган ризқ келиши кечикса, шошилманг, ҳаром йўллар билан тезроқ унга эришишга ошиқманг, балки Аллоҳга тақво қилинг, ризқни гўзал суратда талаб қилинглари.

Демак, мўмин банда қийинчилик ва оғир кунларда, ризқида танглик юз берган вақтларда ҳам ҳалол йўл билан касб-кор қилишни унутмаслиги ва Аллоҳга доимий тарзда тақво қилиши керак экан.

۷ – وَعَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: نَفَثَ رُوحُ الْقُدْسِ فِي رُوعِي أَنْ نَفْسًا لَنْ تَخْرُجَ مِنَ الدُّنْيَا حَتَّى تَسْتَكْمَلَ أَجَلَهَا وَتَسْتَوْعَبَ رِزْقَهَا فَأَجْمِلُوا فِي الطَّلَبِ وَلَا يَحْمِلَنَّكُمْ اسْتِبْطَاءُ الرِّزْقِ أَنْ تَطْلُبُوهُ بِمَعْصِيَةِ اللَّهِ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُنَالُ مَا عِنْدَهُ إِلَّا بِطَاعَتِهِ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْحَاكِمُ فِي الْمُسْتَدْرَكِ إِلَّا أَنَّهُ قَالَ: فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُنَالُ فَضْلَهُ بِمَعْصِيَتِهِ.

7 – *Абу Умома розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Рухул қудус менга токи бирон нафс ажали етгунича ва ризқини мукаммал тарзда олмагунича дунёдан кетмаслигини билдирди. Бас (шундай экан, ризқларингизни) чиройли суратда талаб қилинглари! Ризқнинг кечикиши сизларни Аллоҳга маъсият қилиш билан касб қилишга ундамасин! Зеро, Аллоҳ даргоҳидаги нарсага фақат Унинг тоати*

билангина эришилади” (Имом Табароний “Кабийр”да ва Ҳоким “Мустандрок”да ривоят қилган. Ҳокимнинг ривоятида: “Зеро, Аллоҳнинг фазли Унга осий бўлиш билан олинмайди”, дейилган).

Ушбу ҳадиснинг аввалги жумласи ўзидан олдинги ривоятнинг маъносини таъкидлаб келмоқда. Ривоятнинг охири эса бироз фарқлироқ тус олади. **“Зеро, Аллоҳ даргоҳидаги нарсага фақат Унинг тоати билангина эришилади”.**

Яъни, Аллоҳнинг ҳузуридаги ризқ, барака ва яхшилик, қолаверса, жаннатга фақат ва фақат У Зотга ибодат ва итоат этиш туфайли эришилади, Аллоҳнинг раҳмати ва фазл-карамига ҳаром ҳамда ношаръий йўллар билан эришиб бўлмайди.

ИСЛОМДА МОЛ-ДУНЁ ВА БОЙЛИК ТЎПЛАШГА ҚАНДАЙ ҚАРАЛАДИ?

Ҳар бир жамият ва тузумнинг бойлик ҳақида ўз қараши ва тушунчаси бўлади. Аммо, динимиз Исломда бойликка муносабат қандай? Шу ва шунга ўхшаш саволларга қуйида ҳадиси шарифлардан жавоб излаймиз.

۸ — عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ نَاسًا مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالُوا لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، ذَهَبَ أَهْلُ الدُّنْيِ بِالْأَجْوَرِ، يُصَلُّونَ كَمَا نُصَلِّي وَيُصُومُونَ كَمَا نَصُومُ وَيَتَصَدَّقُونَ بِفُضُولِ أَمْوَالِهِمْ قَالَ: أَوْ لَيْسَ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ مَا تَصَدَّقُونَ، إِنَّ يَكُلُّ تَسْبِيحَةَ صَدَقَةٍ وَكُلَّ تَكْبِيرَةَ صَدَقَةٍ وَكُلَّ تَحْمِيدَةَ صَدَقَةٍ وَكُلَّ تَهْلِيلَةَ صَدَقَةٍ وَأَمْرٌ بِالْمَعْرُوفِ صَدَقَةٌ وَنَهْيٌ عَنِ مُنْكَرِ صَدَقَةٌ وَفِي بَعْضِ أَحَدِكُمْ صَدَقَةٌ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَيَّاتِي أَحَدُنَا شَهْوَتُهُ وَيَكُونُ لَهُ فِيهَا أَجْرٌ قَالَ: أَرَأَيْتُمْ لَوْ وَضَعَهَا فِي حَرَامٍ أَكَانَ عَلَيْهِ فِيهَا وَزْرٌ فَكَذَلِكَ إِذَا وَضَعَهَا فِي الْحَلَالِ كَانَ لَهُ أَجْرًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ.

8 – *Абу Зарр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан баъзилари Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга дедилар: “Эй Расулуллоҳ, бойлик эгалари ажр-савоблар (қозониш)да ўзиб кетишди. Улар биз каби намоз ўқишади, рўза тутишади, ортиқча мол-дунёларидан садақа қилишади”. Шунда у зот: “Аллоҳ сизларга ҳам садақа қиладиган нарсаларни жорий қилмаганми? Ҳар бир тасбеҳ – садақа, ҳар бир такбир – садақа, ҳар бир таҳмид – садақа, ҳар бир таҳлил – садақа, амру маъруф – садақа, наҳий мункар – садақа, биронтангизнинг ўз аёли билан жинсий муомала қилиши – садақа”, дедилар. Улар: “Эй Расулуллоҳ, агар биронтамиз шаҳватини қондирса ҳам, бунинг эвазига ажр оладими?!” дейишди. У зот: “Қаранглар, агар у шаҳватини ҳаром йўл билан қондирса, унга гуноҳ бўлармиди? Худди шундай агар ҳалол йўл билан қондирса, бунинг учун ажр олади”, дедилар (*Имом Бухорий, имом Муслим, имом Аҳмад ва имом Табароний ривояти*).*

Саҳобалар ичида турли ҳолатдаги кишилар бор эди. Баъзилари бутун бошли қўшинни керакли анжом, қурол-яроғ ва озиқ-овқат билан таъминлай олишга қурби етадиган бадавлат, яна баъзилари эса Суффа аҳлига ўхшаб ёлғиз ридоларидан бошқа ҳеч вақоси йўқ фақир эдилар. Аммо, уларнинг барчалари яхшилик қозонишга, савоб амаллар қилиб, Аллоҳнинг розилигини топишга ўта иштиёқманда бўлишган. Ана шу иштиёқни, савобли ишларга ташналикни ушбу ҳадис мисолида кўриб турибмиз.

Бу ўринда “Набий алайҳисалломнинг саҳобларидан баъзилари” дейилмоқда, аммо бошқа ривоятларда, хусусан, имом Муслим ривоят қилган ҳадисда “муҳожирларнинг фақир кишилари келиб...” дейилган. Демак, муҳожирлар орасидаги қўли калта фақир кишилар келиб: “Эй Расулуллоҳ, бойлик эгалари ажр-савоблар (қозониш)да ўзиб кетишди. Улар

биз каби намоз ўқишади, рўза тутишади, ортиқча мол-дунёларидан садақа қилишади”, дейишди.

Яъни, эй Расулulloҳ, бой-бадавлат биродарларимиз солиҳ амаллар қилиш ва ажр-савоб қозонишда бизлардан ўтиб кетишди. Улар бизлар каби имон келтириб, биз тасдиқлаган нарсаларни тасдиқлашган, биз каби намоз ўқишади, рўза тутишади, аммо бизлардан фарқли ўлароқ мол-дунёлари борлигидан ҳақдор кишиларга садақалар улашиш, қул озод қилиб, жаннатга киришларига сабаб бўлувчи амалларни қилмоқдалар, уларнинг Аллоҳ наздидаги мартабалари ҳам ошиб бормоқда. Бизлар эса бундай имкониятларга эга эмасмиз, дейишди. Бу савол ҳасад ёки кўра олмаслик оқибатида берилмаяпти, балки солиҳ амалларда бошқа биродарларидан орқада қолиб кетишлари уларни шу нарсага ундамоқда.

Ўз ҳузурларига келган саҳобаларда ажр-савоб қозонишга бўлган кучли иштиёқни кўрган Пайғамбаримиз алайҳиссалом уларга қарата: **“Аллоҳ сизларга ҳам садақа қиладиган нарсаларни жорий қилмаганми?”** яъни, сизларда бойлик ва мол-дунё бўлмаса-да, сизларга шундай амалларни ўргатаманки, бунинг эвазига Аллоҳ сизларга биродарларингиз қилаётган садақанинг савобини беради, деб: **“Ҳар бир тасбеҳ – садақа, ҳар бир такбир – садақа, ҳар бир таҳмид – садақа, ҳар бир таҳлил – садақа, амру маъруф – садақа, наҳий мункар – садақа, биронтангизнинг ўз аёли билан жинсий муомала қилиши – садақа”**, дедилар.

Бундан зикр ва амру маъруф орқали Аллоҳга яқинлашиш садақа, закот ва бошқа молиявий ибодатлар орқали Аллоҳга яқинлашишдан афзал экани маълум бўлади. Тасбеҳ “субҳаналлоҳ”, такбир “аллоҳу акбар”, таҳмид “алҳамду лиллаҳ”, таҳлил эса “лаа илаҳа иллаллоҳ” калималарининг қисқартма шакли саналади. Амру маъруф “одамларни яхшиликка, солиҳ амалларга буюриш”, наҳий мункар “уларни гуноҳ ишлар

ва ҳаром амаллардан қайтариш”дир. Демак, айтиб ўтилган зикрлар, амру маъруф ва наҳий мункар бандага бойлигидан садақа қилганчалик савоб берилишига сабаб бўлар экан. Булар орасида амру маъруф ва наҳий мункарга бериладиган ажр зикрга бериладиган савобдан улўроқдир. Сабаби амру маъруф ва наҳий мункар фарзи кифоя, зикрлар эса нафлдир. Фарз ибодатига нафллардан кўра кўпроқ савоб берилиши ҳаммамизга маълум. Шу маънода баъзи олимлар: “Фарз ибодатининг савоби нафл ибодатининг савобидан етмиш марта кўпдир”, дейишган (“*Шарҳун нававий ғала муслим*”).

Солиҳ амалларга ташна бўлган муҳожирлар тасбеҳ, такбир, таҳмид, таҳлил, амру маъруф ва наҳий мункар ибодат эканини ва бу амалларни адо этган бандаларга улкан савоб берилишини билар эдилар. Бироқ Расулulloҳ алайҳиссаломнинг: **“Биронтангизнинг ўз аёли билан жинсий муомала қилиши – садақа”** деб айтишлари уларни ажаблантирди ва шу сабабдан: **“Эй Расулulloҳ, агар биронтамиз шаҳватини қондирса ҳам, бунинг эвазига ажр оладими?!”** деб сўрашди. Уларнинг бу саволида аҳли-аёли билан жимоъ қилиш ҳам ибодатми, банда шу нарса учун ҳам савоб оладими, деган маъно бор эди.

Саҳобаларнинг ажабланиш билан берган саволларига Расулulloҳ соллалoҳу алайҳи ва саллам чиройли қиёс билан жавоб бердилар: **“Қаранглар, агар у шаҳватини ҳаром йўл билан қондирса, унга гуноҳ бўлармиди? Худди шундай агар ҳалол йўл билан қондирса, бунинг учун ажр олади”.**

Ҳақиқатан, агар банда шаҳватини ҳаром йўл, масалан, зино қилиш орқали қондирса, катта гуноҳ иш қилган бўлади. Бунинг акси ўлароқ, зинодан четланиш мақсадида ўзининг ҳалол завжаси билан муомала қилса, албатта савобга эришади. Бундан келиб чиқадики, агар ният холис бўлса, мубоҳ амаллар ҳам ибодатга айланади. Имом Нававий айтади: “Агар банда аёлининг ҳақини адо этиш, унга яхши

муомала қилиш, солиҳ фарзанд сўраш, ўзини ва завжасини ҳаромдан, номаҳрамларга назар солишдан тийиш учун жимоъ қилса, бу ҳам ибодат бўлади”.

Ушбу ҳадисда бойликка эга бўлиб, шу билан бирга солиҳ амалларни қилиш улкан даража экани айтилмоқда.

۹ – وَعَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْعَبْدَ التَّقِيَّ الْغَنِيَّ الْخَفِيَّ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ.

9 – Саъд ибн Абу Ваққос розийаллоху анху ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: **“Албатта Аллоҳ тақволи ва хафий бўлган бой бандани яхши кўради”,** деб айтганларини эшитганман” (Имом Муслим ва Аҳмад ривояти).

Имом Нававий ўз шарҳида: “Бойлик”дан мурод “нафс тўқлигидир”, деган. Ал-Қозий эса: “Ҳадисда зикр қилинган бойлик моддий бойлиқдир”, деган. Лекин, ҳадисдаги “ғина” сўзи асосан моддий бойликни англатиши ва “бадавлат” сўзининг сифати “хафий” билан ифодаланаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ердаги “бойлик”дан мурод моддий мол-мулкка эга бўлиш эканига амин бўламиз.

Таржимада “хафий” деб ўгирилган сўз аслиятда ҳам шу тарзда келтирилган. Мазкур сўз ўзини яширувчи, кўринмас; ўзини кўз-кўз қилмайдиган; мутавозеъ, камтарин каби маъноларни ифодалайди. Демак, Аллоҳ таоло тақво қилувчи, ўзини камтар тутиб, бойлиги билан фахрланмайдиган, мутавозеъ ва ғурурга кетмаган бадавлат кишини яхши кўради. Бу эса ҳалол йўл билан бойлик орттириш мўмин банда учун фазилат эканига далолат қилади. Ўз навбатида бойлиги бўлса-да, тақвоси йўқ, мол-давлати билан манманлик қиладиган, ўзини бошқалардан устун қўядиган мақтанчоқ бандани Аллоҳ таоло ёмон кўради.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳадиси шарифда “хафий бой банда”дан олдин “тақволи” сўзининг

келиши, агар имон ва тақво бўлсагина, бойлик, мол-дунё бандага фазилат бўла олишидан дарак беради.

۱۰ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: **بَيْنَا أَيُّوبُ يَغْتَسِلُ عُزَيَانًا فَحَرَّ عَلَيْهِ جَرَادٌ مِنْ ذَهَبٍ فَجَعَلَ أَيُّوبُ يَحْتَثِي فِي تَوْبِهِ فَنَادَاهُ رَبُّهُ: يَا أَيُّوبُ أَلَمْ أَكُنْ أَغْنِيَنَّكَ عَمَّا تَرَى قَالَ: بَلَى وَعِزَّتِكَ وَلَكِنْ لَا غِنِي بِي عَنْ بَرَكَتِكَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْجَامِعِ الصَّحِيحِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي سُنَنِ الْكُبْرَى.**

10 – *Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Айюб бир куни яланғоч чўмилаётганида, унинг устига олтин чигирткалар шатирлаб ёғила кетди ва Айюб ударни териб кўйлагига сола бошлади. Шунда Парвардигори унга нидо қилди: “Эй Айюб, Мен сени кўриб турган нарсаларингдан беҳожат қилиб қўймаганмидим?” У: “Ҳа (эй Раббим, шундай қилгансан,) иззатингга қасамки, лекин мен Сенинг барокангдан беҳожат эмасман”, деди” (Имом Бухорий “Жомеъус саҳиҳ”да ва Байҳақий “Сунанул кубро”да ривоят қилган).*

Айюб алайҳиссалом пайғамбарлардан биридир. Унинг насаби Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломга бориб туташади. Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломга катта бойлик, мол-дунё ва фарзандлар бергандан кейин мусибат юбориб, синайди. Аммо Айюб алайҳиссалом мусибатларга чиройли сабр қилади. Аллоҳ таоло унинг дуосини қабул қилиб, аввалги мол-дунё ва бола-чақаларини яна қайтариб беради.

Бу ҳадисда Айюб алайҳиссалом ҳаётида рўй берган ҳодиса ҳақида сўз боради. Кунларнинг бирида Айюб алайҳиссалом чўмилаётганида, бирдан устига олтин чигирткалар ёғилади. У тез-тез териб, олтин чигирткаларни кўйнига сола бошлади. Шунда Аллоҳ таоло унга нидо қилиб: “**Эй Айюб, Мен сени кўриб турган нарсаларингдан беҳожат қилиб қўймаганмидим?**” яъни, ахир Мен сени бой-бадавлат қилиб

қўйган бўлсам, яна нега ўзингни бу нарсаларга урмоқдасан, деб хитоб қилибди. Бунга жавобан Айюб алайҳиссалом: “Эй Раббим, шак-шубҳасиз Сен мени бу нарсалардан беҳожат қилиб қўйгансан. Лекин Сен осмондан туширган барака ва фэйзингдан беҳожат эмасман”, деб жавоб берибди.

Ибн Ҳажар ушбу ҳадис ҳақида: “Мазкур ҳадис ҳаққи ва шукрини адо қила оладиган банда учун ҳалол йўл билан бойлик орттириш жоизлигига далолат қилади. Бу ерда “мол-дунё” маъноси “барака” сўзи билан ифодаланиб, шокир ва тақволи бой кишилар фэйзлатда афзаллиги ҳам таъкидланмоқда”.

Ушбу ҳадисдан олинадиган ибратлар:

1 – киши бир ўзи холи қолганида яланғоч чўмилиши жоизлиги. Чунки Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломга яланғоч чўмилаётгани учун эмас, балки олтин чигирткаларни қўйнига солгани учун танбеҳ маъносида ниҳо қилди.

2 – Ҳаққи ва шукрини адо қилиш шарт билан бойлик тўплаш мумкинлиги.

3 – Ҳар бир банда Аллоҳнинг хайр-барака ва фэйзидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилиши.

4 – Қанчалик бой-бадавлат бўлмасин, банда доимо ўзини Аллоҳга муҳтож эканини ҳис қилиб туриши, ўзини зинҳор Аллоҳнинг лутф-карамидан беҳожат эканини даъво қилмаслиги.

۱۱ – وَعَنْ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَعَثَ إِلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: خُذْ عَلَيْكَ ثِيَابَكَ وَسِلَاحَكَ ثُمَّ اتَّيْنِي فَأَتَيْتُهُ وَهُوَ يَتَوَضَّأُ فَصَعَدَ فِي النَّظَرِ ثُمَّ طَاطَاهُ فَقَالَ: إِنِّي أُرِيدُ أَنْ أَبْعَثَكَ عَلَيَّ حَيْشٍ فَيَسْلَمَكَ اللَّهُ وَيُعْنِمَكَ وَأَرْغَبَ لَكَ مِنَ الْمَالِ رَغْبَةً صَالِحَةً قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ ، مَا أَسْلَمْتُ مِنْ أَجْلِ الْمَالِ وَلَكِنِّي أَسْلَمْتُ رَغْبَةً فِي الْإِسْلَامِ وَأَنْ أَكُونَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا عَمْرُو ، نِعَمَ الْمَالِ الصَّالِحِ لِلْمَرْءِ الصَّالِحِ . رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ الْمُفْرَدِ وَأَحْمَدُ فِي الْمُسْنَدِ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ .

11 – Амр ибн Ос розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одам жўнатиб, кийимларинг, қурол-яроғингни олиб, менинг олдимга келгин, деб айтиб юборибдилар. Мен у зотнинг олдиларига борсам, таҳорат қилаётган эканлар. Шунда менга бошдан-оёқ разм солиб, сўнгра нигоҳларини пастга қаратдилар ва: “Мен сени бир қўшинга бошлиқ қилиб юбормоқчиман. Аллоҳ сени соғ-саломат қилиб, ўлжалар олишни насиб этади. Мен сенинг яхши ният ила бойликка эга бўлишингни хоҳлайман”, дедилар. Шунда: “Мен бойлик орттириш учун эмас, балки Исломи хоҳлаб, Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлиш учун мусулмон бўлганман”, дедим. Шунда у зот: “Эй Амр, солиҳ бойлик солиҳ кишининг қўлида бўлса, қандоқ ҳам яхши!” дедилар” (Имом Бухорий “Ал-адабул муфрад”да, имом Аҳмад “Муснад”да ва имом Табароний “Кабир”да ривоят қилган).

Амр ибн Ос ибн Воил Абу Абдуллоҳ ал-Қуроший машҳур саҳоба, Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳунинг отасидир. У жасурлиги ва паҳлавонлиги билан шуҳрат қозонган, кўплаб фатҳларда иштирок этган. “Сиҳоҳи ситта” соҳибларининг барчаси ундан ҳадис ривоят қилишган.

Ушбу ривоятда айтилишича, Расулаллоҳ алайҳиссалом Амр ибн Ос розийаллоҳу анҳунинг олдига одам юбориб, кийимини кийиб, қуролланган ҳолда ҳузурларига келишини буюрдилар. Амр келганида, Пайгамбаримиз алайҳиссалом таҳорат қилаётган эканлар. Шундан сўнг Амр ибн Оса бир қараб, кейин нигоҳларини бошқа томонга буриб:

– Эй Амр, сени бир қўшинга саркарда қилиб, фалон жойга юбормоқчиман. Шояд Аллоҳ сизларга нусрат берса, соғ-саломат сақлаб, кўп миқдорда ўлжалар ато этса. Мен сенда яхши бойлик бўлишини хоҳлайман,— дедилар. Бунга жавобан Амр:

– Эй Расулуллоҳ, мен бойлик ёки мансаб ниятида эмас, балки Ислом динини ҳақ деб билганим, шу динни хоҳлаганим ҳамда Аллоҳнинг Расули билан бирга бўлиш учун мусулмон бўлдим. Сиз буюраётган вазифалар орқасидан мол-дунё орттиришни истамайман”, – деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Амр ибн Оснинг бойлик тўғрисидаги фикрини тўғрилаб: “**Эй Амр, солиҳ бойлик солиҳ кишининг қўлида бўлса, қандоқ ҳам яхши!**” дедилар.

“Солиҳ бойлик” деганда ҳалолдан топилиб, шукри ва ҳаққи адо этиладиган бойлик назарда тутилади. “Солиҳ киши” энг аввало Аллоҳ таолога ҳақиқий имон келтирган, У Зотга тақво қилувчи, бойлик эгаси бўла туриб ҳаддидан ошмайдиган, камтар ва мулоғим, қўли очиқ ва яна кўплаб яхши сифатларга эга бўлган бандадир. Демак, ҳалол йўл билан топилган бойлик мўмин ва тақводор одамнинг қўлида бўлиши яхши нарса экан. Бу ҳолат кўплаб хайрли ишларни қилиш, мўминларнинг аҳволи яхшиланиши, Ислом равнақи ва яна кўплаб яхшиликлар қилинишига сабаб бўлади.

۱۲ – وَعَنْ أَبِي كَبِشَةَ الْأَنْمَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: ثَلَاثَةٌ أَقْسِمُ عَلَيْهِنَّ وَأُحَدِّثُكُمْ حَدِيثًا فَاحْفَظُوهُ قَالَ: مَا نَقَصَ مَالٌ عَبْدًا مِنْ صَدَقَةٍ وَلَا ظَلَمَ عَبْدٌ مَظْلَمَةً فَصَبَرَ عَلَيْهَا إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ عِزًّا وَلَا فَتَحَ عَبْدٌ بَابَ مَسْأَلَةٍ إِلَّا فَتَحَ اللَّهُ عَلَيْهِ بَابَ فَقْرٍ أَوْ كَلِمَةً نَحْوَهَا وَأُحَدِّثُكُمْ حَدِيثًا فَاحْفَظُوهُ قَالَ: إِنَّمَا الدُّنْيَا لِأَرْبَعَةٍ نَفَرٍ عَبْدٌ رَزَقَهُ اللَّهُ مَالًا وَعَلِمًا فَهُوَ يَتَّقِي فِيهِ رَبَّهُ وَيَصِلُ فِيهِ رَحْمَهُ وَيَعْلَمُ اللَّهُ فِيهِ حَقًّا فَهَذَا بِأَفْضَلِ الْمَنَازِلِ وَعَبْدٌ رَزَقَهُ اللَّهُ عِلْمًا وَلَمْ يَرْزُقْهُ مَالًا فَهُوَ صَادِقُ النِّيَّةِ يَقُولُ: لَوْ أَنَّ لِي مَالًا لَعَمِلْتُ بِعَمَلِ فُلَانٍ فَهُوَ بِنَيْتِهِ فَأَجْرُهُمَا سَوَاءٌ وَعَبْدٌ رَزَقَهُ اللَّهُ مَالًا وَلَمْ يَرْزُقْهُ عِلْمًا فَهُوَ يَخْبِطُ فِي مَالِهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ لَا يَتَّقِي فِيهِ رَبَّهُ وَلَا يَصِلُ فِيهِ رَحْمَهُ وَلَا يَعْلَمُ اللَّهُ فِيهِ حَقًّا فَهَذَا بِأَخْبَثِ الْمَنَازِلِ وَعَبْدٌ لَمْ يَرْزُقْهُ اللَّهُ مَالًا وَلَا عِلْمًا فَهُوَ يَقُولُ: لَوْ أَنَّ لِي مَالًا لَعَمِلْتُ فِيهِ بِعَمَلِ فُلَانٍ فَهُوَ بِنَيْتِهِ فَوَزْرُهُمَا سَوَاءٌ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَقَالَ أَبُو عِيَسَى: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ.

12 – *Абу Кабша Анморий² розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитган экан: “Уч нарсага қасам ичаман ва мен сизларга бир ҳадис айтаман, уни ёдлаб олинглар: банданинг моли садақа билан камаймайди, бир бандага зулм қилинса ва ўшанга сабр қилса, албатта Аллоҳ унинг обрўсини зиёда қилади. Агар банда ўзига тиланчилик эшигини очса, албатта Аллоҳ унга фақирлик эшигини очади (ёки шунга ўхшаш сўз айтдилар). Мен сизларга бир ҳадис айтаман, уни ёдлаб олинглар: Албатта дунё тўрт кишиникидир – бир бандага Аллоҳ бойлик ва илм беради. У Раббига тақво қилади, силаи раҳм қилади ва унда Аллоҳнинг ҳаққини билади. Бу энг афзал даражадир! Яна бир бандага Аллоҳ илм беради, аммо бойлик бермайди. Шунга қарамай унинг нияти тўғри, агар Аллоҳ менга ҳам бойлик берганида фалончининг амалини қилган бўлардим, дейди. У ниятига яраша (ажр) олади ва у иккисининг савоби бир хил. Яна бир бандага Аллоҳ бойлик беради, аммо илм бермайди. У молини илмсиз ҳолида исроф қилади, Раббига тақво қилмайди, силаи раҳм қилмайди ва унда Аллоҳнинг ҳақларини билмайди. Бу энг ёмон даражадир! Яна бошқа бир бандага Аллоҳ бойлик ҳам, илм ҳам бермайди, шунга қарамай, агар менда ҳам бойлик бўлганида фалончининг амалини қилардим, дейди. Бас, у ниятига яраша олади. У иккисининг гуноҳи бир хилдир”* (Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти. Абу Исо Термизий ҳадиснинг санадини ҳасан-саҳиҳ, деган).

Мазкур ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир мўмин киши билиши лозим бўлган ишлар хусусида хабар бериб, унинг нақадар муҳимлигини билдириш

² Абу Кабша ал-Анморий ал-Мазҳижий розийаллоҳу анҳунинг номи манбалардан турлича келтирилган. Баъзилар “Саъд ибн Амр”, баъзилар “Саид ибн Амр”, бошқалар эса “Амр ибн Саъд” деб келтирганлар. Ушбу саҳобийдан Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можалар ҳадис ривоят қилишган.

мақсадида ҳадис аввалида **“уч нарсага қасам ичаман”** дедилар ва сўзлари давомида масаланинг аҳамиятли эканини билдириш учун икки бора **“мен сизларга бир ҳадис айтаман, уни ёдлаб олинглар”** деб таъкидламоқдалар.

Энди ҳадисда айтилган ҳар бир мўмин-мусулмон банда ўрганиб, амал қилиши лозим бўлган ишларни бирма-бир кўриб чиқамиз:

“Банданинг моли садақа билан камаймайди”. “Садақа” деганда, аввало фарз ибодати – закот, фитр садақаси, қурбонлик қилиш ва бошқа ихтиёрий садақалар назарда тутилмоқда.

Банда молидан бир қисмини ажратиб, уни Аллоҳ йўлида сарфласа, зоҳиран унинг моли камайгандек кўринса-да, аммо у Аллоҳнинг наздида ўсиб-кўпайиб боради, чунки садақа қилиш билан молга барака киради, нуқсон, мусибат ва турли балоларга учраши камаяди. Бу нарсага фақат мўмин бандагина тўлиқ имон келтириб, шу таълимот ва эътиқод асосида солиҳ амаллар қилади. Аммо, фақат моддий даромадни ўйлайдиган ақли калта банда эса “садақа билан мол камаймаслиги”га шубҳа қилади. Лекин, бундан фарқли равишда мўмин банда Аллоҳнинг Расули қасам ичиб, таъкид билан айтган сўзларни тасдиқлаши ва ўз тасарруфларини ҳам мана шу ҳадисга мувофиқ йўлга қуйиши лозим.

“Бир бандага зулм қилинса ва ўшанга сабр қилса, албатта Аллоҳ унинг обрўсини зиёда қилади”.

Яъни, кимга бирон зулм етганида, Аллоҳ розилиги учун авф қилса, Аллоҳ бунинг эвазига авф қилган кишининг дунё ва охиратдаги мартабасини кўтаради. Бу эса бир киши бошқа бирига зулм, азият, шикаст, зарар, талофат ёки ҳақорат етказганида, ўч олишга имкони бўла туриб, Аллоҳнинг розилиги учун авф қилиб юборишнинг нақадар улуғ фазилат эканига далолат қилади. Фақат бунинг бир шарти бор. Авф қилаётган банда фақат Аллоҳ розилиги учун кечираётганини

маълум қилиб қўйиши керак. Акс ҳолда, бу кечирини зулм қилган одамни янада руҳлантириб, бу қилиғини яна такрорлаши мумкин.

Ислом дини одамлар ўртасида тинчлик, тотувлик ва ҳамжиҳатликни тарғиб қилувчи дин эканини ушбу ҳадис мисолида кўриш мумкин. Қайси жамиятда ўзаро кечиримлилик, бир-бирини авф қилиш, хатоларини яхшилиқ ила тузатиш, ислоҳ қилиш мавжуд бўлса, тез орада у гуллаб-яшнаб, юксалади. Аксинча, бир-бирига адоват, ҳасад ва кек сақловчи кишилар яшайдиган жамият инқирозга юз тутади.

“Агар банда ўзига тиланчилик эшигини очса, албатта Аллоҳ унга фақирлик эшигини очади...”

Инсон ҳаёти доимо бир хил кечмайди. Бойлик ва камбағаллик ўрин алмашиб туради, бири келса, бири кетади. Ислом дини мана шуни эътиборда тутади, яъни бошига кулфат тушган бандаларга, токи ўзларини тиклаб олгунларича, садақа сўраш, тиланчилик қилишга рухсат беради. Аммо, ким тиланчиликка одатланиб, садақа сўраш орқали оила-рўзгорини тебратса, ҳадисда айтилганидек, бири икки бўлмайди, косаси оқармайди, рўзгоридан файзу барака кетади, муҳтожлиги камаймайди. Шундай экан, мўмин банда бировлар қўлига қарамаслиги, тиланчиликдан ор қилиши, оила ва бола-чақасини ҳалол меҳнати, пешона тери билан боқишга ҳаракат қилиши керак.

“... ёки шунга ўхшаш сўз айтдилар”.

Бу ҳадис ровийси томонидан қилинган шубҳадир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Агар банда ўзига тиланчилик эшигини очса, албатта Аллоҳ унга фақирлик эшигини очади...”** деганларидан сўнг шунга ўхшаш ёки шу маънода яна нимадир деганлар, аммо бу нарса ҳадис ровийсининг ёдида тўлиқ қолмаган. Шундай бўлса-да, омонат юзасидан ўша унутилган нарсани ҳам айтиб қўйилмоқда.

“Мен сизларга бир ҳадис айтаман, уни ёдлаб олинглар”.

Бу гап юқорида айтилиб, муҳим бўлганидан бу ўринда яна такрорланмоқда.

“Албатта дунё тўрт кишиникидир”.

Яъни, огоҳ бўлингларки, дунё ишларини тасарруф қилишда бандалар тўрт тоифага бўлинадилар. Сизлар уларнинг ҳолидан хабардор бўлинглар!

“Бир бандага Аллоҳ бойлик ва илм беради. У Раббига тақво қилади, сийли раҳм қилади ва унда Аллоҳнинг ҳаққини билади. Бу энг афзал даражадир!”

Бир бандага Аллоҳ ҳалол бойлик ва манфаатли шаръий илм беради. У эса бойлиги ва илми билан Аллоҳдан қўрққани учун аввало закот ибодатини бажаради, ихтиёрий садақалар қилади, қариндош-уруғчилик ришталарини боғлайди, хуллас бойлик ҳаққини чиройли суратда адо қилади. Илми билан мўминларга манфаат еткази, илм ўргатади, билмаган нарсаларига жавоб беради, уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаради. Мана шу ҳолат, яъни илм ва бойликнинг бир кишида жамланиб, иккисининг ҳаққини адо қилиши энг афзал даражадир. Ким шундай қилса, дунё ва охирада Аллоҳ таолонинг энг суюкли ва мартабаси энг улуғ бандаларидан бўлади.

Ушбу ҳадисда Ислом бойликни қоралайди, мол-дунё тўплашга қарши, деганларга кескин раддия бор. Исломда айнан бойликнинг ўзи эмас, балки унга кўнгил қўйиш, ҳирс, таъма қилиш, бахиллик ва кибру ҳавога берилиш таъқиқланади. Юқорида айтилганидек, кимки бойликка эга бўлса, шу билан бирга илмга ҳам (хоҳ шаръий, хоҳ бошқа соҳага оид илмлар бўлсин) эга бўлиб, бойлиги ва илмини фойдали жойларга, савобли ишларга сарфласа, исрофдан сақланса, бундай бойликнинг ҳеч қандай зарари йўқ, балки фойда ва манфаати бор.

Афсуски, мўмин-мусулмонларнинг аксарияти шу маънода айтилган ҳадиси шарифлардан беҳабарлиги туфайли бойлик

ва мол-дунё тўплашга салбий муносабатда бўлишади. Кўпчилик бойликни фақат фитнага соладиган нарса деб билади. Бизнингча, ҳозирги кунда мусулмонларнинг моддий тараққиётдан орқадан қолаётганларига ҳам сабаб шу бўлса керак. Лекин, Ислом бизларни ҳам бойлик, ҳам илм олишга тарғиб қила туриб, буни удалай олганлар Аллоҳнинг наздида бандалар ичидаги мартабаси энг баланд кишилардан бўлишини маълум қилмоқда. Энди биз ушбу ҳадисга амал қилиб, бойликка муносабат ва қарашларимизни тўғрилаб, илм билан бирга бойликни жамлаган ҳолда, Аллоҳнинг розилигига сабаб бўладиган солиҳ амалларни қилишга ўтишимиз лозим.

“Яна бир бандага Аллоҳ илм беради, аммо бойлик бермайди. Шунга қарамай унинг нияти тўғри, агар Аллоҳ менга ҳам бойлик берганида фалончининг амалини қилган бўлардим, дейди. У ниятига яраша (ажр) олади ва у иккисининг савоби бир хил”.

Иккинчи тоифа кишига Аллоҳ таоло манфаатли шаръий илм беради, аммо бойлик бермайди. У илмининг ҳаққини адо қилади, кишиларга илм ўргатиб, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам фойда беради. Бу банданинг қалби пок ва нияти холисдир. Шу сабаб бойлиги бўлмаса-да, бойлик ва илмни ўзида жамлаб, уларнинг ҳаққини чиройли суратда адо қилаётган солиҳ мўмин бандага ҳавас қилиб: “Эй Аллоҳим, агар менда ҳам бойлик, мол-дунё бўлганида, фалончи банданг каби розилигинг йўлида инфоқ-эҳсон, садақа қилар ва қариндошларимга молу давлатим билан ёрдам берган бўлардим!” дейди. Унинг бундай нияти бесамар кетмайди, карами кенг бўлмиш Аллоҳ нияти холислиги ва қалби поклиги учун бу бандага худди биринчи тоифага берган савобини ато этади. Тўғри, фақат яхши ниятнинг ўзи бандани бундай даражага олиб чиқмаса-да, ҳар ҳолда шунга яқинроқ мартабага кўтаради, чунки мазкур холис ниятли бандада ҳақиқатан имконият, бойлик ва молу мулк бўлганида уни муносиб жойларга сарфлаган бўлар эди. Бундан мўмин банда

доимо ниятини холис қилиши, солиҳ амаллар қилаётганларга ҳавас қилиб, ўзи ҳам уларга ўхшашга ҳаракат қилиши лозим экани келиб чиқади.

Юқоридаги икки тоифа кишилар мақтовга сазовор ва солиҳ бандалар эдилар. Қуйида эса нафсига тобеъ ва нияти бузуқ бандалар ҳақида сўз боради:

“Яна бир бандага Аллоҳ бойлик беради, аммо илм бермайди. У молини илмсиз ҳолида исроф қилади, Раббига тақво қилмайди, силаи раҳм қилмайди ва унда Аллоҳнинг ҳақларини билмайди. Бу энг ёмон даражадир!”

Бу бандага Аллоҳ бойлик, мол-дунё беради, аммо у илмдан бенасибдир. Илмсиз бўлганига яраша илм олишга ҳаракат қилмайди ёки билганлардан сўраб иш тутмайди, балки жоҳиллиги туфайли бойлигини бекорга совуради, исрофга ишлатса-ишлатадики, зинҳор савобли ишларнинг яқинига ҳам йўламайди. Мабодо инфоқ қиладиган бўлса ҳам, риё, хўжакўрсин ва манманлик учун қилади. Илмсизлиги сабаб бойлигининг ҳаққини адо қилмайди, қариндошлик ришталарини боғламайди ва Аллоҳга тақво қилмайди. Айнан мана шу ҳолат банданинг дунёю охиратда энг паст ва тубан даражага тушишига сабаб бўлади.

Ислом мана шундай кимсалар қўлига тушиб қолган бойликни қоралайди, Ислом ҳою ҳаваслар ва шаҳват учун сарфланиб, ҳақдор кишилардан беркитиладиган, солиҳ амалларга сарфланмайдиган, муносиб жойларга ишлатишдан тўсиладиган бойликни қоралайди, Ислом закоти адо қилинмайдиган бойликни қоралайди, Ислом ҳаром йўл билан топилган бойликни қоралайди!

Афсуски, орамизда бу тоифадаги кишилар кўпчиликни ташкил қилади. Шу сабаб ҳам “Ислом ва бойлик” масаласи кўтариганида, кўз олдимизга фақат шу тоифадаги кишилар келиб, ўзимизча “Ислом бойликни қоралайди”, деб қўя қоламиз, масалага чуқурроқ, теран назар билан ёндашишни унутамиз.

Мавриди келганида бир нарсани айтиб ўтиш лозимки, ҳадиси шарифда келтириладиган тўрт тоифа кишилар мўмин-мусулмонлар орасидаги турли гуруҳ вакиллариини англатади. Ҳадис матнидаги “энг афзал даража”, “Раббига тақво қилади”, “Раббига тақво қилмайди” жумлалари шунга далолат қилади. Аслида бирон банданинг эътиқоди “мўмин ёки “кофир” деб аниқ айтилса-да, аммо бу ўриндаги “тақво” сўзи “имон” маъносини билдиради. Зеро, фақат имонли бандагина Аллоҳга тақво қилади. Шунингдек, кофирлар ҳақида “мана бу тоифа вакиллари энг юқори мартабада, мана булар эса энг паст даражада” дейилмайди, сабаби куфр иллатининг ўзи уларни энг тубан даражага тушириб қўяди.

“Яна бошқа бир бандага Аллоҳ бойлик ҳам, илм ҳам бермайди. Шунга қарамай у, агар менда ҳам бойлик бўлганида фалончининг амалини қилардим, дейди. Бас, у ниятига яраша олади. У иккисининг гуноҳи бир хилдир”.

Бу тоифадаги банда бойликдан ҳам, илмдан ҳам бенасиб, камбағал ва саводсиз-жоҳилдир. Шундай бўлгач, у илмга интилиш ёки ҳалол йўл билан касб-кор қилиб, аҳволини ўнглаб олиш ўрнига бойликка эга бўлиб, молини илмсиз тарзда дуч келган жойга сочаётган, кунини маишатлару турли базмлар билан беҳуда сокураётган одамга “ҳавас” қилиб: “Эҳ, қани энди менда ҳам пул бўлганида, фалончига ўхшаб маза қилардим, кайфу сафода ҳаёт кечирардим, роҳат қилардим!” дейди.

Бу банданинг илми йўқлиги учун гуноҳ иш қилиб юрган одамга ҳавас қилмоқда, пули ва имконияти бўлмаганлигидан ўша ишларни қила олмаяпти. Агар иложи бўлиб, имконини топса, албатта шундай қилар эди. Бас, шу фикрдаги бандага худди аввалги банданинг гуноҳича гуноҳ ёзилади. Ҳам илмсизлик, ҳам моддий жиҳатдан қашшоқлик, ҳам гуноҳ қилмай туриб бўйнига оғир гуноҳларни орттириб олиш бу мусибатдан бошқа нарса эмас. Устига-устак у дунё ва охирада

Аллоҳнинг наздида мартабаси энг паст ва қадр-қиймати йўқ бандалар қаторида бўлади.

Афсуски, ораимизда бу тоифага мансуб кишилар ҳам оз эмас. Илмга ҳаракат қилиш йўқ, ҳалол йўл билан бойликка интилиш йўқ, фақат кимларгадир “ҳавас” қилиш, уларнинг энгил ҳаёти ва айшу ишратларига қизиқиш бор, холос. Энди биз бундай ҳолатдан тезроқ чиқишимиз, аввало динимиз кўрсатмаларидан хабардор бўлиб, бирон касб-кор этагидан тутишимиз, ҳалол йўл билан бойлик орттириб, уни савобли ишларга, мусулмонларнинг аҳволлари, моддий ва маънавий шароитлари яхшиланиши йўлида ва Ислом дини равнақи йўлида сарфлашга ҳаракат қилишимиз лозим.

۱۳ – وَعَنْ مُعَاذِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ حُبَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنِ عَمِّهِ قَالَ: كُنَّا فِي مَجْلِسٍ فَجَاءَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعَلَى رَأْسِهِ أَثَرُ مَاءٍ فَقَالَ لَهُ بَعْضُنَا: نَرَاكَ الْيَوْمَ طَيِّبَ النَّفْسِ فَقَالَ: أَجَلٌ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ ثُمَّ أَفَاضَ الْقَوْمُ فِي ذِكْرِ الْغِنَى فَقَالَ: لَا بَأْسَ بِالْغِنَى لِمَنْ اتَّقَى وَالصَّحَّةَ لِمَنْ اتَّقَى خَيْرٌ مِنَ الْغِنَى وَطَيِّبَ النَّفْسِ مِنَ النَّعِيمِ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَإِسْنَادُهُ صَحِيحٌ.

13 – Муоз ибн Абдуллоҳ ибн Хубайб³ отасидан, отаси амакисидан ривоят қилади: “Биз бир жойда ўтирган эдик. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдимизга кириб келдилар. Бошларида сувнинг асари бор эди. Ичимиздагилардан бири: “Биз сизни бугун хушҳол тарзда кўрмоқдамиз”, деди. У зот: “Ҳа, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!” дедилар. Сўнгра одамлар бойлик ҳақида гапира бошладилар. У зот эса: “Тақво қилган банда учун бойликнинг ҳеч қандай зарари йўқ. Аммо, тақво қилган банда учун саломатлик бойликдан кўра яхшироқдир.

³ Муоз ибн Абдуллоҳ ибн Хубайб ал-Жуханий ал-Маккий тобеинлардан саналади. Муслим ибн Абдуллоҳ ибн Хубайб ва Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хубайбларнинг туғишган биродари, ишончли ҳадис ровийси. Имом Муслимдан бошқа барча “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ҳадис ривоят қилишган. Муоз ибн Абдуллоҳ ҳижрий 118 йилда вафот этган.

Хушқолик неъматлардан (бири)дир”, дедилар” (Ибн Можа ва Аҳмад ривояти. Ҳадиснинг санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятда айтилишича, бир неча саҳобалар йиғилиб, ўзаро суҳбат қуриб ўтиришганида, олдиларига Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кириб келибдилар. У зот эндигина таҳорат олган бўлсалар керак, муборак бошларида сувнинг асари бор эди. Шунда саҳобалардан бирлари: “Эй Расулуллоҳ, бугун хурсанд кўринасиз”, деди. У зот: “Ҳа хурсандман, бунинг учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин”, дедилар. Сўнгра қавм бойлик ҳақида сўзлаша бошладилар. Тахминимизча, бойлик ундоқ, бойлик бундоқ, у фитнага сабаб бўлади, бандани ибодатдан чалғитади, дунёга ҳавасини орттиради каби фикр билдирдилар. Саҳобаларнинг бундай фикр ва қарашларини тузатиш мақсадида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Тақво қилган банда учун бойликнинг ҳеч қандай зарари йўқ”**, дедилар.

Яъни, агар мўмин банда Аллоҳдан кўрқса, У Зот қайтарган ишлардан қайтиб, буюрган амалларни ўз вақтида ихлос билан амалга оширса, бойликнинг ҳеч қандай зиёни йўқ.

Суютий “Наводирул усул” китобида: “Тақвосиз бойлик ҳалокатдир. Банда уни ҳаром йўл билан топади, ҳаромга сарфлайди, ҳақли жойларга ишлатмайди, унинг ҳаққини адо қилмайди, молини зое кеткизади. Агар бойлик билан бирга бандада тақво ҳам бўлса, юқорида саналган зарарлар кетиб, яхшиликка айланади”, деган.

Бу ўринда “тақво қилиш” деганда бойликни ҳалол йўл билан топиш, муносиб жойларига сарфлаш, исрофдан сақланиш, бойлиги билан керилмаслик ва шу каби сифатлар ҳам тушунилади.

“Аммо тақво қилган банда учун саломатлик бойликдан кўра яхшироқдир”.

Тақводор банда учун соғлик ва бардамлик мол-дунёдан кўра хайрлироқдир. Зеро, у соғлом танаси, тетик аъзолари

билан ибодатларни тўлиқ бажаради. Соғлиқ катта бойликдир, муттасил давом этадиган ожизлик-хасталиқ мусибатдир. Демак, Аллоҳга тақво қиладиганлар учун бойлик ва соғлиқ фақат манфаат келтиради. Аксинча, бандада тақво бўлмаса, бойлиги ва соғлиги унинг зарарига ишлайди, бойлигини номуносиб жойларга сарфлаб, ўзига катта гуноҳлар орттиради, соғ бадани билан кўнгли тусаяган жойларга бориб, нафси хоҳлаган ишларни қилади.

Бундан келиб чиқадики, мўмин банда Аллоҳдан, аввало тақво, ҳалол бойлик ва соғ-саломатлик сўраб дуо қилиб юриши керак.

“Хушҳоллик неъматлардан (бири)дир”.

Биз ҳадисда “хушҳоллик” деб келтирилган сўз арабий матнда “тийбун нафс” деган шаклда ифодаланган. Мазкур сўз “қалб поклиги, унинг сиқиклик ва зулатдан холи бўлиши” каби маъноларни англатади. Демак, қалб поклиги, доимо хушнуд ва мамнун ҳолда юриш, қалбнинг турли чалғитувчи нарсалардан фориғ бўлиши Аллоҳ таоло берган неъматлардан бири экан.

١٤ - وَعَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: مَرَضْتُ عَامَ الْفَتْحِ مَرَضًا أَشْفَيْتُ مِنْهُ عَلَى الْمَوْتِ فَأَتَانِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعُودُنِي فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ لِي مَالًا كَثِيرًا وَلَيْسَ يَرِثُنِي إِلَّا ابْنَتِي أَفَأُوصِي بِمَالِي كُلِّهِ قَالَ: لَا قُلْتُ: فَتُلَّتْ مَالِي قَالَ: لَا قُلْتُ: فَالْشَّطْرُ قَالَ: لَا قُلْتُ: فَالْتُلْتُ قَالَ: التُّلْتُ وَالتُّلْتُ كَثِيرٌ إِنَّكَ إِنْ تَدَعَ وَرَثَتَكَ أَغْنِيَاءَ خَيْرٌ مِنْ أَنْ تَدَعَهُمْ عَالَةً يَتَكَفَّفُونَ النَّاسَ وَإِنَّكَ لَنْ تُنْفَقَ نَفَقَةً إِلَّا أُجِرْتَ فِيهَا حَتَّى اللَّقْمَةَ تَرْفَعُهَا إِلَى فِي أَمْرَاتِكَ قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَحْلَفُ عَنْ هَجْرَتِي قَالَ: إِنَّكَ لَنْ تُخْلَفَ بَعْدِي فَتَعْمَلَ عَمَلًا تُرِيدُ بِهِ وَجْهَ اللَّهِ إِلَّا أَزِدَدَتْ بِهِ رُفْعَةً وَدَرَجَةً وَلَعَلَّكَ أَنْ تُخْلَفَ حَتَّى يَنْتَفِعَ بِكَ أَقْوَامٌ وَيُضَرَّ بِكَ آخَرُونَ ، اللَّهُمَّ أَمُضْ لِأَصْحَابِي هِجْرَتَهُمْ وَلَا تَرُدَّهُمْ عَلَى أَعْقَابِهِمْ لَكِنِ الْبَائِسُ سَعْدُ ابْنِ حَوْلَةَ يَرِثُنِي لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ مَاتَ بِمَكَّةَ . رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ جِبَّانَ فِي صَحِيحِهِ .

14 – Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққос отасидан ривоят қилади: “(Макка) фатҳи йили касал бўлиб қолиб, вафот этишимга оз қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени кўргани келдилар. Мен: “Эй Расулуллоҳ, менинг кўп бойлигим бор, лекин биргина қизимдан бошқа меросхўрим йўқ. Бойлигимнинг ҳаммасини васият қилиб юбораверайми?” дедим. У зот: “Йўқ”, дедилар. “Молимнинг учдан иккисини-чи?” дедим. “Йўқ”, дедилар. “Ярмисини-чи?” деб сўрадим. У зот яна: “Йўқ”, дедилар. Сўнгра мен: “Учдан бирини-чи?” деган эдим, у зот: “Учдан бири? Учдан бири (ҳам) кўп. Сен меросхўрларингни бой қилиб қолдиришинг қўлларини чўзиб одамлардан тиланчилик қилиб юрадиган камбағал ҳолларида қолдиришингдан яхшироқдир. Сен бир инфоқ қилсанг, ҳатто аёлинг оғзига соладиган бир луқма (таом) учун ҳам, албатта ажр оласан”, дедилар. Мен: “Эй Расулуллоҳ, ҳижратимдан қолиб кетаманми?!” дедим. У зот: “Албатта сен мендан кейин қолиб, Аллоҳ розилиги учун бирон солиҳ амал қилсанг, сенинг мартабанг ва даражанг кўтарилади. Шояд сенинг қолиб кетишинг сабабли бир қавм манфаат олиб, бошқалар зарар кўрса! Эй Аллоҳим, саҳобаларимнинг ҳижратларини охирига етказгин, уларни ортларига қайтармагин! Аммо, зарар кўрган Саъд ибн Хавладир”, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг Мадинада вафот этганидан жуда хафа бўлдилар” (Имом Бухорий, имом Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа, имом Аҳмад, Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган).

Ушбу ҳадисда Макка фатҳ қилинган йили содир бўлган воқеа ривоят қилинмоқда. Ундан кўплаб фойда ва манфаатлар олишимиз мумкин. Қисқароқ бўлиши учун ушбу ҳадиснинг мавзуимизга алоқадор жиҳатинигина шарҳлаб ўтамыз.

“Сен меросхўрларингни бой қилиб қолдиришинг қўлларини чўзиб одамлардан тиланчилик қилиб юрадиган камбағал ҳолларида қолдиришингдан яхшироқдир”.

Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам молини васият қилиш ҳақида сўраган Саъд ибн Абу Ваққос розийаллоҳу анҳуга: эй Саъд, молингдан адолатли тақсимлаб бериш билан ортингда қоладиган меросхўрларингни бой ҳолларида, бировга ҳожатлари тушмайдиган қилиб тарк этишинг камбағал-фақир, бечораҳол ва кўча-куйда одамлардан садақа сўраб юрадиган тиланчи ҳолларида қолдиришингдан яхшироқдир. Эй Саъд, майли молингнинг учдан бирини васият қил, лекин бу ҳам кўп. Муҳими ворисларингни яхши ҳолатда ташлаб кетсанг, бундан хайрлироқ бўлади, дедилар.

Бундан келиб чиқадики, бойлик тўплаш мубоҳдир. Акс ҳолда, кўп бойликка эга бўлган Саъд ибн Абу Ваққос розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан танбеҳ остига олинган бўларди.

Имом Нававий айтади: “Ушбу ҳадисда қариндошлар билан яхши муносабатда бўлиш, уларга инфоқ-эҳсонлар қилиш, меросхўрларга меҳр-шафқат кўрсатишга тарғиб қилинмоқда. Баъзилар ушбу ҳадисни (шукрли) бой киши камбағалдан афзал эканига ҳужжат қилиб келтиришади”.

* * * * *

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Охирати деб дунёсини, дунёси деб охиратини тарк қилган банда яхшиларингиз эмас. Чунки иккисининг жамғариши лозим бўлган жиҳати бор. Одамларга боқиманда бўлиб қолманглар (яъни, уларга зинҳор оғирлигингиз тушмасин)” (Ибн Абу Дунё “Ислаҳул мал”да ривоят қилган).

Аллоҳ таоло айтади:

“(Шундай) кишилар борки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Аллоҳни зикр қилиш, намозни тўқис адо қилиш

ва закотни (ҳақдорларга) беришдан машғул қила олмас. Улар қалблари ва кўзлари изтиробга тушиб қоладиган (Қиёмат) кунидан кўркурлар. Улар Аллоҳ ўзларини қилган амалларининг энг гўзаллари сабабли мукофотлаши ва яна уларга Ўз фазлу карами билан зиёда (савоблар ато) қилиши учун (эртаю кеч Аллоҳга ибодат қилурлар). Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур” (Нур, 37-38).

Аллоҳнинг уйлари бўлмиш масжидларни обод қилувчи кишиларни тижорат, савдо-сотик, олди-сотди, бойлик, дунёнинг ўткинчи ҳаваслари ва зийнати Аллоҳни зикр қилиш ва намозни тўқис адо этишдан тўсиб қўймайди, чунки улар Аллоҳ тарафидан бериладиган савоб ва жаннат қўлларидаги ўткинчи бойликдан кўра яхшироқ эканини қалбдан чуқур англаб етганлар. Улар Аллоҳга бўйсунуш ва У Зот муҳаббатини ўз нафсларидан устун қўядилар. Бунга сабаб улар қалб ва кўзлар даҳшатдан саросимага тушиб қоладиган қиёмат кунидан кўрқадилар. Шу нарса уларни дунё, ҳою ҳавас ва нафсга мутеъ бўлишдан қайтариб туради. Бунинг эвазига Аллоҳ уларни муносиб мукофотлайди, амалларини ҳусни қабул қилади, гуноҳларини кечиради ҳамда Ўз фазли билан уларга янада кўп ажр ва бойликни зиёда қилади. Зеро, Аллоҳ хоҳлаган бандасига ҳисобсиз ризқ беради.

Энди мол-дунё ва бойлик ҳақида салафлар томонидан айтилган қаваларни келтириб ўтамыз.

Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу: “Абадий яшайдигандек дунёнинг учун ҳаракат қил. Эртага ўладигандек охиратинг учун амал қил”, деган.

Саид ибн Мусаййаб айтади: “Ҳалол йўл билан бойлик йиғишни хоҳламаган, шу йўл билан одамлардан беҳожат бўлиш, қариндошлик алоқаларини боғлаш ва бойлик ҳаққини адо этишга ҳаракат қилмаган бандада яхшилик йўқ!”

Абу Солиҳ ал-Асадий шундай деган: “Дунё ва охират яхшилигини тақво ва бойликда, дунё ва охират ёмонлигини камбағаллик ва фужур (ишлар)да деб билдим”.

Убайдуллоҳ ибн Мусо ривоят қилади: “Мен Суфён Саврийнинг: “Бизнинг замонда бойлик мўминнинг куролидир”, деб айтганини эшитганман”.

Ҳасан ибн Абдураҳмон ривоят қилади: “Донишмандлардан бирига: “Олимлар афзалми ёки бойларми?” деб савол берилганида, “Олимлар”, деб жавоб берибди. Шунда: “У ҳолда нима сабабдан бойлар олимлар ҳузурига келиш ўрнига олимлар бойлар олдига боради?” деб савол қилинганида у: “Чунки олимлар бойлик фазлини биладилар, бойлар эса илм қадрига етмайдилар”, деб жавоб берган экан”.

Ибн Абу Утба ривоят қилади: “Салмон бозордан бир васақ (олтмиш соъ) таом сотиб олди. Одамлар унга: “Бир васақ таом сотиб олдингизми?!” дейишди. Шунда у: “Қачонки нафс насибасини ғамлаб қўйса, хотиржам бўлади”, деб жавоб берди”.

Урва ибн Зубайрдан ривоят қилинишича, отаси Зубайр ибн Аввом розийаллоҳу анҳу шундай деган экан: “Бойлик туфайли яхши ишлар қилинади, қариндошлик алоқалари боғланади, Аллоҳ йўлида нафақа қилинади. Шунингдек, унда дунёнинг шарафи ва лаззати бордир”.

Юқорида ҳаққи адо қилинадиган бойлик бандага қанчалик улкан савоб ва юқори мартабалар олиб келишини ҳадиси шариф ва уламоларнинг сўзлари орқали кўриб чиқдик. Аммо, банда бойлик ҳаққини адо қилмаса, унга қалби боғланиб қолса, бойлиги сабаб ибодатдан чалғиса, бу нарса уни ёмон оқибатларга олиб боради. Қуйида шу ҳақида ворид бўлган ояти карималар ва ҳадиси шарифлар билан танишамиз. Зеро, Ислом динининг бойликка муносабатини белгилашда масаланинг бу томонини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Аллоҳ таоло айтади:

“Эй имон келтирганлар, на мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (яъни, Аллоҳга ибодат қилишдан) юз ўгиртириб қўймасин!

Кимки шундай қилса, бас ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир!” (*Мунофиқун, 9*).

Яъни: эй, ҳақиқий имон келтирган бандалар, қўлингиздаги мол-дунё, бойлик, мансаб-амал, шон-шухрат, фарзандлар ва уларнинг ташвиши сизларни Аллоҳга ибодат қилиш ва У Зотга итоат этишдан тўсиб қўймасин. Кимки Раббига ибодат қилишдан кўра дунё зийнاتини афзал кўрса, бас, ўшалар қиёмат кунида зиён кўргувчидир!

Яна бошқа оятда Аллоҳ таоло айтади:

“Сизларнинг мол-мулк ва бола-чақаларингиз фақат бир фитна (имтиҳон)дир, холос. Улуғ ажр-мукофот эса Ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир” (*Тағобун, 15*).

Яъни, Биз сизларни мол-дунё ва бола-чақалар билан имтиҳон қиламиз. Сизлар Аллоҳнинг амрига бўйин эгасизларми ёки йўқми, дунёдан охиратни устун қўясизларми ёки йўқми, шуни биламиз. Бас, бойлик ва дунё ташвишлари деб Менинг ибодатимдан юз ўгирманглар. Чунки Менинг амримга итоат этган, мол-дунё ва фарзандлари билан ғурурга кетмаган, Мени унутмаган солиҳ бандаларим учун жаннат мукофоти бордир. У нақадар яхши жой!

Оятда таъкидлаб ўтилганидек, Аллоҳ таоло мол-дунё ва бола-чақа билан бандаларни имтиҳон қилади. Ким Аллоҳга итоат этади, ким У Зотга осий бўлади, ҳаммаси бу синовда маълум бўлади. Мана шу икки неъматдан инсон яхшилик йўлида фойдаланса, катта савоб қозонади ва юқори даражаларга эришади. Аксарият ҳолларда бойлик тўplash ва бола-чақа ташвиши кишини гуноҳ ва ҳаром ишларни содир этишга ундайди. Шу сабаб ҳам Аллоҳ бандаларни шу икки нарса билан синайди.

Ояти каримада “бола-чақа”дан олдин “бойлик” лафзининг келтирилиши мол-дунёнинг фитнаси кучлироқ эканига ишорадир.

Ибн Масъуд розийаллоху анху айтади: “Сизлардан бирон киши зинҳор: “Эй Аллоҳим, мени фитналардан асрагин”, деб дуо қилмасин. Чунки сизлардан бирон киши йўқки, фитна билан ўралмаган бўлса. Чунки Аллоҳ таоло: “Сизларнинг мол-мулк ва бола-чақаларингиз фақат бир фитна (имтиҳон)дир, холос” деган. Аммо кимки фитнадан паноҳ сўрамоқчи бўлса, унинг ёмонлигидан паноҳ сўрасин” (*Имом Табароний ва Ибн Мунзир ривояти*).

Аллоҳ таоло айтади:

“(Эй инсонлар,) сизлар то қабрларни зиёрат қилгунларингизгача (яъни, ўлиб қабрларга киргунгизгача) сизларни (мол-дунё) тўплаб кўпайтириш тўсиб қўйди! Йўқ, сизлар яқинда (бу қилмишларингиз оқибатини) билурсизлар! Яна бир бор йўқ, сизлар яқинда билурсизлар. Йўқ, агар сизлар (дунёга қул бўлиб қолиш оқибати нима бўлишини) аниқ илм билан билганингизда эди (унга қул бўлиб қолмас эдингиз)!” (*Такосур, 1-5*).

Ушбу оятда мол-дунёни тўплаш зарарлари ва аянчли оқибатлари ҳақида хабар қилиниб, бандаларни огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлишга ҳамда Аллоҳга ибодат қилишни унутиб қўймасликка чақирилмоқда.

Ушбу оятларнинг қисқача маъноси қуйидагича: эй одамлар, бойлик, мансаб-мартаба ва бола-чақа кўпайтириш ва бу ишларда кимўзарга мусобақалашини сизларни Раббингиз Аллоҳ таолога ибодат қилишдан тўсиб қўйди. Сизлар вақт борида ақлингизни йиғиб, тавба қилмадингиз, бу ишингиздан воз кечмадингиз, балки ўлиб қабрларга киргунингизгача мол-дунё тўплаш ва бу билан бошқаларга мақтаниш, кўз-кўз қилиш билан овора бўлдингиз. Энди сизлар бу қилмишингиз қандай оқибатларга олиб келишини яқин орада аниқ биласизлар. Агар ҳаётлик чоғингизда қилаётган ишларингиз қандай якун топиб, қандай натижаларга сабаб бўлишини билганингизда, зинҳор бундай қилмасдингиз!

Шундай экан, охиратдан умидвор эй бандалар, бойлик тўплайман, мансабга эришаман, бола-чақа орттираман деб, уларга ружуъ қўйиб, асосий ишингиз, ҳақиқий вазифангиз бўлмиш Аллоҳга ибодат қилиш ва У Зот буюрган тарзда ҳаёт кечиришни унутиб қўйманглар!

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Мен сизлар учун фақирликдан қўрқмайман, балки такосур (яъни, мол-дунё тўплашда мусобақа қилишингиз)дан қўрқаман. Мен сизлар (бехосдан) хато қилишингиздан қўрқмайман, балки гуноҳни атайин содир этишингиздан қўрқаман” (*Ҳоким ривояти. Ҳадиснинг санади саҳиҳ*).

Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳу ушбу оят қабр азоби ҳақида нозил бўлганини айтиб ўтган (*Термизий, Ибн Жарир, Ибн Мунзир ва Ибн Мардавайҳ ривояти*).

Қатода ушбу оят ҳақида шундай дейди: “Одамлар: “Бойлик ва бола-чақамиз фалончиникидан кўпроқ. Фалончининг бойлиги эса фалончиникидан кўпроқ”, дейишди. Мана шу уларни Аллоҳга ибодат қилишдан тўсиб қўйди ва улар залолатда ўлиб кетдилар” (*Абдураззоқ, Абд ибн Хумайд, Ибн Жарир, Ибн Мунзир ва Ибн Абу Дунё ривояти*).

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Банда: “Бойлигим, бойлигим!” дейди. Ваҳоланки, унинг учун молидан фақат уч нарса – еб битиргани, кийиб чиритгани ва садақа қилиб қолдиргани бўлади. Бундан бошқаси одамларга қолувчидир” (*Имом Муслим, Абд ибн Хумайд ва Ибн Мардавайҳ ривояти*).

۱۵ – وَعَنْ كَعْبِ بْنِ عِيَاضٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ لِكُلِّ أُمَّةٍ فِتْنَةً وَفِتْنَةُ أُمَّتِي الْمَالُ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ مَرْدَوَيْهِ. قَالَ أَبُو عِيَسَى: هَذَا حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ غَرِيبٌ.

15 – **Каъб ибн Иёз⁴ розийаллоҳу анҳу ривоят қилади:**
“Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг:

⁴ Ҳадис ровийси Каъб ибн Иёз ал-Ашъарий саҳобий бўлиб, “Сиҳоҳи ситта” соҳибларидан Термизий ва Насойлар ундан ҳадис ривоят қилишган.

“Албатта ҳар бир уммат фитнага учрайди. Умматимнинг фитнаси бойликдир”, деб айтганларини эшитганман” (Термизий, имом Аҳмад, имом Табароний, Ҳоким ва Ибн Мардавайҳ ривояти. Абу Исо Термизий: “Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ-ғарибдир”, деган).

“Фитна” сўзи аслида сифатини билиш учун олтин ёки кумушни эритиб кўриш, текшириш маъносини англатади. Луғатларда эса бу сўзнинг имтиҳон қилиш, азоб-уқубат, адашиш, васваса, ёқиш, ёндириш, мол-дунё, бола-чақа, куфр, зулм, гуноҳ, ҳақдан тойилиш, мажнунлик, қатл қилиш ва шу каби кўплаб маънолари учрайди. Бу ҳадисда “фитна” сўзи адашиш, чалғиш, гуноҳга ботиш, ҳақдан тойилиш маъноларини ифодалаб келмоқда.

Ўтмишда ўтган ҳар бир уммат, халқ, қавм фитнага учраган, залолатга кетган. Бунга эътиқоднинг бузуқлиги – куфр, ширк, ахлоқий иллатлар – кибр, гурур, ношукрлик, маъсият, лаззатларга берилиш ва ҳоказолар сабаб бўлган. Аммо мусулмон умматининг фитнага учрашига айнан мол-дунё, бойлик, уни тўплаш, ўзаро мусобақаланиш сабаб бўлар экан. Чунки банда эҳтиёткорлик билан иш тутмаса, бойлик уни ибодатлардан чалғитади, ихлосдан тўсади ва охиратни унуттиради. Демак, агар бандада саҳийлик сифати бўлса, бойлик уни юксак мақомларга кўтаришидан ташқари, агар нафсга қул бўлинса, уни фитнага солиши, тўғри йўлдан адаштириш ҳам мумкин экан.

۱۶ – وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: وَيْلٌ لِلْمُكْتَرِينَ إِلَّا مَنْ قَالَ بِالْمَالِ هَكَذَا وَهَكَذَا وَهَكَذَا وَهَكَذَا أَرْبَعٍ عَنْ يَمِينِهِ وَعَنْ شِمَالِهِ وَمِنْ قُدَامِهِ وَمِنْ وَرَائِهِ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ إِلَّا أَنَّهُ قَالَ: إِنَّ الْمُكْتَرِينَ هُمْ الْأَرْذَلُونَ...

16 – Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Молини мана бундай, мана бундай, мана бундай ва мана бундай**

қилиб тўрт томонга – ўннга, сўлга, олдига ва орқасига қилувчилардан бошқа (бойлик) кўпайтирувчиларга ҳалокат бўлсин!” (Ибн Можа ва имом Аҳмад ривояти. Имом Аҳмаднинг ривоятда: “(Мол) кўпайтирувчилар энг паст (даражада)дирлар...” деб келтирилган).

Яъни, ҳалол йўл билан бўлса-да, бойликка эга бўлгач, бахиллик қилувчиларга ва шу тарзда мол кўпайтирувчиларга ҳалокат бўлсин!

Улар бойлик ва бахилликлари боис шундай ҳолга тушадилар. Акс ҳолда кимки молидан ҳар қандай шароитда садақа ва инфоқ қилиб юрса, мол кўпайтириш унга зарар бермайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай, деб тўрт томонларига ишора қилиб кўрсатишларидан шуни билиб оламизки, бойлик охиратда банданинг фойдасига ишлаши учун муттасил тарзда ҳақдор кишиларга молдан садақалар қилиб туриш керак экан.

۱۷ – وَعَنْ عَمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: اَطْلَعْتُ فِي الْجَنَّةِ فَرَأَيْتُ أَكْثَرَ أَهْلِهَا الْفُقَرَاءَ وَأَطْلَعْتُ فِي النَّارِ فَرَأَيْتُ أَكْثَرَ أَهْلِهَا النَّسَاءَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

17 – **Имрон ибн Ҳусойн розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Мен жаннатга назар солиб, унинг кўпчилик аҳли камбағаллар эканини кўрдим. Сўнгра жаҳаннамга назар солдим ва унга кирадиганларнинг аксарияти аёллар эканини кўрдим”** (Имом Бухорий, имом Муслим, имом Термизий ва имом Аҳмад ривояти).

Одатда мўминлар ичидаги камбағал кишилар мулойим, камтарин, мутавозеъ ва бошқа яхши фазилатларга эга бўладилар. Уларнинг қалбида дунёга муҳаббат, бойлик тўплаш илинжи ва ҳою ҳаваслар бўлмагани, бўлса ҳам озлиги учун намоз ва бошқа ибодатларни хушув-хузуъ билан амалга оширадилар. Дуоларида ҳам Аллоҳга ихлос

билан илтижо қиладилар. Аксарият бойларда бунинг аксини кўрамиз. Аммо шуни яхши билиб олишимиз керакки, биргина камбағал бўлиш бандани жаннатга олиб кирмайди. Камбағал бўлиб, Аллоҳга имон келтирмаса, У Зотнинг буйруқларига итоат қилмай, нафсининг йўриғига кириб, хоҳлаган ишларини қилиб юрса, бундай банда, агар у дунёдаги энг қашшоқ ва энг ночор киши бўлса ҳам, жаннатга эриша олмайди. Агар қайси бир банда бой-бадавлат бўла туриб, имонли ва тақволи бўлса, Аллоҳнинг ҳақларини унутмаса, бундай банданинг борар жойи жаннатдир. Жаннатга тушиш камбағаллик билан белгиланмайди, бойлик эса бандани жаҳаннам қаърига улоқтирмайди. Бу ҳадисда ҳаётда кўп кузатиладиган ҳолат айтилган.

Ибн Баттол айтади: “Бу ҳадис камбағалларнинг бойлардан устунлигини эмас, балки бу дунёда камбағаллар бойларга қараганда кўпроқ эканини англатади. Бандани камбағаллик жаннатга олиб кирмайди, балки камбағал кишилар солиҳ амаллари билан у ерга кирадилар. Агар камбағал солиҳ банда бўлмаса, ҳеч қачон фазилат соҳиби бўла олмайди”.

Ибн Ҳажар Асқалоний: “Ушбу ҳадисда дунёда зебу зийнатларга берилиб, фаровон яшашни тарк қилиш ва аёлларни Аллоҳ амрига итоат этишга тарғиб қилинмоқда”, деб айтган.

Бойлик ва камбағалликдан қайси бири афзал экани хусусида уламолар турли фикрларни айтиб ўтишган. Аҳмад ибн Наср Довудий айтади: “Камбағаллик ва бойлик Аллоҳнинг синовидир. У Зот бойликка шукр қилиб, камбағалликка сабр этишларини билиш учун бандаларини турли ҳолатларда имтиҳон қилади. Зеро, Аллоҳ таоло айтади: **“Албатта Биз (бандаларимиздан) қайсилари чиройлироқ амалларни қилишларини синамоқ учун Ер устидаги бор нарсани унга зийнат – безак қилиб қўйдик”** (Каҳф, 7). Бошқа оятда шундай дейилади: **“Биз сизларни (нг сабр-тоқатларингизни синаш учун) ёмонлик**

билан ҳам, (шукр қилишингизни билиш учун) яхшилик билан ҳам “алдаб” имтиҳон қилурмиз” (Анбийё, 35).

Ривоятларда келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам камбағаллик фитнасидан ҳам, бойлик фитнасидан ҳам паноҳ сўраб дуо қилардилар.

Баъзи тоифа вакиллари кифоя даражасидаги бойликни маъқул деб билишган. Жумладан, Қуртубий айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч ҳолатни бошларидан кечирганлар: камбағаллик, бойлик ва кифоя қилувчи мол. У зотнинг аввалги ҳаётлари фақирликда ўтган. Сўнгра фатҳлар бўлиб, мусулмонлар кўп миқдорда ўлжаларга эришдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бой бўлган пайтларида унинг ҳаққини адо қилдилар, ҳаммани тенг кўрдилар ва бу билан оилалари эҳтиёжларини таъминладилар. Аммо у зот кифоя қиладиган бойликка эга бўлган ҳолда Аллоҳнинг дарғоҳига риҳлат қилдилар. Кифоя даражасидаги мол исёнга ундовчи бойлик ва азоб берувчи фақирликдан афзал. Бундоқ одам камбағаллар қаторида саналади, чунки у дунё лаззатларига кўмилиб кетмайди, балки нафсини сабрли бўлишга ундайди. Шу йўл билан одамларга ялиниб, тиланчилик қилишдан саломат бўлади”.

Аксарият сўфийлар камбағалликни фазилат деб билишган. Шу йўл билан нафсни поклаш, уни сайқаллаш, дунёга муҳаббат қўйиш, ҳирс, таъма ва шу каби иллатлардан сақлаб қолиш мумкин, деб айтишган.

Ибн Жавзий айтади: “Қаноатли камбағал бахил бойдан афзалдир. Инфоқ-эҳсон қилувчи бой эса дунёга ҳирс қўйган камбағалдан кўра яхшироқдир. Ҳар бирининг мақсади нима эканига қараб, фазилатлари намоён бўлади. Аслида бойликнинг ўзи ёмон нарса эмас. Бойлик қачонки бандани Аллоҳнинг тоатидан тўсиб қўйсагина қораланади. Дунёда қанчадан-қанча бойлар борки, бойлиги уларни Аллоҳнинг ибодатидан машғул қилиб қўймайди. Яна қанчадан-қанча камбағаллар борки,

фақирлиги уларни Аллоҳнинг ибодатидан тўсиб қўяди. Лекин аксарият ҳолларда камбағаллик банданинг хатардан узоқроқ бўлишини таъминлайди. Чунки бойлик фитнаси камбағаллик фитнасидан қаттиқ ва оғирдир”.

Кўпгина шофеъий уламолар шукр қилувчи бой афзал эканини таъкидлашган. Абулқосим ал-Қушайрийнинг шайхи Абу Али Даққоқ айтади: “Бойлик камбағалликдан устундир. Сабаби бойлик (ғина-ғоний) Холиқнинг, камбағаллик (фақр-фақийр) эса махлуқнинг сифати. Маълумки, Аллоҳнинг сифати бандаларнинг сифатидан устун туради”.

Бу фикрни катта уламоларнинг аксарияти маъқуллашган.

Муторриф ибн Абдуллоҳ: “Неъматга эришиб шукр қилишим мен учун мусибатга йўлиқиб сабр қилишимдан яхшироқдир”, деган.

Инсоннинг ижтимоий ҳолати уч хил бўлади: бой, ўртаҳол (кифоя қилувчи мулкка эга бўлган киши) ва камбағал. Ҳадиси шарифларда бойлик ва ўртаҳоллик, шунингдек, камбағаллик фазли ҳақида хабарлар келган. Бундан келиб чиқадики, бу нарса ҳар бир кишининг ҳолатига қараб баҳоланади. Дарҳол бир хулосага келиб, бойлик ёмон, камбағаллик яхши ёки камбағаллик ёмон, бойлик яхши, дейиш тўғри эмас. Кимки Аллоҳга имон келтирса, ундан қўрқса, ҳалол-ҳаромнинг фарқласа, сахий ва карамли бўлса ҳамда бойлиги орқали Аллоҳнинг ибодатидан юз ўгирмаса, бу банданинг бой бўлишида ҳеч қандай зарар йўқ. Бундай кишилар мусулмонларга фақат фойда келтиради. Кимки шундай сифатларга эга бўлмаса, ўзига кифоя қиладиган даражадаги бойликка эга бўлгани маъқул. Чунки ўртаҳоллик ортиқчалик ҳам, нуқсон ҳам эмас.

Мўмин одам бойлик масаласида қуйидагиларни билиб олмоғи лозим:

1 – агар имони бўлмаса, кенг ризқ ва мол-дунёси кўп бўлиш уни Аллоҳ азобидан сақлаб қола олмайди. Аллоҳ таоло айтади:

“Куфр йўлини тутган кимсаларнинг на моллари ва на болалари уларни Аллоҳ (азоби)дан қутқара олмайди. Улар дўзахнинг ўтинларидир. (Уларнинг ҳоли) худди Фиръавн одамлари ва улардан аввал ўтган (кофир)ларнинг ҳоли кабидирки, бизнинг оятларимизни ёлғон дейишгач, Аллоҳ уларни гуноҳлари (куфрлари) сабабли азоблади. Аллоҳ азоби қаттиқ Зотдир” (Оли Имрон, 10-11).

Бошқа сурада шундай дейилади:

“Абу Лаҳабнинг қўллари қурисин – ҳалок бўлсин! (Аниқки,) у қуриди – ҳалок бўлди! Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ. Яқинда унинг ўзи ҳам, унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан (эшилган) арқон бўлган хотини ҳам (ловуллаб турган) алангали дўзахга киражак!” (Масад, 1-5).

Кимки имон ва тақво соҳиби ҳамда сахий ва очиққўл бўлса, шундай бандаларга бойлик манфаат келтиради. Аллоҳ таоло айтади:

“Бас (эй инсонлар), Мен сизларни ловуллаб ёниб турган оловдан – дўзахдан огоҳлантирдим. Унга фақат (Ҳақни) ёлғон деган ва (имон-эътиқоддан) юз ўгирган бадбахт кимсагина кирур! Ўзи покдомон бўлиб, мол-давлатини (яхшилиқ йўлида) сарф қиладиган тақводор зот ундан (яъни, дўзахдан) йироқ қилинур” (Лайл, 14-18).

Яна бир бошқа оятда шундай дейилади:

“На молу дунёларингиз ва на болаларингиз сизларни Бизнинг даргоҳимизга яқин қилгувчи эмасдир. Фақат имон келтирган ва яхши амал қилган зотлар – ана ўшалар учунгина қилган амаллари сабабли неча баробар мукофот бўлур ва улар (жаннатдаги) юксак манзилларда тинч-омон бўлурлар” (Сабаъ, 37).

2 – Мол-дунё ва бойлик банданинг бу дунёда умрбода, мангу яшаб қолишини ҳам таъминлай олмайди. Аллоҳ таоло айтади:

“ (Кишиларга дилозорлик қилиб, уларнинг обрўларини тўкиб юрадиган) **ҳар бир бўҳтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлғайки, у (топган) мол-дунёси ўзини мангу (ўлмайдиган) қилиб қўяди, деб ўйлайдиган ҳолида (фақат) мол тўплаган ва ўша (мол-дунёси) ни ҳисоб-китоб қилиб** (бирон савобли ишга сарфламасдан) **юрган кимсадир. Йўқ** (унинг бу ҳисоб-китоби бекордир)! **Қасамки, у албатта чилпарчин қилувчи (дўзах)га ташланур!**” (*Хумаза, 1-4*).

3 – Ҳақиқий мўмин, хоҳ бой, хоҳ камбағал, хоҳ ўртаҳол бўлсин, Аллоҳ таолога ибодат қилади, яхшиликка шукр қилиб, мусибатга сабр этади. Бой ёки камбағал бўлиш уни бандалик вазифаларини адо этишига таъсир қилмайди. Бой бўлса, ҳовлиқиб, камбағаллик вақтида тушкунликка тушмайди. Балки ҳар бири Аллоҳнинг тақдири эканига аниқ ишонади. Доимо Аллоҳга илтижо ва дуода, У Зотнинг зикрида юради. Мана шу ҳолат бандани дунё ва охират саодатига олиб боради.

РИЗҚНИНГ КЕНГАЙИБ–ТОРАЙИШИ

Аллоҳ таоло айтади:

“**Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) тор қилур.** (Мушриқлар) **мана шу ҳаёти дунё билан хурсанд бўлдилар. Ҳолбуки, бу ҳаёти дунё охират олдида фақат бир арзимас матоҳдир**” (*Равд, 26*).

Бундан англаймизки, мушриқлар Аллоҳ ўзи хоҳлаган бандаларидан бирининг ризқини кенг, яна бириникини эса тор қилиб қўйишини билмайдилар. Мушриқлар ризқлари кенг ва дунё неъматлари мўл-кўл қилиб қўйилганидан хурсанд бўлмоқдалар. Ваҳоланки, Аллоҳ мўминга ҳам, кофирга ҳам ризқ берувчидир. Мол-дунё эгалари бойлик ҳақ йўлда эканликларига ҳужжат бўлмаслигини яхши англаб етсинлар!

Чунки бу дунё ва унинг зийнатлари тезда йўқ бўлувчидир. Ҳақиқий ҳаёт охират ҳаётидир. Ҳақиқий неъмат охират куни жаннатга эришишдир!

Аллоҳ таоло бошқа ояти каримада айтади:

“Албатта Раббингиз Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) тор қилур. Албатта У бандаларидан Хабардор ва (уларни) кўриб турувчи Зотдир” (Исро, 30).

Яъни, эй Муҳаммад, шак-шубҳасиз Раббингиз Ўз ҳикмати билан хоҳлаган бандасига ҳисобсиз ризқ бериб, бойликка мушарраф этади. Хоҳлаган бандасининг ризқини тор қилади. У бандалари ҳолатларидан Хабардор Зотдир. Кимга бойлик хайрли бўлса, уни бой қилиб қўяди ва шу йўл билан бандаларини синайди. Кимга камбағаллик хайрли бўлса, уни фақир қилиб қўяди ёки қўликалталик ва муҳтожлик билан имтиҳон қилади. Аллоҳ бандаларининг ҳар бир ҳаракати, табдиллари ва тасарруфларини кўриб турувчи Зотдир.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Аллоҳ бандасига назар солади. Агар бойлик бандага яхшилик келтирса, уни бой қилиб қўяди. Агар камбағаллик манфаатли бўлса, ўша бандасини камбағал қилиб қўяди” (Ибн Абу Ҳотим ривояти).

Аллоҳ таоло айтади:

“Аллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур. Албатта Аллоҳ барча нарсани Билгувчидир” (Анкабут, 62).

Ризқни яратиш ва уни тақсимлаш Аллоҳнинг қўлида. Хоҳлаган бандасини бойлик, хоҳлаган бандасини камбағаллик билан синайди. Аммо махлуқотлардан биронтасини ризқ-насибадан мосуво этмайди. Шундай экан, камбағаллик ва муҳтожлик хавфи сизларни Аллоҳнинг йўлида жидду жаҳд қилишдан тўсиб қўймасин. Зеро, У Зот барча нарсани билиб турувчи ва бандалари ҳолидан Хабардор Зотдир.

Аллоҳ таоло айтади:

“Ахир улар Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилишини ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилишини билмайдиларми?! Албатта бунда имон келтирадиган қавм учун оят-ибратлар бордир” (Рум, 37).

Фаровонлик ҳам, танглик – қийинчилик ҳам Аллоҳдан, улар Аллоҳ ҳар бир нарсани Ўз адолати ва ҳикмати билан амалга оширишини биладилар-ку. Уларга не бўлдики, серобчиликда Аллоҳга шукр қилмайдилар, машаққатларга сабр этмайдилар? Агар фаровонлик ва қийинчилик Аллоҳ тарафидан эканига аниқ ишонсалар, дунёнинг арзимас матоҳини қўлга киритганда жуда севиниб кетмас, ризқларида танглик юзага келганида, ваҳима ва саросимага тушмас эдилар. Ҳар икки ҳолатда Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган мўмин бандалар учун катта ибрат бор.

Аллоҳ таоло айтади:

“(Эй Муҳаммад:) “Албатта Раббим Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) тор қилур”, деб айтинг. Лекин кўп одамлар (буни) билмаслар” (Сабаъ, 36).

Яъни, эй Муҳаммад, уларга Раббим бойликни суйган ва суймаган бандасига баробар бериб, хоҳлаган бандасининг ризқини кенг қилади. Бу нарса Аллоҳ ўша бандасини яхши кўришини билдирмайди. Хоҳлаган бандасининг ризқини тор қилса, бу унинг Аллоҳ даргоҳида мартабаси паст эканини англамайди, деб айтинг. У Зот Ўз ҳикмати билан шундай қилади. Аммо кўпчилик одамлар бу ҳақиқатни билмайдилар.

Ушбу оятларда бандалар ризқини кенг ёки тор қилиш Аллоҳ таолонинг иродаси ва ҳикматига боғлиқ экани такрор ва такрор таъкидланмоқда. Қуйида эса У Зот нима сабабдан дунёдаги барча бандалари ризқини кенг ва бой-бадавлат қилиб қўймаслиги ҳақида сўз боради.

НЕГА АЛЛОҲ БАРЧА БАНДАЛАРИ РИЗҚИНИ КЕНГ ҚИЛИБ ҚЎЙМАЙДИ?

Аллоҳ таоло айтади:

“Агар Аллоҳ (барча) бандаларининг ризқини кенг-мўл қилиб қўйса, албатта улар Ер юзида зулм-тажовузкорлик қилган бўлур эдилар. Лекин У Зот (бандаларининг ризқини) Ўзи хоҳлаганича ўлчов билан туширур. Албатта У бандаларидан Хабардор ва кўриб тургувчи Зотдир” (Шўро, 27).

Ушбу оятда юқоридаги саволга қониқарли тарзда жавоб берилган. Ҳақиқатан ҳам, Аллоҳ ҳар бир бандасини бой қилиб, фаровон ҳаёт ато этганида, бу нарса тугён, исён, зулм, тажовузкорлик ва ношукрликни келтириб чиқарарди. Кенг ризқли бандалар Ер юзида такаббурилик қилиб, Ҳақдан юз ўгирган, исёнга тушган бўлар эдилар. Чунки кўп ҳолларда бойлик инсонни исён, куфр, кибр ва гуноҳ ишлар сари бошлайди. Намруд, Фиръавн, Қорун, Макка мушриклари ва яна кўплаб имонсиз бой кишилар ҳолати бунга ёрқин мисолдир. Лекин Аллоҳ бандаларига Меҳрибон бўлганидан ҳолларига қараб ризқ беради, бойликка муносиб бўлганларни бой қилади. Кимга камбағаллик хайрли бўлса, ўшаларни камбағал қилади. Зеро, Аллоҳ бандаларининг ҳолатларидан Хабардор ва улар қилаётган ишларни кўриб тургувчи Зотдир.

Абу Ҳоней ал-Хавлоний айтади: “Мен Амр ибн Ҳурайс ва бошқаларнинг: “Ушбу оят Суффа аҳли ҳақида нозил бўлган. Улар: “Бизда ҳам фалон нарсалар бўлганида эди...” деб дунёни орзу қилишганида, мазкур оятлар нозил бўлди”, деб айтганларини эшитганман” (*Имом Табароний, Ибн Мардавайҳ, Ибн Жарир Табарий, Ибн Мунзир, Байҳақий “Шуъабул аймон”да ривоят қилган*).

Қатода ушбу оят ҳақида: “Айтилишича, ризқнинг яхшиси тугёнга бошламайдиган ва Аллоҳнинг ибодатидан чалғитмайдиганидир”, деган (*Ибн Жарир ривояти*).

Хаббоб ибн Арот розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Биз бани Қурайза, бани Назир ва бани Қайнуқоънинг бойликларига ҳавас қилардик. Шунда Аллоҳ таоло “Агар Аллоҳ бандаларининг ризқини кенг қилиб қўйса...” оятини нозил қилди” (“Тафсирул алусий”).

Аллоҳ таоло:

“Инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта тугёнга тушар – ҳаддидан ошар” (Алақ, 6-7).

Суранинг аввалида Аллоҳ таоло қудратига далил сифатида мисоллар келтирилган эди. Бу оятда бандани ўша қудратли Зотга ихлос билан ибодат қилишдан тўсадиган, қалбини гафлат сари бошлайдиган омил ҳақида сўз бормоқда.

Одатда, инсон бойиса, мол-дунёси кўпайса, мансаб отига минса, мавқеи кўтарилса, ўзини бошқалардан беҳожат кўриб, кибру ҳаво ва ғурурга кетади, ибодатни эсидан чиқаради. Аммо банда охир-оқибат Аллоҳнинг даргоҳига қайтиб, қилган яхши-ёмон амаллари ҳақида ҳисоб беришини ўйлаганида, шунини доимо ёдида сақлаганида, бундай қилмасди.

Муфассирлар Алақ сурасининг 6-оятидан охиригача Абу Жаҳл ҳақида нозил бўлганини айтишган. Лекин бу оятдаги “инсон”дан мурод “барча инсонлар”дир. Чунки бойлик орттирса, тугёнга кетиш мўминга ҳам, кофирга ҳам хос иллат. Фақат мўмин банда кофирдан фарқли ўлароқ ўзида тугён ва исён иллоти илдиз отиб кетишига йўл қўймайди. Кибр ва риёдан воз кечиш орқали бу касаллик олдини олади. Оқибатда мол-дунё билан икки дунё саодатини қўлга киритади.

۱۸ – وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ جَبْرِيلَ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَنْ رَبِّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى قَالَ: إِنَّ مِنْ عِبَادِي الْمُؤْمِنِينَ مَنْ لَا يُصْلِحُ لَهُ إِلَّا الْغِنَى وَلَوْ أَفْقَرْتُهُ أَفْسَدَهُ ذَلِكَ وَإِنْ مِنْ عِبَادِي الْمُؤْمِنِينَ مَنْ لَا يُصْلِحُ إِيمَانَهُ إِلَّا الْفَقْرُ وَلَوْ بَسَطْتُ لَهُ أَفْسَدَهُ ذَلِكَ وَإِنْ مِنْ عِبَادِي مَنْ يُرِيدُ الْبَابَ مِنَ الْعِبَادَةِ فَأَكْفَهُ عَنْهُ لِفَلَا يَدْخُلُهُ الْعَجَبُ فَيُفْسِدَهُ ذَلِكَ وَإِنْ مِنْ عِبَادِي الْمُؤْمِنِينَ

مَنْ لَا يُصْلِحْ إِيمَانَهُ إِلَّا الصَّحَّةُ وَلَوْ أَسْقَمَتْهُ لَأَفْسَدَهُ ذَلِكَ أَظْنَهُ قَالَ: وَإِنْ مِنْ عِبَادِي الْمُؤْمِنِينَ مَنْ لَا يُصْلِحْ إِيمَانَهُ إِلَّا السَّقَمُ وَلَوْ صَحَّحْتُهُ لَأَفْسَدَهُ ذَلِكَ ، إِنِّي أُدْبِرُ عِبَادِي بَعْلَمِي بِقُلُوبِهِمْ إِنِّي بِهِمْ عَلِيمٌ خَيْرٌ . رَوَاهُ النَّبَيْهِيُّ فِي الْأَسْمَاءِ وَالصِّفَاتِ .

18 – Анас ибн Молик розийаллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан, у зот Жаброил алайҳиссаломдан, у эса Парвардигори таборака ва таолодан ривоят қилади: “**Мўмин бандаларим орасида шундайлар борки, уни фақат бойлик тузатади** (яъни, агар у бой бўлиб турса, яхши-салоҳиятли бўлади). **Агар уни камбағал қилиб қўйсам, бу нарса уни бузади.** Мўмин бандаларим ичида яна шундайлар борки, унинг имонини фақат камбағаллик тузатади. Агар унинг ризқини кенг қилиб қўйсам, бу нарса уни бузади. Бандаларимдан (баъзилари) кўп ибодат қилишни хоҳлайди. Мен эса у (бандам) ўз нафсидан ажабланиб, бузилиб кетмаслиги учун уни бундан тўсаман. Мўминлар орасида шундай бандаларим борки, унинг имонини саломатлик тузатади. Агар у (банда)ни касал қилсам, бу нарса уни бузади”. (Ровий айтади:) **Менимча: “Мўмин бандаларимдан шундайлар борки, унинг имонини фақат касаллик тузатади. Агар уни соғ-саломат қилиб қўйсам, бу нарса уни бузади”, деб ҳам айтади. “Албатта мен бандаларим(нинг ишлари)ни, уларнинг қалбларидаги нарсаларни билиб турган ҳолимда тадбир қиламан. Албатта Мен (уларни) жуда яхши биламан (ва уларнинг ҳолатларидан) ўта Хабардорман” (Байҳақий “Ал-асмау вас-сифат”да ривоят қилган).**

Аллоҳ таоло жамики бандаларига ўта Меҳрибон Зотдир. У бандаларининг ҳолларини ўзларидан ҳам яхшироқ билганидан шу ҳолатларига қараб ишларини ҳикмат билан тадбир қилиб боради. Мўминлар орасидаги баъзи одамларнинг яхши ҳолатда бўлиши моддий шароитларига боғлиқ бўлса, яъни бой бўлишлари ўзларига ҳам, мўминларга ҳам манфаатли

бўлса, Аллоҳ таоло бундай бандаларини бой-беҳожат қилиб қўяди. Бундайлар, одатда қўлларига бойлик тушса, ховлиқиб босар-тусарларини билмай қолиш даражасига бормайдилар. Балки сахийлик ва очиққўнгилликлари туфайли бой бўлиб туришлари улар учун фойдалидир. Агар улар камбағал бўлиб қолсалар, бу нарса уларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун Аллоҳ таоло бундай бандаларини Ўз фазли билан бой қилиб қўяди.

Мўмин бандалар орасида яна шундай тоифа вакиллари ҳам борки, улар бойлик ва мол-дунёга эга бўлишганида сабр-тоқат қила олмайдилар. Яъни, бой бўлиш уларни ёмон тарафга ўзгартиради. Масалан, кибру ҳаво қилиш, ўзидан бошқаларни менсимаслик, бойлиги билан фахрланиш, ибодатларга беъътибор бўлиш, бандалиқ ҳақларини поймол қилиш ва ҳоказолар. Аллоҳ бундай бандаларга раҳм қилади. Уларни ўртаҳол ёки камбағал бўлиб туришларини ирода этади. Агар шу сингари бандаларга кенг ризқ ва моддий фаровонлик берилса, ҳақ йўлдан тоядилар. Аллоҳ адашиб кетишларини хоҳламагани учун уларга бойлик бермайди.

Бандалар орасида шундайлари борки, улар қўшимча нафл ибодатларни кўпроқ бажаришга ҳаракат қиладилар. Аммо қалбларида амал ва тоат-ибодат билан фахрланиш, ўз нафсидан ажабланиш ва мақтанчоқлик иллоти ҳам йўқ эмас. Бундай бандалар қилаётган амаллари билан фахрланиб, оқибатда бузилиб кетмасликлари учун Аллоҳ уларни кўп нафл ибодатларни қилишдан тўсиб қўяди.

Баъзи тоифалар борки, уларнинг салоҳиятли бўлиб туришлари таналари соғломлигига боғлиқ. Агар касал бўлиб қолсалар, дарҳол ибодат ва бошқа солиҳ амаллардан қолиб кетадилар. Бас, Аллоҳ бундай бандаларга давомий саломатлик ато этади.

Яна баъзи тоифаларда эса аксинча, касал бўлиб турсалар, таналарида бирон дард-оғриқ бўлса, Аллоҳга ибодат қилиб,

дуо-илтижода бўладилар. Агар соғайиб қолсалар, тезда гуноҳ-маъсият ишларга шўнғийдилар. Шу сабаб Аллоҳ уларни доимо бемор қилиб қўяди. Зеро, Аллоҳ бандалари учун нима фойдалию нима зарарли эканини жуда яхши билувчи ва бандалари ҳолидан мутлоқ хабардор Зотдир.

РИЗҚНИНГ КЕНГАЙИБ–ТОРАЙИШИ ТОАТ ВА МАЪСИЯТГА БОҒЛИҚМИ?

Аллоҳ таоло азалдан ўз махлуқотлари ризқини қатъий суратда тақдир қилиб, белгилаб қўйгани аниқ. Аммо кишида бандалар ризқининг зиёда бўлиши ёки камайиши қилаётган амалларига боғлиқми, деган ҳақли савол туғилади. Бунга қуйида ҳадиси шарифлардан жавоб излаймиз.

۱۹ – عَنْ ثَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الرَّجُلَ لَيَحْرَمُ الرِّزْقَ بِالذَّنْبِ يُصِيبُهُ وَلَا يَرُدُّ الْقَدَرَ إِلَّا الدُّعَاءُ وَلَا يَزِيدُ فِي الْعُمْرِ إِلَّا الْبِرُّ. رَوَاهُ أَحْمَدُ فِي الْمُسْنَدِ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَابْنُ حِبَّانَ فِي صَحِيحِهِ.

19 – Савбон розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Киши гуноҳлари туфайли ўзига келаётган ризқдан, албатта маҳрум бўлади. Қадарни фақатгина дуо қайтаради. Умрни фақат яхшиликлар узайтиради” (Имом Аҳмад “Муснад”да, имом Табароний “Кабийр”да ва Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган).

Ушбу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч нарса ҳақида тўхталмоқдалар:

“Киши гуноҳлари туфайли ўзига келаётган ризқдан, албатта маҳрум бўлади”.

Бу ҳадисда келтирилган “киши”дан мурод мўмин киши, “ризқдан маҳрум бўлиш” ризқнинг бебарака бўлишидир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир банданинг ризқи азалда тақдир қилиниб, қайси бандага қанча ризқ берилиши аниқ ва ўлчовли. Аммо бу ерда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам гуноҳ ва маъсиятлар бандани ризқдан тўсишини маълум қилмоқдалар. Агар “киши”дан мурод “мўмин киши” бўлса, айтиш мумкинки, мўмин киши гуноҳ амал содир этса, ўзига келаётган ризқдан маҳрум бўлади. Бу қилган гуноҳига каффорат бўлиши учундир. Аммо кофир гуноҳ қилса-қилмаса, фарқи йўқ. Мана шу дунёнинг ўзида неъматлари тўлиқ қилиб берилади, гуноҳлари ризқни тўсмайди ёки қилган баъзи яхшиликлари ризқларини кўпайтириб қўймайди.

“Ризқдан маҳрум бўлиш”дан мурод “ризқдан барака кўтарилиши” бўлса, айтиш мумкинки, гарчи ер билан осмон ораси тўладиган даражада гуноҳ қилса ҳам, биронта банда ризқ-насибасиз қолиб кетмайди. Акс ҳолда, кофир, мушрик ва осий бандаларга содир этган қилмишлари боис зиғирча ҳам мол-дунё ва бойлик берилмаган бўларди. Бунинг тасдиғи ўлароқ айтиш мумкинки, дунё неъматларининг аксарият қисми Исломга мансуб бўлмаган кишилар қўлида тўпланган.

“Қадарни фақатгина дуо қайтаради”.

Содир бўладиган барча ҳодисалар Лавҳул-Маҳфузда битилган. Биз бунга шак-шубҳасиз имон келтирамиз. Бир тарафдан кишида шундай савол туғилиши мумкин: “Аллоҳ таоло жамики нарса ва ҳодисаларни ўлчовли қилиб, олдиндан белгилаб қўйган экан, у ҳолда банданинг дуо қилишидан нима фойда бор? У дуо қилса-қилмаса, барибир унга тақдирида битилган яхшилик ёки кулфат-қийинчиликлар келаверади-ку?!”

Имом Ғаззолий саволга шундай жавоб беради: “Билгинки, тақдирингга битилган мусибатлар дуо билан қайтарилади. Дуо кулфат ва балони қайтарувчи, раҳмат ва бараканинг келишига сабаб бўлувчи воситадир. Худди қалқон пайкони

тўсиб қолганидек, дуо ҳам бошингга тушиши мумкин бўлган кулфатларни аритади”.

Умар розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай ҳадисни ривоят қилади: “Кимга дуо қилиш неъмат ато этилган бўлса, бас унга раҳмат эшиклари очилибди. Чунки дуо тушган ва тушмаган нарсалар (яъни, кулфатларнинг олдини олиш ҳамда хайр-бараканинг ёғилишида) фойда беради. Қазони фақатгина дуо қайтаради. Шундай экан, сизлар ўзингизга дуо қилишни лозим тутинглар!” *(Термизий ривояти).*

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, дуо туфайли инсон ҳаётига, ишларига барака ато этилади. Дуо орқали ҳар қандай кулфатнинг олди олинади.

“Умрни фақат яхшиликлар узайтиради”.

Яхшилик қилиш дунё ва охират саодатига олиб боради. Яхшилик уруғларини эккан одам ҳеч қачон афсусланмайди. Албатта унинг мевасини тотлади.

Ҳадисда айтилишича, яхшилик қилиш киши умрини зиёда қилар экан. Хўш, бунга сабаб нима?

Яхшиликлар банда умрини узайтиришига тиббий ва маънавий сабаблар мавжуд. Аввало, тиббий сабабларини кўриб ўтамиз.

Маълумки, одам танасидаги барча ҳужайра ва тўқималар тизимини бошқариш, тартибга солиш ҳамда бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш асаб тизимига юклатилган. Кишининг руҳий ҳолати – хафа ёки хурсанд бўлиши, ғам-ташвиш чекиши асаб тизимига салбий таъсир кўрасатади. Бу таъсир одам танасининг барча аъзоларида ўз аксини топади. Агар киши руҳан сиқилса ёки ғазабланса, бу нарса унинг ҳар бир аъзосига зарар етказади. Бунинг акси ўларок, бирон одамга чин дилдан яхшилик қилинса, қалбга равшанлик ва беғуборлик киради, кўнгил ҳираликлари барҳам топади ва ўзини қушдек енгил сезади. Бу нарса асаб тизимига ижобий

таъсир кўрсатиб, аъзолар фаолияти яхшиланади ва киши умрини ҳам узайтиради.

Энди яхшиликнинг умр узайишидаги маънавий сабабларга тўхталадиган бўлсак, авваламбор, бандаларига яхшилик қилганни Аллоҳ ҳам Ўз неъмати ила сийлайди, умрини узоқ қилади. Ҳатто фаришталар ҳам унинг ҳаққига яхшилик сўраб, Аллоҳга эртаю кеч дуо ва истиғфор айтадилар. Шунингдек, яхшилик кўрган одам яхшилик қилувчи ҳаққига: “Умрингдан барака топ, умринг зиёда бўлсин!” деб дуо қилади. Бундай ҳолатда унинг дуоси мустажоб бўлишига шубҳа йўқ.

Шу ўринда “ҳамма яхшилик қилувчиларнинг ҳам умри узоқ бўлавермайди-ку?” деган савол туғилиши мумкин. Тўғри, яхшилик қилган одамнинг умри йил ҳисобида зиёда бўлмаса-да, ҳаёти баракали бўлади. Бундай банда имон-эътиқодда яшаб, вафотидан сўнг ўзига савоб бориб туришига сабаб бўладиган кўплаб солиҳ амалларни қилишга улгуради. Ҳаётда бундай одамларни кўп учратамиз. Улар оддий кишилардек ҳаёт кечирсаларда, аммо амалга оширган ишларини сарҳисоб қилинса, таъбир жоиз бўлса, асрлар ҳам камлик қилади.

۲۰ – وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ الرِّزْقَ لَا تَنْقُضُهُ الْمَعْصِيَةُ وَلَا تَزِيدُهُ الْحَسَنَةُ وَتَرُكُ الدُّعَاءِ مَعْصِيَةٌ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الصَّغِيرِ.

20 – Абу Саид розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Албатта ризқни маъсият камайтирмайди, ҳасана (яхшилик) кўпайтирмайди. Дуони тарк қилиш маъсиятдир”,** деб айтганларини эшитганман” (Имом Табароний “Соғийр”да ривоят қилган).

Ушбу ҳадисда тақдир ва ризқ масаласи ўзига хос услубда ифодаланмоқда.

“Албатта ризқни маъсият камайтирмайди, ҳасана (яхшилик) кўпайтирмайди”.

Юқорида келтирилган “киши гуноҳлари туфайли ўзига келаётган ризқдан, албатта маҳрум бўлади” ҳадиси билан мазкур ҳадисни солиштириб кўрсак, умумий хулоса чиқариш мумкин. Кейинги ҳадисда ризқлар Аллоҳ томонидан тақдир қилингани ўзига хос услубда ифодаланмоқда. Бандага ёзилган ризқ қандай бўлса ҳам, унга етиб боради. Ким ёки нима қаршилик кўрсатишидан қатъи назар, банда гуноҳ ёки солиҳ амаллар қилишига қарамай, тақдирида ёзилган насибасига эришади. Банда ўша ризқини тўла-тўқис олмагунича дунёдан ўтмайди. Аммо ризқнинг камайиши билан ундан маҳрум бўлиш, кўпайиши билан унга барака кириши орасида фарқ бор.

“Дуони тарк қилиш маъсиятдир”.

Банданинг Парвардигорига дуо ва илтижо қилиши улуғ ибодатдир. Ихлос билан дуо қилиш банданинг имони мустаҳкам, қалби пок, кибр-ғурурдан узоқ эканига далолат қилади. Дуо қилмаслик эса манманлик ва мутакаббирлик белгисидир. Ҳар қанча бой бўлмасин, банда мудом ўзини Аллоҳга муҳтож эканини унутмаслиги, У зотга дуо қилиб ёлвориши, гуноҳларини кечиришини сўраб илтижолар этиши лозим. Акс ҳолда, дуо қилмаслик билан банда катта маъсиятга қўл урган, ўзини беҳожат санаб, кибр қилган бўлади. Бундай бандани Аллоҳ ҳеч қачон хуш кўрмайди. Шу маънода Фузайл ибн Иёз айтади: “Одамларга уларнинг ёқимлироғи кишилардан беҳожат бўлгани ва ҳеч нарса сўрамайдиганидир. Одамларга уларнинг ёқмайдигани муҳтож бўлганидир. Аллоҳ наздида одамларнинг севимлироғи Аллоҳга муҳтож бўлгани ва Ундан сўраганидир. Аллоҳ наздида одамларнинг ёмонроғи У Зотдан “беҳожат” бўлгани ва ҳеч нарса сўрамайдиганидир”.

Ҳадис матнида “(ризқни) ҳасана кўпайтирмайди” дейилгандан сўнг “дуони тарк этиш маъсиятдир” деб айтилиши, фикримизча, аксарият ҳолларда Аллоҳга ибодат қилиш ва

У Зотга дуо қилиб ўзларининг ожиз эканликларини изҳор этиш бой-бадавлат ва мол-дунё эгаси бўлган кишиларда кам учрашига далолат қилади.

۲۱ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ اللَّهَ قَسَمَ بَيْنَكُمْ أَحْلَاقَكُمْ كَمَا قَسَمَ بَيْنَكُمْ أَرْزَاقَكُمْ وَإِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يُعْطِي الدُّنْيَا مَنْ يُحِبُّ وَمَنْ لَا يُحِبُّ وَلَا يُعْطِي الدِّينَ إِلَّا لِمَنْ أَحَبَّ فَمَنْ أَعْطَاهُ اللَّهُ الدِّينَ فَقَدْ أَحَبَّهُ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

21 – Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Албатта Аллоҳ ораларингизда хулқларингизни тақсималагани каби ризқларингизни ҳам тақсимаб қўйгандир. Албатта Аллоҳ дунёни Ўзи яхши кўрган ва яхши кўрмаган бандасига бераверади, аммо динни фақат яхши кўрган бандасига беради. Бас, Аллоҳ кимга динни берган экан, У зот уни яхши кўрибди” (Имом Аҳмад ривояти).

Ушбу ҳадисда Аллоҳ таоло томонидан бандалар ризқи тақсимаб қўйилгани, мол-дунёни Аллоҳ кимларга бериши ва имоннинг бойликдан афзал экани айтилмақда.

“Албатта Аллоҳ ораларингизда хулқларингизни тақсималагани каби ризқларингизни ҳам тақсимаб қўйгандир”.

Аллоҳ бандаларининг ризқ-насибаларини тақсимаб, етказиб бериш кафолатини зиммасига олган. Буни юқорида муфассал тарзда ўргандик. Шунингдек, Аллоҳ уларнинг хулқларини ҳам тақсимагандир. Хоҳлаган бандасига ҳусни хулқ, хоҳлаган бандасига бадхулқни бериши мумкин. Шу сабаб банда чиройли одоб-ахлоқ соҳиби бўлишга ҳаракат қилиб, Аллоҳдан ҳусни хулқли бўлишни сўраб, дуо қилиб юриши керак. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилганлар.

“Албатта Аллоҳ дунёни Ўзи яхши кўрган ва яхши кўрмаган бандасига бераверади, аммо динни фақат яхши кўрган бандасига беради”.

Бу ўриндаги “дунё”дан мурод дунё ва ундаги мавжуд нарсалар – мол-мулк, шон-шуҳрат, мансаб ва ҳоказолардир. “Дин”дан мурод эса имон-эътиқод, охират саодати, ихлос ва қалб хотиржамлигидир.

Демак, дунёга тегишли нарсалар Аллоҳ наздида пашша қанотичалик қадри йўқ. Шу сабаб уни хоҳлаган бандасига – мўминга ҳам, кофирга ҳам, суйган бандасига ҳам, ёмон кўрганига ҳам, солиҳга ҳам, фосиққа ҳам баробар бераверади. Чунончи, бир бандада мол-дунё, бойлик, ўткинчи дунё неъматларининг жамланиши унинг Аллоҳ даргоҳида мартабаси баланд эканига далолат қилмайди.

Аллоҳнинг бандани яхши кўриши бошқа жиҳатга кўра белгиланади. Аллоҳга суюмли бандалар имон-эътиқод ва ихлос неъматига мушарраф бўлишади. Кимда шу нарсалар топилса, Аллоҳ уни сеvimли бандалари қаторига қўшгани учун шукр қилсин ва солиҳ амалларда давомли бўлсин.

“Бас, Аллоҳ кимга динни берган экан, У зот уни яхши кўрибди”.

Ким имон неъматига эришган бўлса, у Аллоҳнинг сеvimли бандаларидан эканига шубҳа йўқ.

Аллоҳ таоло айтади:

“(Эй Муҳаммад, бу дунёда одамларнинг) барчаларига – мана бу (мўмин)ларга ҳам, анави (кофир)ларга ҳам Парвардигорингизнинг неъматидан ато этурмиз. Парвардигорингизнинг неъматини (ҳеч кимдан) ман қилинмас” (Исро, 20).

Яъни, Биз мана бу икки тоифа вакиллари – фақат дунё ва унинг зийнاتини хоҳловчиларга ҳам, охират ва унинг саодатини истаб, шунга эришиш учун интилаётганларга ҳам дунё неъматларидан хоҳлаган миқдорда берамиз. Зеро, Парвардигорингиз неъматлари ҳеч кимдан ман қилинмайди.

۲۲ – وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ حَدَّثَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الْكَافِرَ إِذَا عَمِلَ حَسَنَةً أُطْعِمَ بِهَا طُعْمَةً مِنَ الدُّنْيَا وَأَمَّا الْمُؤْمِنُ فَإِنَّ اللَّهَ يَدْخِرُ لَهُ حَسَنَاتِهِ فِي الْآخِرَةِ وَيُعْطِيهِ رِزْقًا فِي الدُّنْيَا عَلَى طَاعَتِهِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

22 – Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилади: **“Албатта кофир бир яхшилик қилса, бунинг эвазига дунёда унга бир неъмат берилади. Аммо мўмин бўлса, Аллоҳ унинг ҳасанотларини охиратга захира қилиб, дунёда эса унга тоатига яраша ризқ беради”** (Имом Муслим ривояти).

Имом Муслим Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган бошқа бир ҳадисда “Албатта Аллоҳ мўминнинг яхшиликларини камайтирмайди. Унга ушбу (яхшилик) туфайли шу дунёда (ризқ) беради, охиратда эса мукофотлайди. Аммо кофир эса, дунёда Аллоҳ учун қилган яхши амали эвазига неъматлантирилади, бироқ охират куни уни мукофотлашга яхшилиги қолмайди”, деб келтирилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, банданинг савоб ёки гуноҳ амаллари унинг ризқи кўпайиши ёки камайиши, баракали ёки бебарака бўлишига сабаб бўлади. Бунини тасдиқлайдиган ҳужжатлар – оят ва ҳадислар жуда кўп ворид бўлган. Қуйида ана шу ривоятлар билан танишиб чиқамиз.

РИЗҚНИНГ КЕНГАЙИШИГА САБАБ БЎЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Аллоҳга тақво қилиш

“Тақво” сўзи турлича таърифланади. Имом Роғиб ал-Асфажоний: “Тақво нафсни гуноҳдан сақлашдир. Бу ҳаром ишларни тарк этиш билан бўлади. Ҳатто баъзи мубоҳ ишларни ҳам тарк қилиш тақвонинг комиллигидандир”, деган. Имом

Нававий айтади: “Тақво Аллоҳнинг амр ва қайтариқларига эргашиш бўлиб, ғазаби ва азобидан эҳтиёт бўлиб юришдир”.

Қуръони каримнинг оятлари ва ҳадиси шарифларда Аллоҳга тақво қилиш кенг ризққа сабаб бўлиши айтилган.

Аллоҳ таоло айтади:

“Ким Аллоҳдан қўрқса, У зот унинг учун чиқар йўлни (пайдо) қилур ва уни ўйламаган томонидан ризқлантирур” (Талоқ, 2-3).

Яъни, қайси бир банда Аллоҳ таолога тақво қилса, У зот буюрган амалларни ихлос билан бажариб, қайтарганидан сақланса, Аллоҳ бундай бандани ҳар қандай кулфат ва мусибат, ғам-андуҳлардан фориг этиб, уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантириб қўяди.

Баъзи тафсир китобларида ушбу оят “Кимки ҳаромдан тақво қилса, Аллоҳ у банда учун ҳалолга, қийинчиликлардан фаровонликка ва дўзахдан жаннатга чиқар йўл пайдо қилади” деб тафсир қилинган (“*Тафсирул алусий*”).

Исмоил Бажжий розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ўзингизга буюрилган амалларни тўлиқ адо қилганларингизда, албатта экин эрмаган ҳолда ризқлантирилган бўлар эдингиз”, деганлар” (*Имом Бухорий “Тарих”да ривоят қилган*).

Имрон ибн Ҳусойн розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Кимки ўзини Аллоҳга бағишласа (тақво қилса, ибодатига ажралиб чиқса), У Зот ўша бандани ўйламаган тарафдан ризқлантиради. Кимки ўзини дунёга бағишласа, Аллоҳ дунёни у бандага вакил қилиб қўяди” (*Имом Табароний ва Ибн Абу Ҳотим ривояти*).

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу: “Кимки ушбу оятни чўқаётганда ёки йиртқич ҳайвон ҳамла қилганда ўқиса, унга ҳеч нарса зиён келтирмайди”, деган.

Қатода айтади: “Ким Аллоҳга тақво қилса, У Зот ўша бандани дунёдаги шубҳа-гумонлардан, ўлим чоғидаги мусибатдан ва қиёмат кунининг даҳшатларидан сақлайди. Шундай экан, сизлар доимо Аллоҳга тақво қилинлар! Зеро, бу билан Аллоҳ сизларга дунёда ризқ беради ва охиратда мукофотлайди”.

Аллоҳ таоло айтади:

“Агар қишлоқларнинг аҳли имон келтириб, тақводор бўлганларида эди, албатта Биз уларга осмону Ердан баракот (дарвозалари)ни очиб қўйган бўлур эдик. Лекин улар (пайғамбарларимизни) ёлғончи қилдилар. Бас, уларни ўзлари қилган гуноҳлари сабабли жазоладик” (*Аъроф, 96*).

Ояти каримада зикр қилинган “қишлоқлар” аввал яшаб ўтган, аммо имон йўлини хушламаган кофир қавмларнинг маконларини англатади. Яъни, мана шу қишлоқ аҳли пайғамбарлар олиб келган нарсаларга имон келтириб, уларни тасдиқлашганида, Аллоҳга тақво қилганларида, Парвардигорининг изни билан осмон уларнинг устларига баракали ёмғир ёғдирар ва Ер турли навадаги неъматларни ундириб чиқарган бўлар эди. Натижада ризқлари кенгайиб, яхшиликлар кўпаярди. Аммо улар бундай қилишмади. Пайғамбарларни ёлғончига чиқаришди. Шу сабаб Аллоҳ уларни муносиб жазолади.

Аллоҳ таоло айтади:

“Агар улар (Тўғри) Йўлда собитқадам турганларида, албатта Биз уларни мўл ёмғир билан суғорган бўлур эдик” (*Жин, 16*).

Яъни, агар Қурайш кофирлари Аллоҳга имон келтириб, У Зотга ибодат қилишда давом этганларида, Биз уларнинг устларига баракотли ёмғир ёғдирар эдик. Бунинг сабабидан уларга кенг ризқ ва фаровон ҳаёт ато қилардик.

Ибн Аббос айтади: “Ушбу оят етти йиллик оғир қаҳатчилик ва қурғоқчиликни бошидан кечирган Қурайш кофирлари ҳақида нозил бўлган”.

Абу Молик: “Оятдаги “ёмғир”дан мурод “бойлик”дир”, деган (*Абд ибн Ҳумайд ривояти*).

Робийъ ибн Анас оятдаги “мўл ёмғир”ни “фаровон ҳаёт” деб тафсир қилган (*Абд ибн Ҳумайд ривояти*).

Аллоҳ таоло айтади:

“Агар улар Таврот, Инжил ва Парвардигорлари томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилганларида эди, устларидан (осмондан) ҳам, остларидан (Ердан) ҳам ризқлантирилган бўлур эдилар” (*Моида, 66*).

Агар аҳли китоб бўлмиш яҳудий ва насронийлар Таврот ва Инжилга тўлиқ амал қилиб, уни худди Аллоҳнинг даргоҳидан нозил қилинганидек, ўзгартирмай тиловат қилганларида, бу Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган нарсага имон келтиришларига сабаб бўларди. Агар Ҳаққа эргашиб, ўз китобларида башорат қилинган Муҳаммаднинг Рисолатига имон келтирганларида, Аллоҳ уларга кенг ризқ берар, осмон ўз ёмғири ва баракотини туширар, Ер ўз яхшиликларини ундириб чиқарар эди. Лекин кўплари Аллоҳнинг ҳукмига бўсунмади, балки фақат озчилик қисмигина мўмин бўлди.

Муҳаммад Саййид Тантовийнинг “Тафсирул васит” китобида: “Ушбу оятда айтилишича, агар банда Аллоҳнинг йўлида бардавом бўлса, унинг ризқи кенг бўлади. Қуръони каримда шу маънода яна кўплаб оятлар келтирилган”, дейилган.

۲۳ – وَعَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: يَا أَيُّهَا النَّاسُ، اتَّخَذُوا تَقْوَى اللَّهِ تِجَارَةً يَأْتِيكُمْ الرِّزْقُ بِلاَ بِضَاعَةٍ وَلَا تِجَارَةٍ ثُمَّ قَرَأَ: وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا وَيَرْزُقْهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ. رَوَاهُ ابْنُ مَرْدَوَيْهِ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ.

23 – Муоз ибн Жабал розийаллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Эй одамлар, Аллоҳга тақво қилишни тижорат қилиб олинглар. Шунда сизларга савдо-сотик ва тижоратсиз ризқ келади”**, дедилар ва: **“Ким Аллоҳга тақво қилса, У Зот унга чиқар йўлни (пайдо) қилади ва уни ўзи ўйламаган тарафдан ризқлантиради” оятини ўқидилар**” (Ибн Мардавайҳ, Табароний “Кабийр”да ривоят қилган).

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бу ерда умматларини икки дунё саодатига етакловчи амалга тарғиб қилмоқдалар:

“Эй одамлар, Аллоҳга тақво қилишни тижорат қилиб олинглар”.

Яъни, эй умматим, Аллоҳга тақво қилишни ўзингизга фойда келтирадиган восита қилиб олинглар! Зеро, бу нарса охиратда сизларга катта ютуқ келтиради. Аллоҳ розилигини топиб, дўзахдан тўсилиб, жаннатга киритиласизлар. Аллоҳга тақво қилишни тижорат қилиб олиш нафақат охиратда, балки шу дунёда ҳам сизларга манфаат келтиради:

“Шунда сизларга савдо-сотик ва тижоратсиз ризқ келади”.

Агар Аллоҳга тақво қилсангиз, савдо-сотик, олди-сотди билан шуғулланмасдан туриб ҳам кенг ризқ ва фаровон ҳаётга эришасизлар.

Мазкур ояти каримадаги “савдо-сотик ва тижоратсиз” сўзини нотўғри тушуниб, бирон касб-ҳунар эгалламай ва ҳаракат қилмасдан ҳам Аллоҳга тақво қилса, бойиб кетиш мумкин экан-да, деб тушунмаслик лозим. Одатда, кишилар наздида тижорат, савдо-сотик бошқа соҳаларга қараганда баракали касб саналади. Шу сабаб ҳам кенг ризқ ва фаровон ҳаёт маъноларини янада ёрқинроқ ифодалаш учун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ушбу усулдан фойдаланиб, мўмин-мусулмонларни Аллоҳга тақво қилиш ва шариат аҳкомларига тўлиқ бўйсунушга чақирмоқдалар.

“Ва: “Ким Аллоҳга тақво қилса, У Зот унга чиқар йўлни (пайдо) қилади ва уни ўзи ўйламаган тарафдан ризқлантиради” оятини ўқидилар”.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳга тақво қилиш банданинг дунё ва охиратда саодатманд бўлиши, хусусан, кенг ризқ топишига сабаб эканини айтиб ўтгач, сўзларини қувватлаш учун Талоқ сурасининг 2-3 оятларини тиловат қилдилар.

۲۴ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ جَاعَ أَوْ احتَاجَ فَكَنَّمَهُ النَّاسَ وَأَفْضَى بِهِ إِلَى اللَّهِ كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يَفْتَحَ لَهُ قُوَّةَ سَنَةِ مِنْ حَلَالٍ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْأَوْسَطِ وَفِي رِوَايَةٍ لِلطَّبْرَانِيِّ قَالَ: كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ أَنْ يَفْتَحَ لَهُ رِزْقًا حَسَنًا مِنْ حَلَالٍ.

24 – *Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Кимнинг қорни очса ёки (бирон нарсага) эҳтиёж сезсаю, бунини одамлардан яшириб, Аллоҳга ошкор қилса, у банда учун бир йиллик ҳалол насиба (келадиган йўл)ни очиш Аллоҳ зиммасида бўлади” (Имом Табароний “Кабийр” ва “Авсат”да ривоят қилган. Имом Табароний ривоят қилган бошқа ҳадисда: “Ҳалолдан бўлган яхши ризқ (келадиган йўл)ни очиш Аллоҳ азза ва жалланинг зиммасида бўлади”, дейилган).*

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Кимки бирон нарсага муҳтож бўлиб, уни одамларга билдирса, унинг ҳожати раво қилинмайди. Кимки бирон нарсага муҳтож бўлганида, уни Аллоҳга изҳор қилса, Аллоҳ у (банда)ни тезда ёки бир оз муддат ўтгач ризқлантиради” (Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривояти).

Инсон ўз ҳаётида доимий суратда турли нарсаларга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж уни ҳаракат қилиш ва изланишга ундайди. Лекин ана шу эҳтиёжни қондириш ва шу йўлда

интилиш банданинг ҳолатига қараб турлича бўлиши мумкин. Ҳадисда айтилишича, ким бирон нарсага эҳтиёж сезганда, уни одамлардан яшириб, ҳожатини раво қилишларини сўрамасдан, ҳожатини Аллоҳдан сўраса, Аллоҳ унинг эҳтиёжини қондиради. Шу туфайли унга бир йиллик ҳалол ризқ келадиган йўлни пайдо қилади. Бунга ҳар биримиз имон келтириб, шу ҳадис таълимига асосан ишларимизни йўлга қўйишимиз лозим. Афсуски, ҳаётдаги ишларимизга назар солсак, ушбу ҳадисдан беҳабар эканимиз яққол намоён бўлади. Бизда бирон ҳожат туғилса, дарров кимнидир ўртага солиб, ишимизни битириш ҳаракатига тушамиз. Аллоҳга дуо қилиш, У Зотдан мушкулларимизни осон қилишини сўраш хаёлга келмайди. Фақат бирон иложи қолмаган тақдирда У Зотга дуо қилишга ўтамиз. Бу билан одамлардан ҳожатини сўраш қораланаётгани йўқ. Балки энг аввало Раббига илтижо қилгандан кейингина сабаб ва воситаларни ишга солиш керак. Буни Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом мисолида бизларга баён қилади. Мусо алайҳиссалом Мадян қудуғи олдига борганида, бир тўда одамлар чорваларини суғораётган эдилар. Сал нарироқда эса чорваларини суғора олмай, тортиниб турган икки қизни кўрди. Шунда у иккиси олдига бориб, сизларга нима бўлди, нега чорваларингизни суғормаяпсизлар, деб сўраганида, биз мана бу подачилар суғориб бўлмагунларича суғора олмаймиз, отамиз эса қари чол, деб жавоб бердилар. Буни эшитган Мусо алайҳиссалом дарҳол қизларга ёрдам қўлини чўзди. Куръони карим бу ҳолатни қуйидагича ифодалайди: **“Шунда (Мусо) уларга (қўйларини) суғориб берди. Сўнгра (дарахт) соясига бориб: “Парвардигорим, Ўзинг менга нима яхшилиқ туширсанг, ўшанга муҳтожман”, деди”** (Қасас, 24).

Яъни: Мусо алайҳиссалом икки қизни ташвишидан қутқариб, дарров ҳожатларини раво қилгач, дарахт соясига бориб ўтирди ва Раббига тазарруъ қилиб шундай деди:

– Эй Раббим, мен Сен Ўз даргоҳингдан туширадиган ризққа муҳтожман!

Мусо алайҳиссаломнинг ихлос билан дуога кўтарилган қўли бўш қайтмади. Аллоҳ таоло унинг бошига тушган оғирликни тезда бартараф этди. Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссалом дуосига ижобати қандай бўлганини қуйидаги оятда кўриб ўтамыз: **“Бас, улардан бири ҳаё билан юриб келиб: “Отам сени бизларга (қўйларимизни) суғориб берганинг ҳаққини бериш учун чақирмоқда”, – деди”** (Қасас, 25).

Ибн Касир айтади: “Икки қиз қўйларини суғориб, уйларига қайтишгач, отаси ҳайрон бўлиб, сабабини сўраганда, бир киши ёрдам берганини айтишди. Шунда отаси қизидан бирини уни чақириб келишга юборади”.

Хуллас, Мусо алайҳиссалом ҳожатини одамлардан беркитиб, уни Аллоҳга ошкор қилгани, У Зотга ихлос билан дуо қилгани учун Аллоҳ уни муносиб тарзда тақдирлади.

Ўзининг муҳтожлигини яшириб, Аллоҳ ижобат этишини кутиш, Парвардигорига дуо қилиш ва У Зотнинг раҳматидан умид қилиш ҳам тақводорлик белгиси эканини билдирган ҳадиси шариф ва ояти карималар ушбу бобда келтирилди.

Охиратни дунёдан афзал кўриш

٢٥ – عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ كَانَتْ الْأَحْرَةُ هَمَّهُ جَعَلَ اللَّهُ غِنَاهُ فِي قَلْبِهِ وَجَمَعَ لَهُ شِمْلَهُ وَأَتَتْهُ الدُّنْيَا وَهِيَ رَاعِمَةٌ وَمَنْ كَانَتْ الدُّنْيَا هَمَّهُ جَعَلَ اللَّهُ فَقْرَهُ بَيْنَ عَيْنَيْهِ وَفَرَّقَ عَلَيْهِ شِمْلَهُ وَلَمْ يَأْتِهِ مِنَ الدُّنْيَا إِلَّا مَا قَدَّرَ لَهُ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبْنُ مَاجَةَ وَالتَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَفِي الزَّوَائِدِ إِسْنَادُهُ صَحِيحٌ.

25 – Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу Расулумлоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Кимнинг ташвиши охират бўлса, Аллоҳ унинг қалбида бойлик пайдо қилади ва хотирини жам этади. (Мол-)дунё унга судралиб келади.**

Кимнинг ғами дунё бўлса, Аллоҳ унинг икки кўзи олдига фақирлигини келтиради, хаёлини паришон қилади ва унга (мол-) дунёдан фақат ўзига тақдир қилинганигина етади” (Термизий, Ибн Можа, имом Баззор, имом Табароний “Кабийр” да ривоят қилган. “Завоид” китобида ҳадиснинг санади саҳиҳ, дейилган).

Имом Баззор ривоятида ушбу ҳадис бошқа шаклда келтирилган: “Кимнинг нияти охират бўлса, Аллоҳ таборака ва таоло унинг қалбида бойлик пайдо қилади, хотирини жам қилиб, унинг икки кўзи олдидан фақирлигини олиб ташлайди. Дунё унга судралиб келади. У бой ҳолида тонг оттириб, бой ҳолида кунини кеч қилади. Кимнинг нияти дунё бўлса, унинг икки кўзи олдига фақирликни келтиради. Бас, энди у фақир ҳолида тонг оттириб, фақир ҳолида кунини кеч қилади”.

Ушбу ҳадисда улкан бир ҳақиқат таъсирчан усулда баён қилинмоқда. Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша ташвиш ва муаммолари бўлади. Лекин бу ташвиш ва муаммолар дунё ёки охиратга тегишли эканига қараб бандалар икки тоифага бўлинадилар. Шунга кўра уларга бериладиган ризқ ҳам икки хил бўлади: **“Кимнинг ташвиши охират бўлса, Аллоҳ унинг қалбида бойлик пайдо қилади ва хотирини жам этади. (Мол-) дунё унга судралиб келади”**.

Қайси банданинг асосий ғам-ташвиши охират бўлса, қиёматда Аллоҳ розилигини топиб, жаннатга дохил бўлиш бўлса, Аллоҳ у банданинг қалбида бойлик ва қаноат пайдо қилади ҳамда кўзини тўқ ва хотирини жам қилиб қўяди. Энди у бойлик васвасасига учмайдиган, ҳою ҳаваслар гирдобидан озод ва хотиржам кишига айланади ва у тақдирда ёзилган ризқига осон эришади.

Охиратни дунёдан устун қўядиган бандани Аллоҳ таоло икки дунёда азизу мукаррам қилади. Бу ҳадисда унинг шу дунёда кўрадиган баъзи яхшиликлари зикр қилинмоқда. Ўз ўрнида бу билан бандаларни охират ғами билан яшашга тарғиб

қилинмоқда. Охират ғами кенг маънодаги тушунчадир. Қисқа қилиб айтганда, охират ғами имон ва унинг саломатлиги ҳамда охират ободлиги билан боғлиқ нарсалар ҳақида қайғуришдир. Имонини куфр, ширк ва нифоқдан асраш, Аллоҳ амрларини бажариш, мусулмонлар ва Ислом дини ривожини, келгуси авлодларининг мўмин-мусулмон бўлиб ўсишлари ва шу каби нарсалар ҳақида ўйлаб, шу ташвишда яшаган банд охират ғами билан яшаган ҳисобланади.

Ҳадис давомига қаралса, охиратни унутиш ва фақат шу дунё ташвишлари билан ўралашиб қолиш қандай оқибатларга олиб бориши ҳақида сўз боради:

“Кимнинг ғами дунё бўлса, Аллоҳ унинг икки кўзи олдига фақирлигини келтириб, хаёлини паришон қилади ва унга (мол-)дунёдан фақат ўзига тақдир қилинганигина келади”.

Бу ерда умуман дунё ҳақида ўйлаш ва муаммоларини ҳал қилишга интилиш эмас, балки қиёматни буткул унутиб, фақат мана шу ўткинчи дунёга боғланиб қолиш назарда тутилмоқда.

Яъни, қайси банданинг асосий мақсади ва ташвиши дунё бўлса, гарчи у бой-бадавлат бўлса-да, Аллоҳ унинг кўзи олдига фақирлигини келтиради. Уни келажаги ҳақида ёмон ва ташвишли фикрлар гирдобига солади, ҳирси ва очкўзлигини зиёда қилади. Бундай банд қалбига хотиржамлик ва сокинлик кирмайди. Доимо бирон-бир ўткинчи ташвиш ва муаммолар устида бош қотириб, сарсон-саргардон ҳолида кезади ва қимматли вақтини фақат дунёнинг ўткинчи муаммолари билан ўтказади. Унга тақдирида ёзилган ризқидан бошқа насиба етмайди ва унга хайр-барака ҳам берилмайди.

Молик ибн Динор айтади: “Дунёни ўйлаб қанчалик ташвишлансанг, охират ғами қалбингдан кўтарилади. Охиратни ўйлаб қанчалик ташвишлансанг, дунё ғами қалбингдан кўтарилади”.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким дунё лаззатига берилса, ундаги учта мусибатга боғланиб қолади: қийинчилиги ниҳоясиз машаққат, бойлиги қониқтира олмайдиган очкўзлик, интиҳосиз орзу-ҳавас. Ким дунёни изласа, охират уни талаб қилади ва ҳатто унга ўлим етади. Ким охиратни изласа, дунё уни талаб қилади ва ҳатто дунёда унинг ризқи бут бўлади”, дедилар” (Табароний ривояти).

Намоз ўқиш

Аллоҳ таоло Ўзининг суюкли Пайғамбарига шундай хитоб қилади:

“Аҳлингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам (намоз ўқишда) чидамли бўлинг! Биз Сиздан ризқ сўрамаймиз, (балки) Ўзимиз Сизга ризқ берамиз. Чиройли оқибат – жаннат (аҳли) тақвоникидир” (Тоҳа, 132).

Мазкур ояти каримадаги “намоз”дан мурод беш вақт фарз намозлари, “аҳлингиз”дан мурод эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари, қизлари ва куёвлари Али розийаллоҳу анҳу, қолаверса, бутун умматларидир.

Яъни: эй Муҳаммад, Аллоҳ сизларни жаҳаннам азобидан халос қилиши учун аҳлингизни намозларни ўз вақтида ўқишга буюринг. Ўзингиз ҳам сабрли бўлиб, намозни тўлиқ адо этинг. Чунки гап билан қилинган насиҳатдан кўра амал билан қилинган ибрат таъсирчанроқдир. Агар намозни қоим қилсангиз, ўзингиз ўйламаган тарафдан ризқланасиз. Сиз ўзингизни ризқлантиришга масъул эмассиз. Балки Биз сизларни ризқлантирамиз. Парвардигорига тақво қилиб, итоат этганларнинг мукофоти фақат жаннатдир!

Хабарларда келишича, барча пайғамбарлар (уларга Аллоҳнинг салавати ва саломи бўлсин!) бошларига оғир юмуш тушганида ёки бирон муаммога дуч келганларида дарров намоз ўқишга киришиб, Аллоҳдан ёрдам сўрар эканлар.

Ҳадиси қудсийларнинг бирида: “Эй бандам, ибодатимга фориг бўл! Шунда қалбингни бойликка тўлдириб, фақирликни кетказаман. Агар ундай қилмасанг, қалбингни бандлик (муаммо) билан тўлдираман, фақирликни кетказмайман” дейилган (*Ушбу ҳадисни Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган*).

Одамлар ичида: “Намоз ўқиш билан машғул бўлсак, касб-кор ва тирикчилик нима бўлади, бола-чақани ким боқади?” деб савол берувчилар бўлиши мумкинлиги учун Аллоҳ таоло: **“Биз Сиздан ризқ сўрамаймиз, (балки) Ўзимиз Сизга ризқ берамиз”,** деб айтмоқда.

“Тафсирул алусий” китобида: “Ушбу оят намоз ризқнинг доимий суратда баракали бўлиши ва ғам-ташвишлар кўтарилишига сабабчи эканига далолат қилади”, дейилган.

٢٦ – وَعَنْ مَعْمَرٍ عَنْ رَجُلٍ مِنْ قُرَيْشٍ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ عَلَىٰ أَهْلِهِ بَعْضُ الضِّيْقِ فِي الرِّزْقِ أَمَرَ أَهْلَهُ بِالصَّلَاةِ ثُمَّ قَرَأَ: وَأَمْرٌ أَهْلَكَ بِالصَّلَاةِ وَأَضْطَرُّ عَلَيْهِ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَأَبُو نُعَيْمٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ فِي الْمُصَنَّفِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ بِسَنَدٍ صَحِيحٍ.

26 – *Маъмар қурайшлик бир кишидан ривоят қилади: “Агар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оилаларига ризқдан танглик етса, аҳли-оилаларини намоз ўқишга буюрар эдилар ва “Аҳлингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам (намоз ўқишда) чидамли бўлинг!” оятини ўқирдилар”* (*Имом Табароний, Абу Нуайм, Абд ибн Ҳумайд, Абдураззоқ “Мусоннаф” да ва Байҳақий “Шуъабул иймон” да саҳиҳ санад билан ривоят қилган*).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонлари дунёдаги энг мукаррам ва энг ҳурматли хонадонлардан бўлишига қарамай, вақти келса ушбу муборак оилада ризқдан танглик ҳолатлари учраб турар, қийинчилик ва муаммолардан холи эмасди. Бу эса, мўмин банданинг камбағал ёки

қийинчиликка гирифтор бўлиши унинг Аллоҳ даргоҳидаги даражасига зиғирча ҳам таъсир қилмаслигига ишорадир.

Муҳтарам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларида ана шундай мушкул ҳолат юз берганида, у зот юқорида келтирилган оятга (Тоҳа сурасининг 132-ояти) амал қилиб, ўз аҳли оилаларини намоз ўқиш ва шу йўл билан ҳожатларини раво қилишни сўраб, Аллоҳга дуо қилишга буюрар эдилар. Бизлар ҳам хоҳ фаровонлик, хоҳ мусибат етганда намозларимизни адо этиб, барча ҳожатларимизни Меҳрибон Раббимизга ошкор этиб, мушқуларимизни осон қилишини сўрашимиз лозим.

Силаи раҳм қилиш

۲۷ – عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَنْ سَرَّهُ أَنْ يُسَيِّطَ لَهُ فِي رِزْقِهِ أَوْ يُنْسَأَ لَهُ فِي آتَرِهِ فَلْيَصِلْ رَحِمَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَحْمَدُ.

27 – Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Мен Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Кимни ризқи кенг бўлиши ва ажали кечиктирилиши** (яъни, умри узоқ бўлиши) **хурсанд қилса, бас, қариндошлик алоқаларини боғласин!**” деганларини эшитганман” (Имом Бухорий ва имом Аҳмад ривояти).

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Насабларингизни билиб олинглар. Шу билан қариндошлик алоқаларини боғлайсизлар! Чунки силаи раҳм (қариндошлик алоқаларини боғлаш) аҳлига муҳаббат пайдо қилади, бойликни кўпайтиради ва умрни зиёда қилади” (Имом Термизий, имом Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилган).

Мазкур ривоятдаги “ризқи кенг бўлиши”дан мурод “ризқнинг баракали бўлиши”дир. Чунки қариндошлар билан

яхши муомала қилиш садақанинг бир туридир. Садақа молни поклаб, унинг ўсиши ва кўпайишига сабаб бўлиши оят ва ҳадисларда кўп айтилган.

“Ажали кечиктирилиши”дан мурод эса, аввало банда умрининг баракали, манфаатли ва файзли бўлишидир. Баъзилар: “Умрнинг зиёда қилиниши солиҳ зурриётдир”, деган. Чунки ортидан солиҳ зурриётлар қолиб, унинг ҳаққига истиғфор айтилса, фарзандлари Аллоҳнинг амрига мувофиқ ҳаёт кечирса, улар қилаётган яхши амаллар савоби камайтирилмасдан ота-оналарига етиб туради.

Демак, кимки дунёда ризқи кенг ва баракали, ҳаёти фаровон ва осуда, умри савобли ишларга тўла бўлиши, ортидан солиҳ ва солиҳа фарзандлар қолиши, вафотидан кейин ҳам кишилар томонидан яхши хотиралар билан эсланиши ва номаи аъмолига солиҳ амаллар ёзилиб турилишини хоҳласа, қариндош-уруғлари билан яхши муомалада бўлиши ва уларнинг ҳолларидан хабар олиб туриши, хоҳ моддий, хоҳ маънавий томондан бўлсин, қариндошларига ёрдам қўлини чўзиши керак.

۲۸ – وَعَنْ بَهْزِ بْنِ حَكِيمٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: صَنَائِعُ الْمَعْرُوفِ تَقِي مَصَارِعَ الشُّوْرِ وَإِنَّ صَدَقَةَ السَّرِّ تُطْفِئُ غَضَبَ الرَّبِّ وَإِنَّ صَلَاةَ الرَّحِمِ تَزِيدُ فِي الْعُمُرِ وَتَنْفِي الْفَقْرَ. رَوَاهُ الْقَضَاعِيُّ فِي مُسْنَدِ الشَّهَابِ.

28 – Баҳз ибн Ҳақим отасидан⁵, отаси бобосидан ривоят қилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: **“Яхши ишлар кўнгилсиз ҳодисалардан сақлайди. Албатта махфий (тарзда берилган) садақа Парвардигор ғазабини**

⁵ Баҳз ибн Ҳақимнинг отаси Ҳақим ибн Муовия ибн Ҳайда ал-Қушайрий ал-Басрий тобеинлардандир. Ибн Ҳажар уни ишончли ҳадис ровийси эканини айтган. Имом Бухорий (таълиқ тарзда), Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Мажалар ундан ҳадис ривоят қилишган.

Баҳз ибн Ҳақим бобосининг исми Муовия ибн Ҳайда ибн Муовия ибн Қушайр ибн Каъб ал-Қушайрий саҳобалардан бўлган. Имом Бухорий (таълиқ тарзда), Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Мажалар ундан ҳадис ривоят қилишган.

сўндиради. Албатта силаи раҳм умрни узун қилиб, камбағалликни кетказди” (Қузобий “Муснадуш шиҳоб”да ривоят қилган).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадисда солиҳ амаллар, хусусан садақа ва силаи раҳмнинг фойдалари ҳақида хабар бермоқдалар.

“Яхши ишлар кўнгилсиз ҳодисалардан сақлайди”.

“Яхши ишлар” деганда мутлоқ яхшиликлар ва солиҳ амаллар назарда тутилади. Хоҳ ажри улўғ намоз ибодати бўлсин, хоҳ имон жиҳатидан қараганда энг қўйида турадиган амал – мусулмонлар йўлидан озор берувчи нарсаларни олиб ташлаш бўлсин, ҳамма-ҳаммаси яхши ишлар сирасига киради. Аллоҳ буюрган амалларни бажариш бандани охиратдаги бадбахтлик, ёмон оқибат ва қийинчиликлардан асрайди. Охират ғам-ташвиши олдида ўткинчи дунё ташвиши денгиздан бир томчи демақдир. Солиҳ амаллар банданинг охиратда кулфат-машаққатдан эминда бўлишини таъминлар экан, бас, дунёда учрайдиган ҳар хил бало-офатлар, фожеали воқеа ва мусибатлардан сақлашига ҳам ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Яхши ишлар кўнгилсиз ҳодисалардан сақлайди”**, деб аслида биз умматларини солиҳ амалларнинг ҳеч бирини арзимас деб қарамай, уларни ихлос билан амалга оширишга тарғиб қилмоқдалар.

“Албатта махфий (тарзда берилган) садақа Парвардигор ғазабини сўндиради”.

Аллоҳ ўз бандаларини солиҳ амал қилсалар, риё ва сумъадан сақланган ҳолда ихлос билан амалга оширишларини хоҳлайди.

Садақа махфий ва ошкора тарзда берилиши ҳаммага маълум. Лекин улардан энг афзали махфий тарзда, бировга билдирмай амалга оширилганидир. Аллоҳ таоло айтади: **“Агар садақаларни ошкор ҳолда берсангиз, яхши ва агар махфий қилиб фақирларга берсангиз – бу ўзингиз учун**

янада яхшироқдир. Ва қилган гуноҳларингизга каффорат бўлади. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир” (Бақара, 271).

Демак, ихлос билан махфий тарзда амалга оширилган садақа бандадан Аллоҳнинг ғазабини қайтаради. Аллоҳнинг ғазабидан саломат бўлган бандаларга қандай ҳам яхши!

Шунингдек, ўнг қўли берганни чап қўли билмайдиган қилиб махфий суратда инфоқ-садақа қилиш банданинг қиёмат куннда Аллоҳнинг Арши соясидан жой олишини таъминлайди. Бу ҳақида саҳиҳ ҳадис ривоят қилинган.

“Файзул қодийр”да буни: “Ихлос нури ва эҳсон мартабаси Аллоҳнинг ғазабини ўчиради”, деб изоҳланган.

Донишмандлардан бири шундай деган: “Агар сен бир яхшилик қилсанг, уни ошкор қилма. Агар сенга бир яхшилик қилинса, уни ошкор қил. Кибрланиб кетмаслик учун қилган амалингни кичик сана. Гурур ва хотиржамликка берибмаслик учун эса амалларингни кам ва нуқсонли деб бил”.

“Албатта силаи раҳм умрни узун қилиб, камбағалликни кетказди”.

Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Ким умри узайтирилиши, ризқи кенг қилиниши ва ёмон ўлимдан сақланишни хоҳласа, Аллоҳга тақво қилсин ва қариндошлари билан (яхши) муносабатда бўлсин!” (Имом Табароний ва Баззор ривояти).

Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу айтади: “Ким Раббига тақво қилса ҳамда силаи раҳм қилса, унинг умри узайтирилади, бойлиги кўпайтирилади ва аҳли-оиласи уни яхши кўради” (Имом Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

Силаи раҳм қилиш банда умрини узайтириб, мол-дунёсига барака киритар экан, унда қариндошлар билан яхши муносабатда бўлиш фақат моддий ҳолатга боғлиқми, деган савол туғилади.

Қариндошлар билан яхши муносабатда бўлиш, силаи раҳм қилиш деганда уларга моддий ва маънавий томондан яхшилик қилиш, ёмонликни бартараф этиш тушунилади. Бу эса хоҳ бойлик, хоҳ бошқа нарса билан адо қилинса ҳам фарқи йўқ. Шу маънода имом Ибн Абу Жамра айтади: “Силаи раҳм бойлик, ҳожатларини раво қилишга ёрдамлашиш, зарарни кетказиш, очиқ чеҳра ила муносабат қилиш ёки дуо қилиш билан бўлади”.

Мана шу жумла силаи раҳмининг асл моҳиятини очиб беради. Баъзилар ўйлаганидек, қариндошлар билан борди-келди қилиш фақат пул ёки моддий ҳолатга боғлиқ эмас. Агар моддий шароити кўтарса, шу йўл билан уларга кўпроқ яхшилик қилинган афзал. Аммо шу нарсани баҳона қилиб, бир-бирлари билан борди-келди қилмай қўйиш яхши эмас. Чунки қариндошларга яхшилик қилишнинг турлари кўп. Ҳатто моддий томондан бирон-бир манфаат келтирмаган тақдирда ҳақларига дуо қилиб қўйилса ҳам бўлади. Агар моддий тарафдан ёрдамлашиб, ҳожатларини раво қилгач, ҳақларига дуо ҳам қилиб қўйилса, нур устига нур бўлади.

Ибодатга фориғ бўлиш

۲۹ — عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ: يَا ابْنَ آدَمَ تَفَرَّغْ لِعِبَادَتِي أَمْلاً صَدْرَكَ غَنَى وَأَسَدَ فَفَرَكْ وَإِلَّا تَفْعَلْ مَلَأْتُ يَدَيْكَ شُغْلًا وَلَمْ أَسُدِّ فَفَرَكْ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَالأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالأَحَاكِمُ وَالبَيْهَقِيُّ وَالبَطْبَرَانِيُّ فِي الكَبِيرِ وَقَالَ الأَحَاكِمُ صَحِيحُ الإسْنَادِ.

29 – Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **Аллоҳ таоло айтади: “Эй Одам боласи, ибодатимга фориғ бўл. Шунда қалбингни бойликка тўлдираман ва фақирлигингни кетказаман. Акс ҳолда, қўлингни иш билан банд қилиб қўяман ва фақирлигингни кетказмайман!”** (Термизий, Ибн Можа,

Ахмад, Ибн Ҳиббон, Ҳоким, Байҳақий, Табароний “Кабийр”да ривоят қилган. Ҳоким ҳадис санадини саҳиҳ, деган).

Аллоҳ буюрган амалларни ўз вақтида ва мукаммал суратда ихлос билан амалга ошириш бандани дунё ва охират ташвишидан озод қилади. Ушбу ҳадиси қудсийда ибодатни бутун вужуди билан киришиб, хаёлини бир жойга жамлаб амалга оширишнинг самараси ҳақида сўз юритилмоқда:

“Эй Одам боласи, ибодатимга фориғ бўл. Шунда қалбингни бойликка тўлдираман ва фақирлигингни кетказаман”.

“Фориғ бўлиш” деганда бирон ишни бажараётганда унга боғлиқ бўлмаган барча нарсани тарк этиш ва фақат ана шу машғулот билан шуғулланиш назарда тутилади. “Ибодатга фориғ бўлиш” эса худди Аллоҳни кўриб тургандек, хаёли ва диққатини бир жойга жамлаб ибодатни адо этишдир.

Бу ўриндаги “ибодат”дан мурод мутлоқ ибодатлар – намоз, рўза, закот, ҳаж, Қуръон тиловати ва Аллоҳга бандалик қилишни англатувчи ҳар қандай солиҳ амаллардир. Лекин ҳадисдаги “ибодатимга фориғ бўл” деган жумласи “намозни тўла-тўкис адо эт, уни шошилмай, ташвишларингни хаёлдан чиқариб ташлаган ҳолда амалга ошир” деган маънони англатади.

Яъни, Аллоҳ таоло бандаларига хитоб қилиб: эй бандам, ибодат қилаётганингда, дунёвий ишларингдан фориғ бўл. Менга ихлос билан амал қил. Сени дунё ишлари ибодат қилиш ёки ибодатни хушув билан бажаришдан тўсиб қўймасин. Агар сен шундай қилсанг, қалбингни хотиржам, қаноатли, ризқини ўйлаб, хавотирга тушмайдиган қилиб қўяман ва ҳамма ҳожатларингни раво қиламан. Фақирлигингни кетказиб, сени одамларга ҳожатманда бўлишдан сақлайман.

“Акс ҳолда қўлингни иш билан банд қилиб қўяман ва фақирлигингни кетказмайман!”

Агар ибодатимга фориғ бўлмасанг, дунёвий ташвишлар билан овора бўлиб, ибодатни унутсанг ёки рисоладагидек

ибодат қилмасанг, сени муаммо ва ташвишлар гирдобига ташлайман. Қанча ҳаракат қилсанг ҳам, ҳожатларингни раво қилмайман.

Маъқил ибн Ясор розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Раббингиз табарока ва таоло: “Эй Одам боласи, ибодатимга фориг бўл. Шунда қалбингни бойлик ва қўлингни ризққа тўлдираман. Эй Одам боласи, Мендан узоқлашма! Акс ҳолда, қалбингни фақирликка тўлдираман. Қўлингни эса банд қилиб қўяман”, дейди” (Ҳоким “Мустадрок”да саҳиҳ санад билан ривоят қилган).

Ушбу ҳадисни ўқиб, баъзи ўқувчилар “ибодатга фориг бўлиш”ни касб-кор ва тирикчиликни йиғиштириб, эртаю кеч масжидда ибодат билан машғул бўлиш, деб тушунмасликлари керак. Айтиб ўтганимиздек, ибодатга фориг бўлиш ибодат чоғида қалбнинг сергак ва уйғоқ туриши, хушуъ ва хузуъ ила ўзини худди Аллоҳга хитоб қилаётгандек, ўй-хаёли чалғимасдан ибодатни амалга оширишдир. Бу нарсани Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа ҳадисларида: “Худди Аллоҳни кўриб турганингдек ибодат қилишинг, агар сен уни кўрмаётган бўлсанг, У Зот сени кўриб туради”, деб тушунтирганлар.

Мазкур ҳадис хато ва камчиликларимизни баён қилмоқда. Кўпчилигимиз намозни шошиб-пишиб ўқиймиз, фикр-хаёлимизда дунё ташвиши. Ибодат лаззатини сезмаймиз. Хушуъ билан ибодат қилиш жуда кам. Оқибатда ташвишлар кўпайса, кўпаядики, асло камаймайди. Ҳадисда айтилганидек, агар Аллоҳнинг ибодатига фориг бўлиб, қалб билан тўлиқ боғланиб, хотиржам ибодат қилганимизда, ҳам катта ажр-савобларга эришар, ҳам ҳаётдаги кўпгина муаммо ва ишларимизда кўзланган натижага эришган бўлар эдик. Шундай экан, дунё ва охират саодатига эришиш учун ибодат чоғида ташвишларни бирпас унутиб, фориг қалб билан

Аллоҳга ибодат қилайлик, хушуъ билан юкинайлик. Шунда солиҳ бандалардан бўламиз.

Ҳаж ва умрани кетма-кет адо этиш

۳۰ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: تَابِعُوا بَيْنَ الْحَجِّ وَالْعُمْرَةِ فَإِنَّهُمَا يَنْفِيَانِ الْفَقْرَ وَالذُّنُوبَ كَمَا يَنْفِي الْكَبِيرُ حَبْتِ الْحَدِيدِ وَالذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَلَيْسَ لِلْحَجَّةِ الْمَبْرُورَةِ ثَوَابٌ إِلَّا الْجَنَّةَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَقَالَ أَبُو عَيْسَى: حَدِيثٌ حَسَنٌ غَرِيبٌ.

30 – Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Ҳаж ва умрани кетма-кет адо этинглар. Чунки уларнинг ҳар иккиси худди босқон темир, тилло ва кумушнинг кирини кетказгани каби фақирлик ва гуноҳларни кетказди. Мабрур ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир”** (Термизий, Насоий, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти. Термизий ҳадис санадини ҳасан-ғариб, деган).

Ушбу ҳадисда ҳаж ва умрани кетма-кет бажариш фақирликни кетказиши ва гуноҳларни ювиб юбориши айтилмоқда. Ҳаж ва умрани кетма-кет адо этиш, агар умра қилган бўлса, унинг ортидан дарҳол ҳаж қилиш, аксинча, агар ҳаж қилган бўлса, тезда ортидан умра қилишдир. Демак, ҳаж ва умра ибодатини кетма-кет адо этиш зоҳирий маънода банданинг бой бўлиши, ботиний маънода қалбининг бой бўлиши ҳамда сағийра ва Аллоҳ хоҳлаган бошқа гуноҳлар ювилишига сабаб бўлар экан.

Одатда, ҳаж ва умра амаллари йўлга қодир бўлиб, ҳам соғлиқ, ҳам моддий жиҳатдан қудрати етадиган кишиларгагина фарздир. Бу эса, банда бой бўла туриб, Аллоҳнинг амрини бажарса, бойлигининг шукрини адо

этса, мол-мулки янада кўпайиши, қалби қаноатли бўлиши ва гуноҳлари тўкилишига сабаб бўлади.

Ҳаромдан сақланиш ниятида никоҳланиш

Аллоҳ таоло айтади:

“Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизнинг яхшиларини никоҳлаб қўйинглар. Агар улар камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазли-карами билан бой – беҳожат қилади. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, Билгувчидир” (Нур, 32).

Яъни, ораларингизда никоҳга қурби етадиган ҳур эркак ва аёлларни, шунингдек, қул ва чўриларингиз орасидаги солиҳ кишиларни никоҳлаб қўйинглар. Иложи бўлса, моддий ва маънавий ёрдам беринглар. Камбағаллик ва қўли калталик уларни оила қуришдан асло тўсиб қўймасин. Агар улар камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилиб қўяди ва ҳожатларини раво қилади. Аллоҳ хоҳлаган бандасига кенг ризқ берувчи, фазлу карами кенг ва бандаларининг ҳолларидан Хабардор бўлган, улар учун нима фойдали эканини билувчи Зотдир.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу: “Ушбу оятда Аллоҳ таоло ҳур ва қул бандаларини никоҳланишга амр қилмоқда ва бунинг эвазига бойлик ваъда қилмоқда”, деб **“агар улар камбағал бўлсалар...”** оятини тиловат қилган экан (*Ибн Жарир, Ибн Мунзир ва Ибн Абу Ҳотим ривояти*).

Абу Бакр Сиддиқ ҳам: “Аллоҳнинг амрига итоат этиб никоҳланинглар! Шунда сизларга У Зот ваъда қилган бойлик тўла-тўкис берилади”, деб туриб мазкур оятни ўқиган экан (*Ибн Абу Ҳотим ривояти*).

Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу: “Никоҳланиш билан бойлик талаб қилинглар. Чунки Аллоҳ: **“Агар улар камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазли-карами билан бой – беҳожат қилади”**, демоқда”, деган (*Ибн Жарир ривояти*).

۳۱ - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ثَلَاثَةٌ حَقُّ عَلَى اللَّهِ عَوْنُهُمُ الْمُجَاهِدُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالْمُكَاتِبُ الَّذِي يُرِيدُ الْأَدَاءَ وَالنَّائِحُ الَّذِي يُرِيدُ الْعَفَاةَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ حِبَّانَ فِي صَحِيحِهِ وَقَالَ الْحَاكِمُ: صَحِيحٌ عَلَى شَرْطِ مُسْلِمٍ.

31 – *Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Уч (тоифа кишилар)га ёрдам бериш Аллоҳнинг зиммасидадир* (. Булар): **Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилувчи, (бўйнидаги вазифасини) адо қилишга ҳаракат қилаётган мукотаб ва пок юришни ният қилиб никоҳланувчидир”** (Термизий, Насоий, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган. Ҳоким: “Ҳадис санади Муслим шартига кўра саҳиҳ”, деган).

Ушбу ҳадисда Аллоҳ ёрдам беришига сабаб бўлувчи амаллар ҳақида айтилмоқда. “Ёрдам бериш” деганда “ўша ишларни амалга оширишда кўмаклашиш ва осон қилиш” маънолари назарда тутилади. Демак, Аллоҳ таоло уч тоифа кишиларга ёрдам беришни Ўз зиммасига олган. Мазкур тоифаларнинг биринчиси: **“Аллоҳнинг йўлида жидду жаҳд қилувчи”**.

Яъни, Аллоҳ учун ҳаракат қилувчи, Аллоҳ розилиги учун шайтон ва нафс билан курашишга жаҳд қилувчи, илм талаб қилишга қаттиқ ҳаракат қилувчи, Ислом ва мусулмонлар душманларига қарши курашиб, уларни мағлуб этишга ҳаракат қилувчи кишилар Аллоҳнинг нусрати ва ёрдамига эришар эканлар. Иккинчи тоифа кишилар “(Бўйнидаги вазифасини) **адо қилишга ҳаракат қилаётган мукотаб”**.

“Мукотаб” деб маълум миқдордаги пулни тўлаб, озода бўлиш ҳақида ўз хожаси билан шартнома тузган қулга айтилади. Хўжайини билан мукотаба қилгач, хурликка эришиб, яхши ишлар қилишга, ўзига ва динига наф етказиш учун ҳаракат қилаётган қулга Аллоҳ таоло, албатта ёрдам беради.

Аллоҳнинг ёрдамига сазовор бўладиган учинчи тоифа – **“Пок юришни ният қилиб никоҳланувчи”** киши бизнинг мавзуга тегишлидир:

Одатда, янги оила қураётганларнинг иқтисодий ҳолатлари унчалик ҳам яхши бўлавермайди. Шу сабаб аксарият йигит ва қизлар никоҳланишни ортга суриб юраверадилар. Аммо ушбу ҳадисда айтилишича, Аллоҳ Ўзининг розилигини истаб, зино ва фаҳш ишлардан сақланиш мақсадида никоҳланувчи бандаларга ёрдам беришни ваъда қилмоқда.

Ушбу ҳадис ва юқоридаги ояти каримани (Нур сурасининг 32-ояти) ўқиб туриб, кишида: “Оила қурадиганларнинг ҳаммасида ҳам иқтисодий ҳолат яхши бўлиб кетавермайди-ку. Никоҳланишдан олдин камбағал бўлиб, умрининг охиригача шу ҳолида ўтиб кетадиган қанчадан-қанча одамлар бор-ку”, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Бу саволга биз ўрганаётган ҳадис жавоб беради. Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳадиси шарифда “пок юришни ният қилиб” жумласи келтирилмоқда. Демак, кимки ҳаром ишлардан четда юришни ният қилиб, Аллоҳнинг амрига бўйсунуш мақсадида оила қурса, Аллоҳ ана шундай бандаларга ёрдам беради. Уларни Ўз фазли билан бой ва беҳожат қилиб қўяди.

۳۲ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:
الْتَمِسُوا الرِّزْقَ بِالنِّكَاحِ. رَوَاهُ الدَّيْلَمِيُّ.

32 – *Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Никоҳланиш билан ризқ талаб қилинглр” (Дайламий ривояти).*

Ниятни холис қилиб, Аллоҳ розилиги учун никоҳланиш бандага ризқ эшикларини очади. Бундай хонадонга барака ва раҳмат ёғилади.

۳۳ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنْكَحُوا النِّسَاءَ فَإِنَّهُنَّ يَأْتِيَنَّكُمْ بِالْمَالِ. رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَالْحَاكِمُ وَالْبَزَّازُ وَابْنُ مَرْدَوَيْهِ وَالدَّيْلَمِيُّ.

33 – *Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аёлларни никоҳлаб олинглар! Чунки улар сизга бойлик билан келадилар” (Дароқутний, Ҳоким, Баззор, Ибн Мардавайҳ ва Дайлабий ривояти).*

Ушбу ривоятда мусулмон умматининг эркакарига мўмина-муслима аёлларни никоҳлаб олинг, улар оилангизга бойлик ва ризқ-насибалари билан келиб, файз-баракага сабаб бўладилар, деб хитоб қилинмоқда. Ибн Ажлондан ривоят қилинишича, бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдидарига камбағалликдан шикоят қилиб келганида, у зот унга: “Сен уйлангин”, деганлар (*Саълабий ривояти*).

Никоҳланиш билан банданинг ризқи кенг бўлишига бир қанча сабаблар бор:

Биринчидан, турмуш қуриб, оила бошлиғига айланган эркак энди ҳаётга бошқача нигоҳ билан қарайди, тирикчилик ва ҳаётини юмушларига жиддий эътибор беради. Чунки энди у бир ўзини эмас, балки оиласини таъминлаши, бўйнидаги эркаклик-оталик вазифасини бажариши лозим. Иккинчидан, аёл бирон хонадонга келин бўлиб тушса, у ерга ўз ризқи билан келади. Агар аёл солиҳа ва ибодатли бўлса, ўша хонадонга файз-барака ва яхшилиқлар олиб келади. Йиллар ўтиб фарзандли бўлганларида, уларнинг ризқи яна ҳам кўпаяди. Бу ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдир.

Омонатдорлик

Омонатдорлик деганда аҳдига вафо қилиш, ваъдаси устидан чиқиш ва тўғрисиқлик каби яхши фазилатлар назарда тутилади.

Аллоҳ таоло айтади:

“**(Қизларидан) бири: “Эй ота, уни ёллагин. Зеро, сен ёллаган энг яхши киши кучли, ишончлидир”, деди**” (Қасас, 26).

Яъни, Мадян юртидаги кекса чолнинг икки қизидан бири отасига уни (яъни, Мусони) қўйларимизни боқишга ёллагин. Чунки у бундай ишларни қилишга ёлланадиган кишиларнинг энг яхшисидир. У кучли ва омонатдордир, деди.

Ушбу қиссанинг баъзи қисмини юқорида келтирган эдик. Мусо алайҳиссалом икки аёлга молларини сугориб бергач, дарахт тагига бориб Аллоҳга дуо қилади. Ҳеч қанча вақт ўтмай, ўша икки қиздан бири келиб, уни отаси чақираётганини айтади. Мусо алайҳиссалом ва кекса чол ўртасида суҳбат бўлиб ўтгач, унинг қизларидан бири отасига юқоридаги таклифни билдиради.

Мусо алайҳиссалом қария билан ўн йиллик шартнома тузади. Бу шартнома Мусо учун баракали бўлди. Бу эса, ишонч ва омонатдорлик ризқ келишига сабаб эканига далилдир.

۳۴ – وَفِي رِوَايَةٍ: الْأَمَانَةُ تَجْرُ الرِّزْقَ وَالْخِيَانَةُ تَجْرُ الْفَقْرَ. رَوَاهُ الْقَضَاعِيُّ فِي مُسْنَدِ الشَّهَابِ عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ بِإِسْنَادٍ حَسَنٍ.

34 – **Бир ривоятда: “Омонатдорлик ризқни жалб қилади, хиёнат эса камбағалликни жалб қилади”, дейилган** (Қузобий “Муснадуш шихоб”да ҳасан санади билан Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Омонатдорлик кишиларда муҳаббат ва ишонч туйғусини уйғотади. Бундай одам билан ҳар қандай режа ва ишларни амалга ошириш, манфаатли лойиҳаларни биргаликда бажариш мумкин. Шунингдек, омонатдорлик ризқнинг осон келиши ва ризққа барака киришига сабаб бўлади. Хиёнат эса бунинг акси бўлиб, хиёнатчи ва алдоқчи кишилар ризқида барака бўлмайди. Бундай кишилар одамлар ишончидан қолиб, фойда ва манфаатлардан қуруқ қоладилар. Энг асосийси, хиёнаткор банда Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум бўлади.

۳۵ – وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْأَمَانَةُ غِنَى. رَوَاهُ الْقُضَاعِيُّ فِي مُسْنَدِ الشَّهَابِ.

35 – Анас ибн Молик розийаллоху анху айтади: “Расулаллоху соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Омонатдорлик бойликдир”**, деганлар” (Қузовий “Муснадуш шихоб”да ривоят қилган).

Демак, ишончи ва омонатдор бўлиш бандага фақат фойдаманфаат, яхшилик, бойлик ва хайр-барака олиб келади.

Толиби илмларга ёрдам кўрсатиш

۳۶ – عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: كَانَ أَخْوَانِ عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَكَانَ أَحَدُهُمَا يَأْتِي النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالْآخَرُ يَحْتَرِفُ فَشَكَاَ الْمُحْتَرِفُ أَخَاهُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: لَعَلَّكَ تُرْزَقُ بِهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ وَقَالَ أَبُو عِيسَى: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ.

36 – Анас ибн Молик розийаллоху анху ривоят қилади: **“Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг даврларида икки ака-ука бор эди. Уларнинг бири Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг олдиларига келар, бошқаси эса касбкор қилар эди. Тирикчилик билан шуғуланувчи Набий соллаллоху алайҳи ва салламга биродари устидан шикоят қилди. Шунда у зот: “Балки сенга у сабабли ризқинг етиб тургандир!” дедилар**” (Термизий ва Ҳоким ривоят қилган. Абу Исо Термизий ҳадиснинг санади ҳасан-саҳиҳ, деган).

Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг даврларида икки ака-ука бўлиб, бири Расулаллоху соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларида илм олар, яна бири эса, тирикчилик қиларди. Аммо икковининг рўзгорлари бир эди. Ака-укалар орасидаги тирикчилик билан машғул бўлгани илм олиб, оилавий юмуш ва рўзгор ишларига ёрдам бермаётгани ёки тирикчилигида ёнига кириб, пул топмаётганини айтиб, Расулаллоху соллаллоху алайҳи ва салламга шикоят қилган

эди. Бироқ Расули Акрам унинг шикоятига: **“Балки сенга у сабабли ризқинг етиб тургандир!”** деб эътироз билдирдилар. Ушбу ҳадис илм йўлида юрган талаба, мударрис ва шу соҳада хизмат қилувчи кишиларга ёрдам кўрсатиш ризқнинг янада кўпайишига сабаб бўлишига далилдир. Чунки бу яхшиликка илм йўлида хизмат қилаётганлар ҳам индамай қараб турмайдилар. Балки дуо қилиб, яхшилик қилаётган кишиларнинг мол-дунёлари янада кўпайишини сўраб Аллоҳга илтижо қиладилар. Холис ният билан илм олаётганлар дуоси Аллоҳ даргоҳида ижобат бўлишига шубҳа йўқ.

Заиф ва бечораҳол кишиларга яхшилик қилиш

۳۷ – عَنْ مُصْعَبِ بْنِ سَعْدٍ قَالَ: رَأَى سَعْدٌ أَنَّ لَهُ فَضْلًا عَلَى مَنْ دُونَهُ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: هَلْ تُنْصِرُونَ وَتُرْزَقُونَ إِلَّا بِضِعْفَائِكُمْ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

37 – *Мусъаб ибн Саъд*⁶ ривоят қилади: **“Саъд ўзини бошқалардан фазилатлироқ деб билди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлар заифларингиз туфайли ғалаба қозонасизлар ва ризқланасизлар!” дедилар”** (*Имом Бухорий ривояти*).

Бу ўринда “Саъд” деб тилга олинаётган киши Мусъаб ибн Саъднинг отаси Саъд ибн Абу Ваққос (Молик) ибн Вуҳайб ибн Абдуманоф ибн Зухро ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб Абу Исҳоқ ал-Қуроший аз-Зухрий розийаллоҳу анҳудир. У машҳур саҳоба, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётликлари чоғида жаннатий экани хабар қилинган ўн кишидан биридир. Саъд ибн Абу Ваққос Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга илк имон келтирган зотлардан ҳисобланади. У барча ғазотлардан қатнашган. Мазкур саҳобий

⁶ Ҳадис ровийси Мусъаб ибн Саъд ибн Абу Ваққос Абу Зурора ал-Қуроший аз-Зухрий машҳур тобеъинлардандир. У Саъд ибн Абу Ваққоснинг ўғли, ишончли ҳадис ровийси саналади. “Сихоҳи ситта” соҳибларининг барчаси ундан ҳадис ривоят қилишган.

жуда жасур ва паҳлавон киши эди. Айниқса, камон отишда жуда моҳир бўлиб, унинг уста камончи экани кўплаб жанглarda мўминларга қўл келган.

Ривоятда айтилишича, Саъд ибн Абу Ваққос шижоатли ва кучли бўлгани сабаб ўзини бошқалардан устун деб билган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг бу фикридан хабар топиб, таълим ва одоб бериш мақсадида: **“Сизлар заифларингиз туфайли ғалаба қозонасизлар ва ризқанасизлар!”** дедилар.

Бу ўринда “заиф” деганда мусулмонлар орасидаги болалар, қариялар, аёллар, беморлар, ногиронлар, бечораҳол кишилар ва мискинлар назарда тутилмоқда.

Яъни: эй Саъд, ўзингни бошқалардан устунман, деб ўйлама! Сен ва бошқа паҳловон жангчилар иштирок этган ғазотлардаги ғалабаларга фақат сизлар сабабчи бўлганингиз йўқ. Балки мана шу тоифа вакилларининг дуолари ва ихлос билан қилган ибодатлари туфайли Аллоҳ сизларга душман устидан нусрат беради ва ризқингизни етказди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу билан Саъдга камтар бўлиш ва ўзини катта олмаслик лозимлигини таълим бермоқдалар.

Ибн Баттол айтади: “Заифлар дуода ихлосли, қалблари дунё ҳою ҳаваслари ва зийнатларидан узоқ бўлгани учун ибодатда хушуъли бўладилар. Шу туфайли Аллоҳ уларнинг дуою ибодатлари сабабидан мусулмонларга нусрат ва ризқ беради”.

۳۸ – وَعَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: ابْغُونِي الضَّعْفَاءَ فَإِنَّمَا تُرْزَقُونَ وَتُنصَرُونَ بِضَعْفَانِكُمْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ الشَّيْخُ الأَلْبَانِيُّ.

38 – Абу Дардо розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Мени(нг розилигим)ни заифларга яхшилик қилиш билан талаб**

этинглар! Зеро, сизлар заифларингиз туфайли ризқданасиз ва нусратга эришасизлар”, деганларини эшитганман” (Абу Довуд, Термизий, Насоий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти. Шайх Албоний ушбу ҳадисни саҳиҳ, деган).

Имом Насоий ривоят қилган ҳадисда: “Албатта Аллоҳ бу умматга заифларининг дуолари, намозлари ва ихлослари сабабли нусрат беради”, дейилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматлари ичидаги мискин, бева-бечора ва камбағалларга яхшилик қилиш, уларни қаровсиз қолдирмасликни тайинлардилар. Бунда у зотнинг ўзлари бошқаларга чиройли ўрнак бўлар эдилар. Ушбу ҳадисда ҳам меҳрибон Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини заиф кишиларга яхшилик қилишга тарғиб қилмоқдалар:

“Мени(нг розилигим)ни заифларга яхшилик қилиш билан талаб этинглар!”

Яъни, розилигимни топиш ва муҳаббатимга сазовор бўлиш учун менинг амримга бўйсуниб, мусулмон уммати ичидаги заиф ва камбағал кишиларга ёрдам беринглар. Зеро, сизлар қўлга киритаётган ғалаба ва ўлжалар, касб қилиб топаётган бойлик ва мол-дунё уларнинг дуолари шарофати билан қўлга киритилмоқда. Мол-давлатларингизда уларнинг ҳам ҳаққи бор. Шундай экан, ҳар бир ҳақдорга ўз ҳаққи ва улушини беринглар. Заифларга яхшилик қилиш менинг йўлим ва сизларга қилган насиҳатимдир.

۳۹ — وَعَنْ سَعْدِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، الرَّجُلُ يُكُونُ حَامِيَةَ الْقَوْمِ أَيْ كُونَ سَهْمُهُ وَسَهْمُ غَيْرِهِ سَوَاءً قَالَ: تَكَلَّتْ أُمَّكَ يَا ابْنَ أُمَّ سَعْدٍ وَهَلْ تُرْزَقُونَ وَتُنْصَرُونَ إِلَّا بِضَعْفَانِكُمْ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

39 – Саъд ибн Молик ривоят қилади: “Мен: “Эй Расулуллоҳ, агар бирон киши қавмнинг ҳимоячиси бўлса, уники билан бошқаларнинг улуши бир хил бўладими?” дедим. Шунда у зот: “Онанг сени йўқотиб қўйгур, эй Умму Саъднинг ўғли!

Сизлар заифларингиз шарофатидан ризқланасизлар ва ғалабага эришасизлар”, дедилар” (Имом Аҳмад ривояти).

Ҳадисда номи зикр қилинаётган Саъд ибн Молик юқорида маълумот бериб ўтилган Саъд ибн Абу Ваққос розийаллоҳу анҳу саналади. Саъд отасининг куняси Абу Ваққос, асл исми Моликдир.

Айтиб ўтганимиздек, Саъд ибн Абу Ваққос мард ва жасур кишилардан эди. Ғазотларда ўлжа тушганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни мусулмонлар ўртасида тенг ва адолатли тақсим қилар эдилар. Заиф ва кучсиз, курашда унча фаол иштирок этмаган кишилар ҳам ўлжадан бенасиб қолмасдилар. Шу нарсани мулоҳаза қилиб, Саъд ибн Молик: **“Эй Расулуллоҳ, агар бирон киши қавмнинг ҳимоячиси бўлса, уники билан бошқаларнинг улуши бир хил бўладими?”** деди.

Яъни, агар бир киши қавмнинг ҳимоячиси бўлса ёки жангда асосий оғирликни зиммасига олиб, ғалаба қозонишда муҳим ўрин тутса, унинг ҳам, урушда қатнашмаган ёки қисман қатнашганларнинг ҳам оладиган ўлжаси бир хил бўладими? Жасур ва мард кишиларга ўлжадан кўпроқ ажратилса бўлмайдими?

Унинг бу саволини эшитган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таажжуб билан:

“Онанг сени йўқотиб қўйгур, эй Умму Саъднинг ўғли! Сизлар заифларингиз шарофатидан ризқланасизлар ва ғалабага эришасизлар”, дедилар.

Шофеъийлар ушбу ҳадисни далил қилиб: “Истисқо (Аллоҳдан ёмғир сўраб дуо қилиш ва намоз ўқиш)да кексалар ва ёш болаларнинг бўлиши мандубдир”, деганлар.

Кўриб ўтганимиздек, юқорида келтирилган ҳадисларнинг асосий матни бир хил. Аммо уларнинг нақд қилинишига турли ҳолатлар сабаб бўлган. Бундан келиб чиқадики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонларни ўзаро ёрдам

бериш, заифларни қўллаб-қувватлаш ва уларни қаровсиз қолдирмасликка доимий тарзда даъват қилиб келганлар.

Ушбу ҳадис бошқа тузумларда мавжуд бўлган “Ишлаган тишлайди, ишламаган тишламайди” деган мантиқсиз қарашнинг Ислом учун мутлақо бегона эканига далолат қилади. Ислом бошқа дин ва жамиятлардан фарқли ўлароқ заиф ва камбағал кишиларни қаровсиз қолдириб қўймайди. Балки уларга яхшилик қилишга тарғиб қилади. Бу эса ўша жамиятнинг тинч-тотув бўлиши ва гуллаб-яшнаши, яхшилик қилган бандаларнинг эса Аллоҳ даргоҳида мартабалари юксалишига сабаб бўлади.

“Субҳаналлоҳи ва бихамдиҳ”ни кўп айтиш

٤٠ — عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ نَوْحًا عَلَيْهِ السَّلَامُ لَمَّا حَضَرَتْهُ الْوَفَاةُ دَعَا ابْنَيْهِ فَقَالَ: إِنِّي قَاصِرٌ عَلَيْكُمَا الْوَصِيَّةَ أَمْرُكُمَا بِأَنْتَيْنِ وَأَنْهَاكُمَا عَنِ اثْنَتَيْنِ أَنْهَاكُمَا عَنِ الشُّرْكِ وَالْكِبْرِ وَأَمْرُكُمَا بِلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فَإِنَّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا فِيهِمَا لَوْ وُضِعَتْ فِي كِفَّةِ الْمِيزَانِ وَوُضِعَتْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فِي الْكِفَّةِ الْأُخْرَى كَانَتْ أَرْجَحَ وَلَوْ أَنَّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ كَانَتَا حَلَقَةً فَوُضِعَتْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ عَلَيْهَا لَفَصَمْتَهَا أَوْ لَقَصَمْتَهَا وَأَمْرُكُمَا بِسُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ فَإِنَّهَا صَلَاةٌ كُلُّ شَيْءٍ وَبِهَا يُرْزَقُ كُلُّ شَيْءٍ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَفِي رِوَايَةٍ لِأَحْمَدَ قَالَ: وَبِهَا يُرْزَقُ الْخَلْقُ.

40 – Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳу ривоят қилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: Нуҳ алайҳиссаломнинг вафоти яқинлашгач, икки ўглини чақириб деди: “Мен иккингиизга васият қиломоқчиман. Мен сизларни икки нарсага буюраман ва икки нарсадан қайтарман. Сизларни ширк ва кибрдан қайтараман ҳамда “Лаа илаҳа иллаллоҳ”га буюраман. Зеро, осмонлар, Ер ва ундаги бор нарсалар тарозининг бир палласига ҳамда “Лаа илаҳа иллаллоҳ” бошқа бир паллага қўйилса, албатта

у оғир келади. Агар осмонлар ва Ер бир ҳалқа бўлиб, унга “Лаа илаҳа иллаллоҳ” қўйилса, уни узиб юборади. Мен сизларни “Субҳаналлоҳи ва биҳамдих” (ни кўп айтиш)га буюраман. Зеро, у барча нарсанинг “салот” идир ва у билан барча нарса ризқлантирилади” (Имом Аҳмад ривояти. Имом Аҳмад томонидан қилинган бошқа ривоятда: “У билан (Аллоҳнинг) махлуқотлари ризқлантирилади”, дейилган).

Ушбу ривоятда Нуҳ алайҳиссаломнинг ўлими яқинлашганда ўғилларига қилган насиҳатида уларни икки нарса – “Лаа илаҳа иллаллоҳ” ва “Субҳаналлоҳ” калималарини кўп айтишга буюриб, ширк ва кибрдан қайтарди. Ҳадисда ҳар иккала зикрнинг фазилати нечоғли улуғ экани айтилмоқда. Жумладан, “Субҳаналлоҳи ва биҳамдих” калимаси инсонлардан ташқари барча махлуқотлар зикри бўлиб, у туфайли махлуқотлар ризқлантирилиши таъкидланмоқда. Демак, банда юрганда ҳам, турганда ҳам, бирон иш билан машғул бўлганда ҳам ушбу зикрни доимо такрорлаб юрса, унинг ризқи келиши осонлашиб, барака ёғилар экан.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Нуҳ алайҳиссаломнинг вафоти яқинлашганида икки ўғлига насиҳат қилиб, уларни ширк ва кибрдан қайтаргани.

2. Ширк ва кибр жамики гуноҳ ва ёмонликларнинг боши экани.

3. Нуҳ алайҳиссалом икки ўғлига “лаа илаҳа иллаллоҳ” ва “субҳаналлоҳи ва биҳамдих” калималарини кўп айтишни амр қилгани.

4. “Лаа илаҳа иллаллоҳ” калимасининг савоби Ер, осмон ҳамда улардаги бор нарсалардан ҳам оғир экани.

5. “Субҳаналлоҳи ва биҳамдих” калимаси барча мавжудотнинг зикри бўлиб, ана шу туфайли барча махлуқотлар ризқланиши.

Истиғфорни кўпайтириш

Қуръони каримнинг бир неча оятлари ва ҳадиси шарифларда истиғфор айтиш Аллоҳ таолонинг фазли билан ризқнинг кенгайишига сабаб бўлиши айтилган.

Қуръони каримда Худ алайҳиссаломнинг қавмига қарата шундай хитоб қилгани келтирилади:

“Эй қавмим, Парвардигорингиздан мағфират сўрангиз, сўнг Унга тавба қилингиз. Шунда У Зот устингизга осмондан ёмғир қуйдиради ва куч-қувватларингизга яна куч-қувват қўшади” (Худ, 52).

Яъни: эй қавмим, Раббингиз Аллоҳга ширк амаллар ва қилган гуноҳларингиз учун истиғфор айтинглар. У Зотга ихлос билан тавба қилинглар. Шунда Аллоҳ сизларнинг ризқингизни кенг, ишларингизни осон ва хотирингизни жам қилади. Истиғфорда собит бўлиш устларингизга раҳмат ёмғирининг тинимсиз ёғилишига сабаб бўлади. Шу сабабдан куч-қувватларингизга янада куч-қувват қўшилиб, бойликларингиз зиёда бўлади.

Заҳҳок айтади: “Од қавмида уч йил кетма-кет қурғоқчилик бўлгач, Худ алайҳиссалом уларга: “Эй қавмим, Парвардигорингиздан мағфират сўрангиз, сўнг Унга тавба қилингиз. Шунда У Зот устингизга осмондан ёмғир ёғдириб, куч-қувватларингизга яна куч-қувват қўшади”, деди” (Ибн Асокир ривояти).

Мужоҳид “қувватларингизга қувват қўшади” оятини “фарзандларингизни янада кўпайтиради” деб тафсир қилган (Ибн Жарир, Ибн Мунзир, Ибн Абу Ҳотим ва Ибн Абу Шайба ривояти).

Бундан келиб чиқадики, кўп истиғфор айтиш ризқ келиши осонлашиши, мушкilot ва муаммолар ҳал бўлиб, барака келишига сабаб бўлар экан.

Қуръони каримнинг бошқа сурасида Нуҳ алайҳиссалом тилидан шундай дейилади:

“Ва мен: “Парвардигорингиздан мағфират сўранглар, албатта У ўта Мағфиратли бўлган Зотдир. (Шунда) У Зот устларингизга осмондан ёмғир қуйдиради ва сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад беради ҳамда сизларга боғу бўстонлар (ато) қилади ва сизларга оқар дарёлар (ато) қилади”, дедим” (Нуҳ, 10-12).

Яъни, Нуҳ алайҳиссалом қавмига деди: эй қавмим, сизлар Раббингиз Аллоҳга гуноҳларингиз учун истиғфор айтинглар ва У Зотга ихлос билан тавба қилинглар. Шунда Аллоҳ устларингизга баракали ёмғир ёғдиради, бойлик ва фарзандларингизни кўпайтиради, анвойи мевалар берувчи боғу бўстонлар, ўсимлик ва дарахтларни ундирадиган оқар дарёларни пайдо қилади. Бу эса, яхшилик, файз ва барака кўпайишига омил бўлади.

Ибн Касир тафсирида айтади: “Яъни, агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий тавба қилсангиз, истиғфор айтсангиз ва У Зотга итоат этсангиз, ризқингиз кўпаяди. Аллоҳ осмоннинг баракасидан устингизга ёмғир ёғдиради. Ернинг баракасидан турли набототларни ундириб чиқаради. Сизларга кўп фарзанд ва бойликлар ато қилади. Шунингдек, Аллоҳ сизларга турли мевалари пишадиган ва ўртасидан дарёлар оқиб турувчи гўзал боғлар ато қилади”.

Қавм дунё ҳаётига қаттиқ ёпишиб, мол-дунё ва фарзандларни жуда яхши кўрар эди. Шу сабаб Нуҳ алайҳиссалом уларни мана шу йўл билан имонга ва Аллоҳга итоат этишга чақирмоқда.

Айтилишича, узоқ йиллар давомида қилинган даъватларни қабул этмай, ўзларига юборилган пайғамбарларни ёлғонга чиқаришгач, Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссалом қавмига қурғоқчилик юбориб, аёлларини туғмас қилиб кўяди. Шундан сўнг, агар имон келтирсалар, Аллоҳ уларга яна фаровонлик ато қилиб, бошларидаги оғир кунларни кетказиши маълум қилинади.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳнинг олдига бир киши қурғоқчиликдан шикоят қилиб келганида, у зот унга: “Истиғфор айтгин!” деб маслаҳат берди. Бошқа одам келиб камбағаллик, яна бошқаси фарзандлари камлиги, тўртинчиси эса, унумсиз еридан шикоят қилиб келганида, Ҳасан Басрий барчаларини кўп истиғфор айтишга буюрди. Шунда Робийъ

ибн Субайх: “Сизнинг олдингизга турли тоифага мансуб одамлар келиб, ҳар хил масалада шикоят қилишган бўлсаларда, ҳаммаларини истиғфор айтишга буюрдингиз. Бунинг сабаби нима?” деб сўради. Унинг саволига жавоб сифатида Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ юқоридаги оятни ўқиб берган экан (“*Тафсийрул қуртубий*”, “*Тафсийрун насафий*”, “*Тафсийрул кашишоф*”).

“Тафсийрун Насафий” китобида: “Истиғфор Аллоҳнинг мағфират қилишини сўрашдир. Агар истиғфор айтувчи кофир бўлса, куфрдан истиғфор айтади. Агар истиғфор айтувчи осий мўмин бўлса, гуноҳларидан истиғфор айтади”, дейилган.

Имом Қуртубий: “Ушбу ва Ҳуд сурасидаги оятлар истиғфор ризқ келиши ва кўп ёмғир ёғишига сабаб эканига далолат қилади”, деган.

٤١ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَكْثَرَ مِنَ الْإِسْتِغْفَارِ جَعَلَ اللَّهُ لَهُ مِنْ كُلِّ هَمٍّ فَرْجًا وَمِنْ كُلِّ ضِيقٍ مَخْرَجًا وَرَزَقَهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالنَّسَائِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَالْحَاكِمُ فِي الْمُسْتَدْرَكِ عَلَى الصَّحِيحَيْنِ وَفِي رِوَايَةٍ قَالَ: مَنْ لَزِمَ الْإِسْتِغْفَارَ.

41 – Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “**Кимки истиғфор** (айтиш) **ни кўпайтирса, Аллоҳ у** (банда) **учун ҳар қандай ғам-ташвиш ва танглиқдан чиқиш йўли** (пайдо) **қилиб, уни ўйламаган томонидан ризқлантиради**” (Абу Довуд, Аҳмад, Табароний, Насоий “Сунанул кубро”да, Ҳоким “Мустадрак”да ривоят қилган. Бошқа ривоятда: “Ким ўзига (кўп) истиғфор (айтиш)ни лозим тутса...” дейилган⁷).

⁷ Баъзи муҳаддислар ровийлар силсиласидаги биргина Ҳакам ибн Муъаб туфайли ушбу ҳадис санадини заиф, дейдилар. Жумладан, шайх Албоний шундай фикрни билдирган. Аммо имом Ҳоким ва Шайх Аҳмад Муҳаммад Шокир ушбу ҳадиснинг санадини саҳиҳ, дейишган.

Ҳадисда айтилишича, қайси бир банда ихлос билан кўп истиғфор айтса, Аллоҳ таоло уни ғам-ташвиш ва муаммолардан халос этади. Юмушларини осон қилиб, у бандани ўзи қутмаган, хаёлига келтирмаган томонидан ҳалол йўл билан ризқлантиради.

Мўмин банда бирон бир сабабсиз ўз-ўзидан муаммо ва қийинчиликка дуч келмайди. Бунинг асосан иккита сабаби бор. Биринчиси, Аллоҳ қайси бир бандани яхши кўрса, уни бирон мусибат билан синайди. Бу синовни чиройли сабр билан енгиб ўтган банданинг гуноҳлари кечирилади, имони зиёда бўлади, қалби покланади ва Аллоҳ наздидаги даражаси кўтарилади.

Мўмин кишининг мусибатга учрашининг иккинчи сабаби эса, гуноҳ-маъсиятдир. Маъсиятга қўл урган мўминнинг гуноҳи кечирилиши учун Аллоҳ унга раҳм қилади. Мана шу дунёнинг ўзида жазосини олиб, покланиши учун унга дард, машаққат ва ғам-ташвиш бериб синайди. Иккала ҳолатда ҳам мўмин банда чиройли сабр қилиши, Аллоҳ таолога истиғфорни кўпайтириши, У зотдан гуноҳларини авф этишини сўраши лозим. Шунда банда машаққатлардан фориг бўлиб, ажр-савобга эришади ва ўзи ўйламаган тарафдан келадиган ризққа сазовор бўлади.

Юқоридаги ояти карималарнинг бирида (Талоқ сурасининг 2-Зоятлари) Аллоҳ таолога тақво қилган бандалар ўзлари ўйламаган тарафларидан ризқланишлари маълум қилинса, ушбу ҳадисда Аллоҳга ихлос билан истиғфор айтган бандаларнинг ризқлари кутилмаган жойдан етказилиши билдирилмоқда. Бу эса чин қалбдан Аллоҳга истиғфор айтиш тақводорлик белгиси эканини англатади.

٤٢ - قَالَ جَعْفَرٌ: أَخْبَرَنِي أَبِي عَنْ حَدِيثِي أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِ بِنِعْمَةٍ فَلْيُحَمِّدْ اللَّهَ وَمَنْ اسْتَبْطَأَ الرِّزْقَ فَلْيَسْتَغْفِرِ اللَّهَ وَمَنْ حَزَبَهُ أَمْرٌ فَلْيَقُلْ: لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ.

42 – *Жаъфар айтади: Менга отам бобомдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини ривоят қилган: “Кимга Аллоҳ бир неъмат берса, бас, Аллоҳга ҳамд айтсин! Кимнинг ризқи кечикса, бас, Аллоҳга истиғфор айтсин! Кимнинг бошига бирон кулфат тушса, бас: “Лаа ҳавла ва лаа қуввата илаа биллаҳ” десин!” (Байҳақий “Шуъабул иймон”да ривоят қилган).*

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминларни дунё ҳаётига оид уч муҳим ишлардан хабардор қилмоқдалар. Банда бирон неъматга эришганда, ризқининг келиши кечикканда ва бирон мусибатга учраганда қандай йўл тутиш лозимлигини таълим бермоқдалар.

“Кимга Аллоҳ бир неъмат берса, бас, Аллоҳга ҳамд айтсин!”

Қайси бир банда Аллоҳнинг неъматига эришса, неъматни бергани учун Аллоҳга ҳамду сано айтсин. Шунда у неъматнинг ҳаққини адо қилган, куфрони неъматдан сақланган ва ўша неъматнинг кўпайиши ва давомли бўлишини таъминлайдиган ишни қилган бўлади.

Суҳайб ибн Синон розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Мўминнинг иши қизиқ. Унинг ҳар бир иши хайридир. Бу нарса фақат мўминга хосдир. Агар унга хурсандчилик етса, бунга шукр қилади. Бу унинг учун яхшидир. Агар унга бирон мусибат етса, унга сабр қилади. Бу ҳам унинг учун яхшидир” (*Имом Муслим ривояти*).

Ушбу ҳадисда мўминларни Аллоҳга ҳар доим ҳамд айтиб юришга ажойиб суратда тарғиб қилинмоқда: **“Кимга Аллоҳ бир неъмат берса, бас, Аллоҳга ҳамд айтсин!”** Бир ўйлаб кўрайлик, қайси бир банда Аллоҳнинг неъматига сазовор бўлмаган?! Қайси бир банда ҳар куни, ҳар соат, ҳар бир дақиқа ва сонияда Аллоҳнинг неъматларидан фойдаланмайди?!

Биз неъмат деганда, кўпроқ кўп миқдорда моддий бойлик, юқори мансаб ёки шу каби катта нарсаларни тушунадиган

бўлиб қолганмиз. Аслида бу ҳаётга келишу, имонга мушарраф бўлиш, ер, сув, ҳаво, бадан ва тўрт мучамиз бутлиги – ҳамма-ҳаммаси Аллоҳнинг неъматлари саналади. Ким буни инкор қила олади?! Демак, мўминлар берган неъматлари учун доимо Аллоҳ таолога ҳамд айтиши ва ўша неъматларни У Зот рози бўладиган тарзда ишлатиши лозим.

“Кимнинг ризқи кечикса, бас, Аллоҳга истиғфор айтсин!”

Қайси бир банданинг ризқида танглик пайдо бўлса, ризқининг келиши маълум сабабларга кўра кечикса, у банда Аллоҳ таолога ихлос билан кўп истиғфор айтсин. Шунда Аллоҳ уни машаққатлардан чиқариб, ўзи ўйламаган тарафдан ризқлантиради.

“Кимнинг бошига бирон қуфат тушса, бас: “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ” десин!”

Қайси бир банда мусибатга учраса, иши оғирлашса, машаққатлар гирдобига тушиб қолса, “лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ” калимасини кўп айтсин. Шунда Аллоҳ унга енгиллик беради.

Мазкур калима “Аллоҳдан ўзгада куч ва қувват йўқдир” маъносини англатади. Ушбу ҳадисга мувофиқ ушбу калиманинг маъносини қуйидагича ифодалаш мумкин: “Эй Аллоҳим, Сендан ўзга куч ва қувват эгаси йўқдир. Сен барча нарсага Қодирсан. Менинг бошимга тушган ғам-андуҳлар ва муаммоларни кетказиш, уларни даф қилишга ҳам Қодирсан. Эй Аллоҳим, мени қийинчиликлардан қутқар, нажот бер. Мен фақат Ўзингдангина мадад сўрайман!”

Ушбу калималар банданинг мусибатлари енгиллашишига сабаб эканини ҳаётий воқеа мисолида кўриб ўтамиз. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Авф ибн Молик ал-Ашжаъий келиб: “Эй Расулуллоҳ, душманлар ўғлимни асир олишди. Онаси эса ўзини қўярга жой тополмаяпти!” деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сен билан хотинингга “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни

кўп айтишларингни буюраман”, дедилар. У иккиси мазкур калималарни кўп айтишди. Натижада ўгли асирликдан қутулди. Устига-устак отасининг олдига бир тўда қўйларни ҳайдаб келди” (Ибн Мардавайҳ ривояти).

“Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни кўп айтиш

٤٣ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَلْبَسَهُ اللَّهُ نِعْمَةً فَلْيُكْتِرْ مِنَ الْحَمْدِ لِلَّهِ وَمَنْ كَثُرَتْ ذُنُوبُهُ فَلْيَسْتَغْفِرِ اللَّهَ وَمَنْ أَبْطَأَ رِزْقُهُ فَلْيُكْتِرْ مِنْ قَوْلِ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ.

43 – Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулумлоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Аллоҳ кимга бир неъмат берган бўлса, бас, Аллоҳга ҳамд айтишни кўпайтирсин! Кимнинг гуноҳлари кўпайиб кетса, Аллоҳга истиғфор айтсин! Кимнинг ризқи кечикса, бас, “лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни кўп айтсин!”** (Имом Табароний “Кабийр”да ривоят қилган).

Ушбу ҳадис ўзидан олдинги ривоятга ўхшаб кетади. Фақат буниси бошқача сийғада келтирилган.

“Аллоҳ кимга бир неъмат берган бўлса, бас, Аллоҳга ҳамд айтишни кўпайтирсин!”

Юқоридаги ҳадисда “кимга Аллоҳ бир неъмат берса, бас, Аллоҳга ҳамд айтсин!” дейилган бўлса, бунисида эса “ҳамд айтишни кўпайтирсин!” дейилмоқда. Демак, ҳамд айтишдан мурод, бирон неъматга эришгач, кўп бора Аллоҳга ҳамд, мақтов ва санолар айтиш экан.

“Кимнинг гуноҳлари кўпайиб кетса, Аллоҳга истиғфор айтсин!”

Чунки истиғфор айтиш гуноҳларнинг ювилишига сабаб бўлади.

Одатда, қалби пок инсон ожизлик қилиб, бирон гуноҳ иш қилса, ўзини ноқулай ҳис қила бошлайди. Сабаби унинг қалби

қорайган бўлади. Ривоятларнинг бирида истиғфор айтиш қалбни чароғон қилиши айтилган. Шу сабаб ҳам, гуноҳ қилган банда айбини тан олиб, Аллоҳга истиғфор айтади ва У Зотдан гуноҳларини кечиришини сўраб дуо қилади.

“Кимнинг ризқи кечикса, бас, “лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни кўп айтсин!”

Юқорида келган ҳадиси шарифда “кимнинг бошига бирон кулфат тушса, бас, “лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ” десин!” дейилган эди. Бу ривоятда банданинг ризқи кечикканда, унга мазкур калималарни кўп айтиш тавсия қилинмоқда. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, банда бирон мусибатга йўлиқиб, қийин аҳволга тушиб қолганда, хусусан қарздор бўлиб қолганида, ризқининг келиш муддати кечикиб, моддий ҳолати оғирлашганида, “лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ” калимасини кўп такрорласа, Аллоҳ унга нажот беради ҳамда уни турли хил қийинчилик ва ташвишлардан халос этади.

Бойлик ва кенг ризқ сўраб дуо қилиш

Бу ерда “бойлик” деганда ўзгаларга муҳтож ва қарам бўлиб қолмаслик назарда тутилади. “Кенг ризқ” эса фаровон ва осойишта ҳаётни англатади.

٤٤ – اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ عِلْمًا نَافِعًا وَرِزْقًا وَاسِعًا وَعَمَلًا مُتَقَبَّلًا.

44 – “Эй Аллоҳим, мен Сендан манфаат берадиган илм, кенг ризқ ва қабул қилинадиган амални сўрайман!” (Имом Аҳмад Умму Салама розийаллоҳу анҳодан ривоят қилган).

Одатда бомдод намозининг икки ракъат фарзидан сўнг Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу дуони ўқир эдилар. Унда ҳар бир мўмин учун муҳим бўлган қуйидаги нарсалар сўралади:

“Манфаат берадиган илм”. Бундай илм ўз соҳибига дунё ва охиратда мислсиз фойда беради. Уни хорлик ва залолатдан

олиб чиқиб, Аллоҳнинг розилигига муяссар этади. Манфаат берадиган илмларнинг энг аввалида, шубҳасиз, шаръий илмлар туради.

“**Кенг ризқ**” банданинг ризқи кенг ва баракали, умри фаровон ва осуда, касб-кори ҳалолдан бўлишидир.

“**Қабул қилинадиган амал**” риё, сумъа, кибр ва шу каби иллатларсиз бажариладиган амалдир. Бу ерда қалб поклиги, ният холислиги, ихлос ҳамда хушув сўралмоқда. Зеро, амалларнинг қабул қилинишида ушбу санаб ўтилган сифатлар ўта муҳимдир.

Дуонинг маъноси қуйидагича: эй Аллоҳим, мен Сендан дунё ва охиратда манфаат берадиган илм, дунёда кенг ризқ, мазмунли ҳаёт ва осуда умр, қолаверса, қалбимни риё, сумъа, ўз нафсидан ажабланиш каби разил иллатлардан поклаб, амалларим холис бўлиши ва даргоҳингда бенуқсон қабул қилишингни сўрайман!

٤٥ – اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْهُدَىٰ وَالتَّقَىٰ وَالْعَفَافَ وَالْغِنَىٰ.

45 – “Эй Аллоҳим, мен Сендан ҳидоят, тақво, иффат ва бойлик сўрайман!” (Имом Муслим, Термизий ва Ибн Можа Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилишиган).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ерда тўртта муҳим нарсани дуо қилиб сўрамоқдалар. Уларнинг жуда аҳамиятли эканидан у зот муттасил тарзда мазкур дуони ўқиб юрар эдилар.

“**Ҳидоят**” Аллоҳ таолонинг йўлида бардавом бўлишдир. Банда Аллоҳнинг ҳидоятига ноил бўлганидан кейин яна ҳидоят сўраши унинг ўша ҳидоятда давомий – собитқадам бўлиши, имондан бенасиб қолмаслиги, ҳидоят ва имоннинг зиёда бўлишини сўраши каби маъноларни англатади. Мўмин кишиларга қарата: “Имон келтиринглар!” деганда ҳам Аллоҳ таолога ҳақиқий имон келтиринглар ва имонларингизда собитқадам бўлинглар, деган маъно ирода қилинади.

“Тақво” Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалардан ўзини сақлаб юришдир. Бу хоҳ моддий, хоҳ маънавий нарса бўлишининг фарқи йўқ. Кўпчилик “тақво” деганда асосан ҳалол луқма ейишни тушунади. Тўғри, луқманинг ҳалол ва покиза бўлиши тақводорликнинг боши. Аммо бундан ташқари ғийбат-туҳмат, ёлғондан сақланиш, тилни беҳуда сўзлардан тийиш, кўзни номаҳрамлардан сақлаш ва шу каби нарсалар ҳам борки, буларнинг ҳаммаси тақво доирасига киради. Демак, тақво умумий ва кенг тушунча. Тақво сифатига эга бўлиш ҳам Аллоҳ таолонинг ёрдами ва тавфиқи билан бўлади. Шу сабаб Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз дуоларида тақвони сўрар эдилар.

“Иффат” сўзи тилимизда “қалб поклиги; ор-номус, ҳаё” каби маъноларни ифодалайди. Аммо аслида бу сўз арабча бўлиб, “ҳаром сўз ва амаллардан сақланиш; баъзи мубоҳ ишлардан тийилиш” мазмунига эга.

“Бойлик” сўзи аслиятда “гинаа” деб келтирилган бўлиб, у “бойлик, одамлардан беҳожат бўлиш, таъма қилмаслик; қалб бойлиги – қаноат” каби маъноларни англатади.

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз умматларига қай йўсинда дуо қилиш лозимлигини таълим бермоқдалар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуони аввал ҳидоят – имондан бошлаб, кейин тақвони сўрардилар. Демак, банда имонга мушарраф бўлганидан кейин ҳақиқий мўмин бўлиши учун тақво билан сифатланиши лозим. Шундан сўнг тақвонинг асоси бўлган ҳаром нарсалардан сақланишни сўрардилар. Дуоларининг охирида эса, қаноат, таъмадан узоқда бўлиш ва қолаверса бойлик сўрардилар. Биз мана шу муборақ дуодан андаза олиб, аввал имон ва тақво сўрашдан бошлаб, кейин дунёга хос нарсаларга ўтишимиз керак. Зеро, мўмин банда ўртача ҳолда бўлиши керак. У дини учун дунёсини, дунёси учун

динини тарк қилмайди. Аммо барибир охиратни дунёдан устун қўяди. Бу нарса унинг дуосида ҳам ўз аксини топади.

٤٦ – اللَّهُمَّ أَصْلِحْ لِي دِينِي وَوَسِّعْ عَلَيَّ فِي ذَاتِي وَبَارِكْ لِي فِي رِزْقِي.

46 – “Эй Аллоҳим, Ўзинг динимни ислоҳ қилгин! Ўзимда кенгликни пайдо қилгин ва ризқимга барака бергин!” (Имом Аҳмад Абу Мусо розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Ушбу ривоятда келтирилган дуода ҳам аввал охиратга тааллуқли нарса сўралиб, кейин дунёга тегишлисига ўтилмоқда.

Дуонинг маъноси: эй Аллоҳим, Ўзинг имонимни комил, қалбимни пок ва саломат қилгин. Амалларимни ихлос билан қилишимга тавфиқ бер. Баданим, нафсим ва хулқимда кенгликни пайдо қилгин. Ўзинг менга берган ризқни баракали қил!

Юқорида ҳадисларда ворид бўлган бойлик ва кенг ризқ сўраладиган дуолардан баъзиларини келтирдик. Қуйида эса ўзга кишилардан дуо сўраш ва аҳли фазлларнинг дуосини олиш яхши экани ҳақида бир ҳадиси шарифни келтирамыз.

٤٧ – وَعَنْ أُمِّ سَلِيمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَنَسُ خَادِمُكَ ادْعُ اللَّهَ لَهُ قَالَ: اللَّهُمَّ أَكْثِرْ مَالَهُ وَوَلَدَهُ وَبَارِكْ لَهُ فِيمَا أُعْطِيَتْهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

47 – Умму Сулайм розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у: “Эй Расулуллоҳ, Анас сизга хизмат қилмоқда, унинг ҳаққига дуо қилинг”, деганида, у зот: “Эй Аллоҳим, унинг моли ва болаларини кўпайтиргин ва Ўзинг ато этган (неъматларинг)да унга барака бергин!” дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Умму Сулайм (Саҳла) бинти Милҳон ибн Холид ал-Ансорийия розийаллоҳу анҳо машҳур саҳобия аёллардан, Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳунинг онасидир.

Онаси Анас ибн Моликни ёш пайтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига олиб бориб: “Эй Расулуллоҳ,

мана бу Анас, энди сизнинг хизматингизда бўлади. Унинг ҳаққига дуо қилинг”, деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг мол-дунёси ва фарзандлари кўп бўлиши ва берилган неъматларига барака ато этишини сўраб, Аллоҳга дуо қилганлар.

Имом Бухорийнинг “Ал-адабул муфрад” китобида Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Умму Сулайм Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Анас сизнинг кичик хизматчингиз, унинг ҳаққига дуо қилмайсизми?” деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Аллоҳим, унинг моли ва болаларини кўпайтиргин, умрини узун қилгин ва у(нинг гуноҳлари)ни мағфират этгин”, деб дуо қилганлар.

Натижада Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу беҳисоб бойлик ва фарзандларга эга бўлди. Саҳобалар ичида энг кўп фарзандли киши ҳам айнан Анас ибн Молик эди. Бу ҳақида Анас розийаллоҳу анҳунинг ўзи шундай ривоят қилади: “Аллоҳга қасамки, менинг бойлигим жуда кўпдир. Болаларим эса ўзларидан кўпайиб, ҳозирги кунда юз нафарга етишган” (Имом Муслим ривояти).

Муборак дуо шарофатидан Анас розийаллоҳу анҳунинг касб-корига ҳам барака бериб қўйилганди. Абул Олия Анас ҳақида шундай дейди: “Унинг бир боғи бўлиб, у йилига икки марта ҳосил берарди. У боғда бир райҳон бор эди. Ундан мушку анбарнинг ҳиди таралиб турарди” (Термизий ишончли ровийлардан ривоят қилган).

Баъзи уламолар, ҳаққига кўп фарзанд сўраб дуо қилиш узоқ умр берилишини сўраш маъносини англатади, дейишган. Ҳақиқатан ҳам, аксарият манбаларда Анас ибн Моликнинг 107 йил умр кўргани айтиб ўтилган.

Ушбу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилган дуонинг сўзсиз ижобат бўлиши, Анас розийаллоҳу анҳунинг у зот ҳузурларида қанчалик мақомга эга экани, қолаверса, шукрини адо этиб бой бўлиш камбағалликдан

афзаллиги маълум бўлмоқда. Зеро, бойлик фақат ёмонлик ва фитнадангина иборат бўлганида, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Анас розийаллоҳу анҳунинг ҳаққига мол-давлат сўраб дуо қилмаган бўлардилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Тақводор зотлардан ўзининг ёки яқин кишиларининг ҳаққига дуо қилишини сўраш яхши экани.
2. Анас розийаллоҳу анҳунинг фазилат соҳиби экани.
3. Агар имон бўлса ва шукрини адо этса, бойлик ва фарзандларнинг кўп бўлиши зарар қилмаслиги.
4. Бойлик сўраб дуо қилиш жоизлиги.
5. Бойлик сўраб дуо қилгач, барака ва хотиржамликни ҳам қўшиб сўрашни унутмаслик.
6. Фазилат соҳиби ва тақводор зотлар хизматида бўлиш кишига мартаба ва даража келтириши.

Ушбу бобга хулоса қиладиган бўлсак, бойлик сўраб дуо қилиш банд ҳолатининг яхши томонга ўзгариши ва моддий аҳволининг яхшиланишига сабаб бўлади. Бироқ бойлик билан бирга унинг шукрини адо этиш ва бахилликдан сақланишни ҳам сўрашимиз, бойлик фитнасига учрашдан паноҳ сўрашимиз лозим бўлади.

Камбағалликдан паноҳ сўраш

٤٨ — اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ النَّارِ وَمِنْ عَذَابِ النَّارِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْقَبْرِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْغِنَى وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْفَقْرِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ.

48 – “Эй Аллоҳим, мен Сендан жаҳаннам фитнаси ва азоби, қабр фитнаси ва азоби, бойлик фитнаси, камбағаллик фитнаси ҳамда масиҳ дажжол фитнасида паноҳ беришингни сўрайман!” (Имом Бухорий ривояти).

“Фитна” сўзи луғатда “синаш, имтиҳон қилиш; азоблаш; адашиш; васваса” каби маъноларни англатади.

“Жаҳаннам фитнаси” Аллоҳ ҳаром қилган ишларни содир этиб, дўзахда азобланишдир.

“Қабр фитнаси” қабрда бўладиган турли қийинчилик ва машаққатлардир.

“Бойлик фитнаси” бойликнинг инсонни ғурур, кибр, манманлик ва Аллоҳга итоатсизлик каби разил ишларга ундашидир.

“Камбағаллик фитнаси” қашшоқ ҳолатга тушиб, одамлар наздида хору зор бўлиш, ҳаммадан бирон нарса таъма қилиб, ўз ҳурматини оёқ ости қилиш ва қўли калталиқ сабабли турли хил ноқулай вазиятларга учрашдир.

“Масих дажжол фитнаси” қиёмат қоим бўлишидан олдин, дажжол ер юзига чиққанида, бандаларни алдаб, эътиқод-имонларидан қайтариши, уларни жаҳаннам сари чорлаши ва бошқа алдовларидир.

Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам доимий суратда жаҳаннам азоби, қабр азоби, бойлик ва камбағаллик фитнаси, шунингдек, масих дажжол фитнаси ва алдовларидан паноҳ сўраб дуо қилар эканлар.

٤٩ – اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ زَوَالِ نِعْمَتِكَ وَتَحَوُّلِ عَافِيَتِكَ وَفَجَاءَةِ نِقْمَتِكَ وَجَمِيعِ سَخَطِكَ.

49 – “Эй Аллоҳим, Сендан (берган) неъматинг завола топиши, офиятинг (нотинчликка) алмашиниши, тўсатдан келувчи азобинг ва барча ғазабингдан паноҳ беришингни сўрайман!” (Имом Муслим, Абу Довуд ва имом Табароний “Авсат”да Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Ушбу ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга ёмонликлардан қандай паноҳ сўраш кераклигини ўргатмоқдалар.

“Неъматинг завол топишидан...” Яъни, Ислом ва имон неъмат, менга берган бошқа кўплаб неъматларинг барҳам топиши ва улардан айрилишдан паноҳ сўрайман!

“Офиятинг алмашилишидан...” Яъни, соғлигим касаллик, тинчлигим нотинчлик, бойлигим камбағалликка алмашилишидан паноҳ сўрайман!

“Тўсатдан келувчи азобингдан...” Яъни, мен ожиз банданг гуноҳлар гирдобига тушиб қолиб, Сен томондан бирдан келувчи ғазабинг ва интиқомингга гирифтор бўлишдан паноҳ сўрайман!

“Ва барча азобингдан...” Яъни, Сенинг ғазабингни кўзгайдиган ишларни содир этиб, азобингга йўлиқишдан паноҳ сўрайман!

۵۰ – اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُوعِ فَإِنَّهُ بَسَّ الضَّجِيعَ وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ
الْحَيَانَةِ فَإِنَّهَا بَسَّتِ الْبَطَانَةَ.

50 – “Эй Аллоҳим, Ўзинг мени очликдан асрагин. Зеро, у ёмон ёстиқдошдир! Мени хиёнатдан асрагин. Зеро, у энг ёмон ботиний хислатдир” (Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Ушбу ҳадисда банданинг танаси ва қалбига тегишли икки хил иллатдан паноҳ сўраш таълим берилмоқда.

“Эй Аллоҳим, Ўзинг мени очликдан асрагин. Зеро, у ёмон ёстиқдошдир!”

Эй Аллоҳим, ибодатлар ва Ўзингга итоат этишимга тўсқинлик қиладиган, касаллик ёки ўлимга сабаб бўлувчи очликдан сақлагин. Зеро, у энг ёмон ҳамроҳдир!

Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, бирон нарсани ният қилмаган ҳолда оч юриш банданинг савоб қозонишига кифоя қилмайди. Балки бундай очлик унинг танасини заифлаштиради, мия фаолиятининг ёмонлашуви, унда қабих фикр-хаёлларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

“Мени хиёнатдан асрагин. Зеро, у энг ёмон ботиний хислатдир”.

Хиёнат омонатнинг аксидир. Омонатга хиёнат қилиш мунофиқлик аломатларидан биридир. Демак, хиёнат, алдов, ёлгон қалбга яширинган энг ёмон иллат бўлиб, бу нарса уни жаҳаннам сари судрайди. Ҳар бир банда қалбини ақл ойнасида текшириб, хиёнатдан заррача асорат кўрса, уни бартараф қилиш, қалбида яширинган хиёнат иллатини хулқни зийнатловчи омонат сифатига алмаштиришга ҳаракат қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, банда тугён ва кибрга олиб бормайдиган бойлик, фаровон ҳаёт сўраши билан бирга, ибодатига халақит берадиган, имоний ва сиҳҳий аҳволига салбий таъсир кўрсатадиган, ўзини эса хорлик ва таъмагирликка олиб борадиган камбағалликдан, ўта қашшоқликдан ҳам паноҳ сўраши керак.

Ҳар кечада Воқеа сурасини ўқиш

۵۱ – قَالَ الْحَافِظُ ابْنُ عَسَاكِرَ فِي تَرْجَمَةِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ: مَرَضَ عَبْدُ اللَّهِ مَرَضَهُ الَّذِي تُوفِّيَ فِيهِ فَعَادَهُ عَثْمَانُ بْنُ عَفَّانٍ فَقَالَ: مَا تَشْتَكِي ، قَالَ: ذُنُوبِي ، قَالَ: فَمَا تَشْتَهِي ، قَالَ: رَحْمَةَ رَبِّي ، قَالَ: أَلَا أَمُرُكَ بِطَيْبٍ ، قَالَ: الطَّيِّبُ أَمْرَضَنِي ، قَالَ: أَلَا أَمُرُكَ بِعَطَاءٍ ، قَالَ: لَا حَاجَةَ لِي فِيهِ. قَالَ: يَكُونُ لِبَنَاتِكَ مِنْ بَعْدِكَ ، قَالَ: أَتَخَشَى عَلَيَّ بَنَاتِي الْفَقْرَ ، إِنِّي أَمَرْتُ بَنَاتِي يَقْرَأْنَ كُلَّ لَيْلَةٍ سُورَةَ الْوَاقِعَةِ ، إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَنْ قَرَأَ سُورَةَ الْوَاقِعَةِ كُلَّ لَيْلَةٍ لَمْ تُصِبْهُ فَاقَةٌ أَبَدًا.

51 – Ҳофиз ибн Асокир Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳақида шундай ривоят қилади: “Абдуллоҳ ибн Маъсуд вафот этиши арафасида бетоб бўлиб қолди. Усмон ибн Аффон унинг зиёратига келиб: “Нимадан шикоятинг бор?” деб сўради. Ибн Маъсуд: “Гуноҳларимдан”, деди. Усмон ибн

Аффон: “Нимани хоҳлайсан?” деб сўради. **Ибн Маъсуд:** “Раббимнинг раҳматини”, деди. **Усмон ибн Аффон:** “Сенга табиб буюрайми?” деди. **Ибн Маъсуд:** “Табиб (яъни, Аллоҳ) мени бетоб қилди”, деб жавоб қилди. **Усмон ибн Аффон:** “У ҳолда сенга ҳадя буюртирайми?” деб сўради. “Унга ҳожатим йўқ”, деди **Ибн Маъсуд**. **Усмон ибн Аффон:** “Сенда ҳожат бўлмаса, сендан кейин қизларингга қолади”, деди. **Ибн Маъсуд** бунга жавобан: “Қизларимнинг камбағал бўлиб қолишларидан кўрқаяпсанми? Мен уларга ҳар кечада Воқеа сурасини ўқишни буюрганман. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Кимки ҳар кечада Воқеа сурасини ўқиса, зинҳор қашшоқликка учрамайди”, деганларини эшитганман”, деб жавоб берди”.

Машҳур саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу вафот этиш арафасида касалликка чалинган эди. Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳу унинг зиёратига келиб, ҳол-аҳвол сўрагач, Абдуллоҳга қараб: “Нимадан шикоятинг бор?” Яъни, сени нима безовта қилапти, нимадан хавотирдасан, деб сўради. **Ибн Масъуд** унга гуноҳларидан кўрқиб турганини маълум қилди. Бу эса, Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳунинг ўта тақводор, имонда пешқадам кишилардан бўлганини англатади. Айни пайтда у гуноҳлари туфайли Аллоҳнинг азобига гирифтор бўлишдан кўрқаётганини билдирди. Аксарият ҳолларда бемордан нима шикоятингиз бор, деб сўралса, у ерим оғрияпти, бу ерим оғрияпти, бу нарсани егим келяпти, у нарсани егим келяпти, деб кўп нарсаларни талаб қилади. Аммо Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу дунёдан охиратни афзал кўрган ҳолда гуноҳларидан шикояти борлигини маълум қилди.

Шикояти фақат гуноҳларидан эканини билган Усмон розийаллоҳу анҳу ундан: “**Нимани хоҳлайсан?**” деб сўради. **Ибн Масъуд**нинг беморлигини ҳисобга олиб, унинг нима хоҳлашини, нафси нимани истаётганини сўраган эди,

Абдуллоҳ: **“Раббимнинг раҳматини”**, деб жавоб берди. Яъни, Раббим Аллоҳнинг раҳматини, У Зот гуноҳларимни кечириб, жаннатига киритишини хоҳлайман.

Бундан маълум бўладики, Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ўлими арафасида хавф ва ражо орасида бўлган – Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиб, азобидан хавфда бўлган.

Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳу: “Сенга табиб буюрайми?” деб сўраганида, Абдуллоҳ буни инкор қилиб, уни Аллоҳ таоло имтиҳон қилаётгани ва бунга чиройли сабр қилишини айтди.

Ҳамма таклифларини рад қилгач, Усмон розийаллоҳу анҳу Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳуга: **“У ҳолда сенга ҳадя буюртирайми?”** Яъни, сенга совға олиб келишларини амр қилайми, деганида ҳам у: **“Унга ҳожатим йўқ”**, деди. Усмон ибн Аффон Абдуллоҳга, сенинг ҳожатинг бўлмаса ҳам, мен берган ҳадя ва совғалар қизларингга мулк бўлиб қолади, деганида, Абдуллоҳ ибн Масъуд: **“Қизларимнинг камбағал бўлиб қолишларидан қўрқаяпсанми? Мен уларга ҳар кечада Воқеа сурасини ўқишни буюрганман. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Кимки ҳар кечада Воқеа сурасини ўқиса, зинҳор қашшоқликка учрамайди”, деганларини эшитганман”,** деб жавоб берди.

Демак, ҳар кечада Воқеа сурасини бошидан охиригача ихлос ва тадаббур билан ўқиш кишини турли хил машаққат, хусусан, қашшоқликдан сақланиши ва ризқи кенгайишига сабаб бўлар экан.

۵۲ – وَعَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ قَرَأَ سُورَةَ الْوَاقِعَةِ فِي كُلِّ لَيْلَةٍ لَمْ تُصِبْهُ فَاقَةٌ أَبَدًا. رَوَاهُ أَبُو يَعْلَى وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ وَزَادَ فِي رَوَايَتِهِ: وَكَانَ ابْنُ مَسْعُودٍ يَأْمُرُ بِنَاتِهِ يَقْرَأَنَّ بِهَا كُلَّ لَيْلَةٍ.

52 – *Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Кимки ҳар кечада Воқеа*

сурасини ўқиса, зинҳор камбағалликка дучор бўлмайди” (Абу Яъло ва Байҳақий “Шуъабул иймон”да ривоят қилган. Байҳақий ривоятида: “Ибн Масъуд ҳар кеча қизларини Каҳф сурасини ўқишига буюрар эди” жумласини зиёда қилган).

Воқеа сураси кенг ризққа сабаб бўлиши ҳақида бундан бошқа ривоятлар ҳам бор. Жумладан, Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Воқеа сураси бойлик (келтирувчи) сурадир. У (сура)ни ўқинглар ва фарзандларингизга ўргатинглар” (Ибн Мардавайҳ ривояти).

Яна Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аёлларингизга Воқеа сурасини ўргатинглар. Зеро, у бойлик (келтирувчи) сурадир” (Дайламий ривояти).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар кечада Воқеа сурасини ўқиш Аллоҳнинг изни билан банда ҳаётига фаровонлик олиб келади ва ризқи кенг бўлишига омил бўлади.

Ризқ талабида жидду жаҳд қилиш

Аллоҳ таоло айтади:

“У (Аллоҳ) сизлар учун Ерни хокисор – бўйсунувчи қилиб қўйган Зотдир. Бас, сизлар у (Ер)нинг ҳар томонида юринглар ва У (Аллоҳ)нинг ризқ-рўзидан енглар! Ёлғиз Унинг ҳузурига қайтиш бордир” (Мулк, 15).

Аллоҳ таоло бандалар учун Ерни бўйсундириб, уни хокисор ва сокин қилди. Қаттиқ силкиниб устидаги махлуқотларни ҳалок қилмаслиги учун тоғлар билан мустаҳкамлаб қўйди. Ердан сув чиқариб, анҳор, дарё ва денгизларни оқизди. Махлуқотлари фойдаланиши, бандалари зироат ва чорвачиликда манфаат олишлари учун шундай қилинди. Шунингдек, Аллоҳ Ерда турли йўллари пайдо қилди. Бас, эй инсонлар, Ернинг турли жойларида юринглар, ризқ талабида ҳаракат қилинглар! Унутмангларки, қиёмат кунида дунёда

қилиб ўтган ҳар бир амалингиз ҳақида ҳисоб бериш учун Аллоҳнинг даргоҳига қайтасизлар.

Аллоҳ таолонинг Ерни бўйсундириб қўйганини яна кўйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. У Зот Ерни тошдек қаттиқ қилиб қўймади, балки юриш осон бўлиши учун юмшоқ қилди. Бандалар ерни кавлаб, экин экишлари, бино қуришлари учун майин қилди. Агар ер тош, олтин ёки темир каби бўлганида, ёз фаслида жуда иссиқ, қишда эса ҳаддан ташқари совуқ бўлар эди. Шунингдек, Ер ўликларни ўз бағрига олиб, атроф-муҳитни мусаффо ҳолида сақлайди ва кўплаб касалликлар тарқалишининг олдини олади. Мана шу нарсаларнинг барчаси Ернинг инсон учун бўйсундириб қўйилганини англатади.

Ушбу оятда бандаларни ризқ талабида ҳаракат қилиш, ҳаёт учун, уни обод қилиш учун интилишга тарғиб қилиниб, дангасалик ва ишёқмасликдан қайтарилмоқда.

Аллоҳ таоло ҳар бир жонзотнинг ризқини азалда тақдир қилиб белгилаб қўйгани кўп бора айтилди. Махлуқотлар ўша ризққа эришиш учун лозим бўлган сабабларни ишга солишлари, ризқ талабида ҳаракат қилишлари керак бўлади. Бироқ ризқ топишда ёлғиз ҳаракатнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунда таваккул ҳам шартдир. Ризқ топиш учун ҳаракат қилиш ва таваккулни бир-бирига мувофиқ нарса деб билиш лозим. Зеро, таваккул қалб иши, ҳаракат эса аъзоларнинг ишидир. Ризқ топишда, аввал Аллоҳга таваккул қилинади. Яъни, ризқ Аллоҳдан эканига тўлиқ имон келтириб, У Зотнинг ёрдами ва мададига суянган ҳолда, ишларни енгил қилишини сўраб дуо қилинади. Сўнгра ризқ талаб қилишга ўтилади. Бу иккиси асло бир-бирига зид эмас. Бири иккинчисисиз мукамал бўлмайди. Фақат таваккул қилсаю, интилиш бўлмаса, банда текинхўрга айланиб қолади. Оқибатда қашшоқлашиб, одамлар олдидаги обрў-эътиборидан ҳам айрилади. Аксинча, таваккул қилмасаю, фақат ҳаракат қилишнинг ўзи билан чекланса, ризқ

топиш фақат ўзимга боғлиқ, ўзимни ўзим боқаман, мана шу касбим орқасидан кун кўраман, деган нотўғри фикрга борса, киши ширк иллоти томон қадам ташлаган бўлади. Демак, ризқ топишда таваккул ва ҳаракатни жамлаган ҳолда иш юритиш ҳақиқий мўминнинг сифатидир.

۵۳ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْعَبْدَ الْمُؤْمِنَ الْمُحْتَرِفَ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَابْنُ عَدِيٍّ وَالْحَكِيمُ التِّرْمِذِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ.

53 – *Ибн Умар розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Албатта, Аллоҳ касб-кор қилувчи мўмин бандани яхши кўради” (Имом Табароний, Ибн Адий, Ҳақим Термизий ва Байҳақий “Шуъабул иймон”да ривоят қилган).*

Банда Аллоҳ таолонинг муҳаббатига лойиқ бўлиши учун, авваламбор унда имон бўлиши керак. Имон барча яхшиликларнинг бошидир. Имон бўлмасаю, бошқа “фазилат”лари бўлса, фойдаси йўқ. Ушбу ҳадисда айтилаётганидек, Аллоҳ таоло ўзига ҳақиқий имон келтирган ва ризқ талабида ҳаракат қилувчи, ҳалол касб-кор билан шуғулланувчи, бировга оғирлиги тушмайдиган, ўзгаларга қарам ва боқиманда бўлиб қолмайдиган бандасини яхши кўрар экан. Бас, биз ҳам ушбу икки фазилат билан сифатланиб, Аллоҳ яхши кўрган бандалар қаторидан жой олайлик!

۵۴ – وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: التَّاجِرُ الْجَبَّانُ مَحْرُومٌ وَالتَّاجِرُ الْحَسُورُ مَرْزُوقٌ. رَوَاهُ الْقُضَاعِيُّ فِي مُسْنَدِ الشَّهَابِ.

54 – *Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Дангаса тижоратчи маҳрум, шижоатли тижоратчи эса ризқланувчидир” (Қузобий “Муснадуш шиҳоб”да ривоят қилган).*

Ҳадисдаги “маҳрум бўлиш” ризқдан бутунлай ажраб қолишни англамайди. Зеро, ҳар бир банда ўз имконияти ва лаёқати даражасида иш тутлади.

Банданинг ризқ талаб қилишидаги ҳолати – ҳаракатчанлиги ёки дангасалиги унинг ризқи кенг ёки тор бўлишига таъсир қилади. Ҳадисда таъкиланганидек, иш ёқмас ва дангаса тижоратчи ризқнинг баракали бўлиши ва кенг ризқдан маҳрум бўлади. У лаёқатсизлиги туфайли ўзига келиши мумкин бўлган кўплаб даромадлардан қуруқ қолади. Ҳаракатчан, удабурон ва изланувчан тижоратчи эса, аввало нияти ва қалбини соф қилиб, яхшилик касб қилиш учун ҳаракат қилади. Ишларини пухта, мукамал ва маромига етказиб, ўз вақтида, кўпроқ манфаат берадиган пайтда амалга оширади. Ўша ишининг орқасидан кенг ризққа эга бўлади. Ҳаракатчан бандани Аллоҳ яхши кўради. Унга Ўзи хоҳлаган тарзда кенг, баракали ризқ ва фаровон ҳаёт ато қилади.

Шу нарсани эслатиб ўтиш лозимки, бу ҳадисда бутун ҳаётини тирикчилик йўлида ўтказиш ёки дунёга ташна бўлишга эмас, балки ризқ талабида ҳалол йўллар билан ҳаракат қилиш, ўз ишига пишиқ бўлишга тарғиб қилинмоқда, тирикчилик ва касб-корни ташлаб қўйиб, ўзгаларга ортиқча “юк” бўлишдан қайтарилмоқда.

Ашуро кунини аҳли-оиласига кенглик қилиш

۵۵ – عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ وَسَّعَ عَلَى عِيَالِهِ فِي يَوْمِ عَاشُورَاءَ وَسَّعَ اللَّهُ عَلَيْهِ فِي سَنَتِهِ كُلِّهَا. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْأَوْسَطِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ.

55 – *Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Кимки Ашуро кунини оиласига кенглик қилса, Аллоҳ йил бўйи унга кенглик қилади” (Табароний “Кабийр” ва “Авсат”да, Байҳақий “Шуъабул иймон”да ривоят қилган).*

Имом Табароний “Кабир”да Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки Ашуро куни аҳлига кенглик қилса, йил бўйи кенглик (фаровонлик) ичида бўлади”, деб айтганлар.

“Ашуро” сўзи луғатда “муҳаррам ойининг ўнинчи куни” маъносини англатади. Мазкур кун бир қанча сабабларга кўра фазилатли саналади. Уларнинг энг муҳими ушбу кунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни Фиръавн ва лашкарларининг зулм ва адоватидан халос қилганидир.

Жоҳилият даврида Қурайш мушриклари Ашуро куни рўзасини тутар эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ушбу кун рўзасини тутиб келганлар. Мадинага келганларида бир йил тутганларидан кейин Рамазон рўзаси фарз бўлгач, ўз умматларига ушбу кун рўзасини тутиш ихтиёрий эканини маълум қилдилар. Шу зайл Ашуро кунининг рўзаси суннат бўлиб қолган.

Амалда Ашуро кунининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўза тутилади. Сабаби Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида яҳудийлар ҳам бу кунда рўза тутишлари маълум бўлди. Табиийки, у зот аҳли китобларга тескари йўл тутардилар. Шу сабаб: “Келаси йил тўққизинчи куни ҳам рўза тутамиз”, дедилар. Аммо келаси йил келмай туриб, у зот Аллоҳнинг даргоҳига риҳлат қилдилар. Шундай бўлса-да, у зотнинг сўзлари мусулмонлар учун одат бўлиб қолган.

Саҳиҳ ҳадисларда Ашуро кунининг рўзаси ўзидан аввалги йилнинг гуноҳларига каффорат бўлиши айтилган. Бу ҳам ушбу куннинг нечоғли фазилатли эканига далолат қилади.

Биз ўрганаётган ривоятда айтилишича, Ашуро куни аҳли-аёли ва қўл остидагиларга ейиш, ичиш, кийим-кечак ва шу каби нарсаларда кенглик қилиш йил бўйи банданинг кенглик ва фаровонликка эришишига сабаб бўлар экан. Бундан келиб чиқадики, мўмин-мусулмонлар Ашуро кунининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўза тутишлари, ўнинчи куни оила

бошлиги ота-она ва фарзандларига ёки бирон жамоатнинг раҳбари, масъул кишилар қўл остидагиларга сахийлик кўрсатишлари яхшидир. Бу нарса мўминлар ўртасидаги алоқаларнинг яхшиланиши, меҳр-муҳаббат ришталари боғланиши ва яхшилик қилаётган кишининг ризқи ва касб-корига барака киришига омил бўлиб хизмат қилади.

Таомдан олдин ва кейин қўлни ювиш

۵۶ – عَنْ مُوسَى بْنِ جَعْفَرٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْوُضُوءُ قَبْلَ الطَّعَامِ يَنْفِي الْفَقْرَ وَبَعْدَهُ يَنْفِي اللَّمَمَ وَيَصِحُّ الْبَصَرُ. رَوَاهُ الْقُضَاعِيُّ فِي مُسْنَدِ الشُّهَابِ.

56 – Мусо ибн Жаъфар⁸ отасидан, отаси бобосидан ривоят қилади: **Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Таомдан олдин (қўлни) ювиш камбағалликни кетказди. (Таомдан) сўнг (қўлни ювиш) эса кичик гуноҳларни кетказди ва кўзни тузатади”** (Кузовий “Муснадуш шиҳоб” да ривоят қилган).

Ҳадисдаги “кичик гуноҳлар” деб ифодаланган бирикма арабий матнда “ламам” деб келтирилган. Бу сўзнинг бундан ташқари “телбалик, мажнунлик” маънолари ҳам бор. “Ламам” сўзидан кейин “кўзни тузатади” дейилишига қараганда, у “мажнунликнинг олдини олиб, кўзни равшан қилади” маъносини ҳам англатиши эҳтимолдан холи эмас. Лекин поклик, таҳорат гуноҳларга каффорат бўлиши ҳақида ворид бўлган ҳадислардан қиёс қилиниб, биз бу ерда “ламам”ни “кичик гуноҳлар” деб таржима қилдик. Балки бу ерда “ламам” сўзи орқали иккала маъно ҳам ирода қилингандир.

⁸ Мусо ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Али ибн Хусайн ибн Али ибн Абу Толиб Абу Ҳасан ал-Қуроший катта табаа тобеъинлардан. Ҳижрий 128 йилда Мадинада туғилган. Ишончли ҳадис ровийси. Термизий ва Ибн Можалар ундан ҳадис ривоят қилишган. Мусо ибн Жаъфар раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 183 йилда Бағдодда вафот этган.

Ислом дини поклик асосига қурилгани боис ҳам моддий, ҳам руҳий пок бўлиш имон комилигини билдиради. Бундай бандаларга Аллоҳ ризқ ва насибани кенг қилиб қўяди. Жумладан, таом ейишдан аввал икки қўлни яхшилаб ювиш ва тозалikka амал қилиш фақирликнинг давосидир. Шу нарсага доимо амал қилиб юрилса, камбағалликдан саломат бўлади. Бу эса ризқи кенг, ҳаёти фаровон ва файзли бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари, таомдан кейин қўлни ювиш кичик гуноҳларга каффорат (ёки кишини руҳий хасталикка чалинишдан асрайди) бўлишдан ташқари кўзни равшан қилади. Чунки овқатланишдан сўнг қўлга юққан ёғ, шира ва шунга ўхшаш нарсаларни ювиш соғлиқ учун фойдалидир.

٥٧ – وَعَنْ سَلْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَرَأْتُ فِي التَّوْرَةِ أَنَّ بَرَكََةَ الطَّعَامِ الْوُضُوءُ قَبْلَهُ فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: بَرَكََةُ الطَّعَامِ الْوُضُوءُ قَبْلَهُ وَالْوُضُوءُ بَعْدَهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

57 – *Салмон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади:* **“Мен Тавротда таомнинг баракаси ундан олдин қўлни ювишда эканини ўқидим ва буни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтган эдим, у зот: “Таомнинг баракаси ундан олдин ва кейин қўлни ювишдадир”, дедилар”** (Абу Довуд ривояти).

Таомнинг баракаси ҳам моддий, ҳам маънавий омилларга боғлиқдир. Масалан, таомдан олдин қўлларни ювиш моддий сабаб бўлса, “бисмиллоҳ”ни айтиб таом ейиш маънавий сабабдир.

Салмон Форсий розийаллоҳу анҳу Тавротда таомнинг баракаси ундан олдин, яъни овқат ейишдан олдин қўлларни ювишдадир, деб ўқиган экан. Вақти келиб буни Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтганида, у зот бу одат шариатимизда мавжудлигини билдирганлар. Демак, таом ейишдан олдин ва кейин покликка риоя қилиб, икки қўлни

ювиш, энг аввало соғлиққа, қолаверса, хайр-барака ва кўплаб яхшиликлар келишига сабаб бўлар экан.

Шу ўринда кўпчиликка фойдали бир жиҳатни эслатиб ўтишимиз керак. Юқорида Аллоҳ таолога тақво қилиш, намоз ўқиш ва шу каби солиҳ амаллар банда ризқининг баракали бўлишини таъминлаши айтиб ўтилди. Бу ана шу амаллардан дунёда етадиган манфаатдир. Аммо мўмин банда бу амалларни фақат мана шу манфаатни деб эмас, балки Аллоҳ розилигини қозониш ва У Зот буюргани учун адо қилади. Агар шу орқали бойлигим кўпайиб, ишларим юришади, деган ниятда бўлса, ваъда қилинган нарсага эришар, бироқ савобдан айрилиб қолиш хавфи бор. Шу сабаб ҳар қандай солиҳ амални фақат ва фақат Аллоҳ розилигини истаб адо этилганда, дунёда ҳалол-пок ризқ ва осуда-фаровон ҳаётга эришилади ҳамда охиратда жаннатни қўлга киритилади!

РИЗҚ ТОРАЙИШИГА САБАБ БЎЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Аллоҳга маъсият қилиш

۵۸ – عَنْ تَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الرَّجُلَ لَيُحْرَمُ الرِّزْقَ بِالدَّنْبِ يُصِيبُهُ وَلَا يَرُدُّ الْقَدَرَ إِلَّا الدُّعَاءُ وَلَا يَزِيدُ فِي الْعُمُرِ إِلَّا الْبِرُّ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَأَبْنُ حِبَّانَ فِي صَحِيحِهِ.

58 – Савбон розийаллоҳу анху ривоят қилади: Расулумлоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Банда гуноҳлари туфайли ўзига келаётган ризқдан, албатта маҳрум бўлади. Қадарни фақатгина дуо қайтаради. Умрни фақат яхшиликлар узайтиради” (Имом Аҳмад, имом Табароний “Кабийр”да ва Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган).

Ушбу ҳадис юқорида шарҳ қилинган бўлса-да, аммо бу ўринда мазкур ривоят гуноҳлар банда ризқининг камайиши ва унинг бебарака бўлишига сабаб эканига далил қилиб келтирилмақда. Эслатиб ўтамизки, бу ҳадисдаги “банда”дан мурод “мўмин банда”дир. Чунки кофир ва мушрикларнинг гуноҳлари ризқи кўпайиб, камайишига таъсир қилмайди. Чунки уларга бу дунёда жамики имкониятлар эшиги очиб қўйилган. Мўмин эса қилган гуноҳига каффорат бўлиши учун бирон мусибатга учрайди.

Зино

٥٩ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الزَّيْنَى يُورَثُ الْفَقْرَ. رَوَاهُ الْقُضَاعِيُّ فِي مُسْنَدِ الشَّهَابِ.

59 – Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “**Зино камбағалликка сабаб бўлади**” (Қузовий “Муснадуш шиҳоб”да ривоят қилган).

Зино энг ёмон фақш ишлардан биридир. Табиийки, унинг зарари ҳам жуда катта. Аввало, зино киши соғлиги, жисмоний ва руҳий ҳолатига салбий таъсир қилади. Демак, зино ва унга олиб борувчи ишлар ризқ-насибанинг камайиши, бунинг акси ўлароқ зинодан тийилиш ва номаҳрамларга қарашдан сақланиш унинг баракали бўлишига сабаб бўлади.

Ёлғон сўзлаш

٦٠ – رَوَى أَبُو الشَّيْخِ ابْنُ حِبَّانَ فِي الطَّبَقَاتِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ رَفَعَهُ: الْكَذِبُ يَنْقُصُ الرِّزْقَ.

60 – Абу шайх Ибн Ҳиббон “Табақот”да Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан марфуъ тарзда ривоят қилади: “**Ёлғон (сўз) ризқни камайтиради**”.

Ёлғон сўзлаш тил офатларининг энг каттасидир. Ёлғончилик мўминга мутлақо ёт нарса, балки мунофиқнинг

сифати саналади. Ёлгон сўзлаш, каззоблик банданинг охиратини барбод қилувчи иллатдир. Саҳиҳ ҳадислардан бирида “албатта банда ёлгон гапиришдан тийилмаса, (охир-оқибат) “каззоб” деб ёзиб қўйилади”, дейилган.

Банда ўзидан-ўзи ёлгон гапирмайди. Бунинг бир сабаби бор. Аксарият ҳолатда ўзига фойдани келтириш, зарарни кетказиш ёки ундан осонгина қутулишни ўйлагани учун тили ёлгонга айланади. Зоҳиран олиб қараганда, банда ёлгон туфайли мақсадига эришар, аслида у охиратини куйдириб, дунёда эса ризқидан баракани учиради. Зеро, ёлгончилик хиёнатдир. Хиёнат эса камбағалликни жалб қилади.

Ҳаётда ёлгончилик билан ишини битириб, ошиғи “олчи” бўлиб юрган одамларни учратамиз. Улар бой-бадавлат, фаровон ва мазмунли ҳаёт кечираётгандек кўринса-да, аслида эса ҳаётларида барака йўқ, ҳеч қачон бири икки бўлмайди. Уларнинг ҳоли ҳавас қиларли даражада эмас. Зеро, ёлгоннинг умри қисқадир.

Ҳақиқий мўмин Аллоҳ таоло розилиги учун рост сўзлаб, ёлгондан буткул тийилиши лозим. Шунда у дунёю охиратда катта ютуқ эгаси бўлади.

Кибр, ғурур ва куфрони неъмат

Қуйида Қуръони каримдаги қиссалардан учтасини келтирамиз. Қиссада бойлик ва беҳисоб неъматлар эгаси бўла туриб, кибр-ҳаво қилиш ва бойлиги билан мағрурланиш қандай оқибатларга олиб келиши таъсирли услубда баён қилинган.

Аллоҳ таоло айтади: **“Албатта, Қорун ўзи Мусо қавмидан эди. Бас, у (қавмдошларига) кибру ҳаво қилди. Биз унга хазина-дафиналардан калитлари (ни кўтариб юришнинг ўзи) куч-қувват эгалари бўлган бир жамоага ҳам оғирлик қиладиган нарсаларни ато этган эдик. Ўшанда қавмдошлари унга: “Ховлиқмагин. Чунки Аллоҳ ховлиқма**

кимсаларни суймас. Ва Аллоҳ сенга ато этган мол-давлат билан (аввало) охират диёри(нинг ободлиги)ни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам инфоқ-эҳсон қил. Ерма бузғунчилик қилишга уринма. Чунки Аллоҳ бузғунчи кишиларни суймас”, деганларида, у: “Менга (бор молу давлатим) фақат ўзимдаги билим туфайли ато этилгандир”, деди. Ахир у ўзидан аввалги асрлар-авлодлардан, ундан кўра қувватлироқ ва жамғармаси кўпроқ (қанчадан-қанча) кимсаларни Аллоҳ ҳалок қилганини билмадими?! У жиноятчи кимсалардан гуноҳлари ҳақида сўралмас ҳам! Сўнг қавми олдига ясан-тусан қилиб чиққан эди, ҳаёти дунёни истайдиган кимсалар: “Эҳ қани эди, бизлар учун ҳам Қорунга ато этилган молу дунё бўлса?! Дарҳақиқат, у улуғ насиба эгасидир!” дедилар. Илм-маърифат ато этилган кишилар эса: “Ўлим бўлсин сизларга! Имон келтирган ва яхши амаллар қилган кишилар учун Аллоҳ берадиган ажр-савоб яхшироқ-ку! Унга фақат сабр-қаноатли кишиларгина эришулар”, дедилар. Бас, Биз Қорунни ҳам, унинг ҳовли-жойини ҳам Ерма юттирдик. Сўнг унинг учун Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган бирон жамоат бўлмади ва унинг ўзи ҳам ғолиблардан бўлмади. Ва куни кеча унинг мартабасини орзу қилиб турган кимсалар: “Вожаб! Аллоҳ бандаларидан ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилиб, (Ўзи хоҳлаган бандаларнинг ризқини) танг қилиб берар экан-да?! Агар Аллоҳ бизларга марҳамат қилмаганида, бизларни ҳам (Ерма) юттирган бўлар эди. Вожаб! Кофир бўлган кимсалар нажот топмас экан-да!” деб қолдилар” (Қасас, 76-82).

Ушбу оятларда Аллоҳ таоло бойлик билан ғурурга кетиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳамда мўминларга зулм қилган Қурайш қабиласининг киборлари диққатини мол-дунё ва бойликнинг ўткинчи, Аллоҳ даргоҳида заррача

қиймати йўқ экани, соҳиби имонсиз бўлса, мол-дунё унинг зиёнига ишлашига мисол қилиб Қорун қиссасини келтирмоқда.

“Албатта Қорун ўзи Мусо қавмидан эди. Бас, у (қавмдошларига) кибру ҳаво қилди. Биз унга хазинадафиналардан калитлари(ни кўтариб юришнинг ўзи) куч-қувват эгалари бўлган бир жамоага ҳам оғирлик қиладиган нарсаларни ато этган эдик. Ўшанда қавмдошлари унга: “Ховлиқмагин. Чунки Аллоҳ ховлиқма кимсаларни суймас”, (дедилар)”.

Қорун бани Исроил қавмидан эди (баъзи муфассирларнинг айтишича, у Мусо алайҳиссалом қариндоши бўлган). Аллоҳ унга жуда кўп миқдорда бойлик берган. Хазинасининг калитлари оғирлигидан ҳатто бир гуруҳ куч-қувватга тўлган кишилар ҳам кўтаришга ожизлик қилар экан. Қорун Парвардигорига шукр қилиш ўрнига туғёнга ботиб, кибру ҳаво қилди ва бойлиги билан ғурурга кетди. Шунда қавми унга сен ўзингдаги неъмат ва бойлик билан хурсанд бўлма, такаббурлик қилма! Чунки Аллоҳ берган неъматларига шукр қилмайдиган, охиратни унутган мутакаббир ва шошқалоқ кишиларни яхши кўрмайди, дея насиҳат қилишди.

Улар насиҳатларида давом этиб яна шундай дедилар: **“Ва Аллоҳ сенга ато этган мол-давлат билан (аввало) охират диёри(нинг ободлиги)ни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам инфоқ-эҳсон қил. Ерда бузғунчилик қилишга уринма. Чунки Аллоҳ бузғунчи кишиларни суймас”.**

Яъни, Аллоҳ сенга берган беҳисоб бойлик ва неъматларни охиратнинг ободлиги йўлида сарфла. У Зотнинг тоати йўлида бойлигиндан унумли фойдалан. Шу билан бирга, дунёдаги насибангни, ейиш, ичиш, кийиш ва шу кабиларни ҳам унутиб қўйма. Зеро, Аллоҳнинг сенда ҳаққи бор. Нафсингнинг ҳам сенда ҳаққи бор. Ҳар бир ҳақдорнинг ҳаққини адо этгин. Аллоҳ сенга мол-дунё бериб яхшилик қилган. Сен ҳам Аллоҳнинг

бандаларига инфоқ-эхсон қилиш билан яхшилик қилгин. Аммо, ният ва мақсадинг Ер юзида бузғунчилик қилиш, Аллоҳнинг махлуқотларига зарар етказиш бўлмасин. Зеро, Аллоҳ бузғунчи кимсаларни яхши кўрмайди!

Қорун қавмининг насиҳатига қулоқ солмай, насиҳатларига муҳтож эмаслигини билдириб шундай деди: **“Менга (бор молу давлатим) фақат ўзимдаги билим туфайли ато этилгандир”.**

Қорун муносиб кўрилгани ва Аллоҳ уни яхши кўргани учун мол-дунёга эришганини даъво қилди. Унинг бу гапига Аллоҳ таоло жавоб тариқасида дейди:

“Ахир у ўздан аввалги асрлар-авлодлардан, ундан кўра қувватлироқ ва жамғармаси кўпроқ (қанчадан-қанча) кимсаларни Аллоҳ ҳалок қилганини билмадими?! У жиноятчи кимсалардан гуноҳлари ҳақида сўралмас ҳам!”

Қорундан аввал куч-қувват ва мол-дунё соҳиби бўлган қанчадан-қанча қавмлар ўтди. Аллоҳ бойликни яхши кўргани учун бергани йўқ. Балки имонлари бўлмагани боис у қавмларни ҳалок қилди. Охиратда эса ношукр ва кофир кимсалар дунёда қилган гуноҳлари ҳақида сўралмай туриб жаҳаннамга улоқтириладилар.

“Сўнг қавми олдига ясан-тусан қилиб чиққан эди, ҳаёти дунёни истайдиган кимсалар: “Эҳ қани эди, бизлар учун ҳам Қорунга ато этилган молу дунё бўлса?! Дарҳақиқат, у улуғ насиба эгасидир!” дедилар”.

Кунларнинг бирида Қорун қавми олдига чиройли кийимларни кийиб, зийнатланган ҳолда чиқди. Дунё ҳаётининг зийнатига мойил бўлган кимсалар Қорунга ҳавас қилиб эҳ, қани бизларга ҳам Қорунга ато қилинган бойлик берилса эди. Ҳақиқатан, Қорун кўп ризқли ва насибаси улуғ кишидир, дедилар.

“Илм-маърифат ато этилган кишилар эса: “Ўлим бўлсин сизларга! Имон келтирган ва яхши амаллар қилган кишилар учун Аллоҳ берадиган ажр-савоб

яхшироқ-ку! Унга фақат сабр-қаноатли кишиларгина эришурлар”, дедилар”.

Илм эгалари ўзларига ҳам худди Қорунники каби бойлик ато этилишини орзу қилиб турган кишиларга қарата сизларга ҳалокат бўлсин! Нимани хоҳлаяпсизлар ўзи?! Ахир Аллоҳ охират диёрида солиҳ бандалари учун тайёрлаб қўйган мукофоти мана шу ўткинчи матоҳлардан яхшироқ-ку?! Охират уни жаннатни қўлга киритиш Аллоҳ таолога тоат-ибодат этишда сабр қилган кишиларгагина насиб қилади, дедилар.

Шундан сўнг Қоруннинг оқибати қандай бўлгани айтилади: **“Бас, Биз Қорунни ҳам, унинг ҳовли-жойини ҳам Ерга юттирдик. Сўнг унинг учун Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган бирон жамоат бўлмади ва унинг ўзи ҳам голиблардан бўлмади”.**

Қорун зийнатга бурканган, чиройли кийимларни кийиб, қавми олдида керилиб турган ҳолида уни ва уй-жойларини ер ютди. Ўзидан ҳам, ҳовли-жойи, мол-дунёси ва хазиналаридан ҳам ном-нишон қолмади. Қорунни Аллоҳнинг жазоси ва азобидан қутқариб қоладиган бирон ёрдамчи топилмади. Кибр-ҳавога олиб борган бойликларини хазиналари ҳеч қандай наф бергани йўқ ва ҳеч бири ундан Аллоҳнинг азобини қайтариб қололмади.

“Ва уни кеча унинг мартабасини орзу қилиб турган кимсалар: “Вожаб! Аллоҳ бандаларидан ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилиб, (Ўзи хоҳлаган бандаларнинг ризқини) танг қилиб берар экан-да?! Агар Аллоҳ бизларга марҳамат қилмаганида, бизларни ҳам (Ерга) юттирган бўлар эди. Вожаб! Кофир бўлган кимсалар нажот топмас экан-да!” деб қолдилар”.

Кечагина Қоруннинг бойлик ва мартабасига ҳавас қилган кишилар бу ҳодисанинг шоҳиди бўлишгач, кўрмайсизларми, Аллоҳ хоҳлаган бандасининг ризқини кенг қилиб, хоҳлаган бандасиникини тор қилиб қўяр экан? Агар Аллоҳнинг

марҳамати, лутфу карами бўлмаганида, У Зот бизларга ҳам худди Қорунники каби мол-дунё бериб, сўнг у каби Ерга юттирган бўлар эди. Шубҳасиз, Қорун Раббига кофир бўлди, имон йўлини тутмади. Кофирлар эса Аллоҳнинг азобидан қутулмайдилар, охиратда нажот топмайдилар.

Энди, иккинчи қиссани ўқиб, Од қабиласининг онқўрлиги қандай оқибатларга олиб келганини билиб оламиз.

Аллоҳ таоло айтади: **“Энди Од (қабиласи)га келсак, бас, улар Ер юзида ноҳақ кибр қилдилар ва: “Куч-қувватда бизлардан зўрроқ ким бор?” дедилар. Ахир улар ўзларини яратган Зот – Аллоҳ куч-қувватда улардан зўрроқ эканини билмадиларми?! Ва улар Бизнинг оятларимизни инкор қилувчи бўлдилар. Бас, Биз уларга мана шу ҳаёти дунёда хор-расво қилувчи азобни тотдириб қўйиш учун шум кунларда устиларига бир даҳшатли бўрон юбордик. Охират азоби эса, шак-шубҳасиз, янада хор қилгувчиरोқдир ва уларга ёрдам берилмас”** (Фуссилат, 15-16).

Од Худ алайҳиссалом қавми бўлиб, Нуҳ алайҳиссалом қавми кучли тўфон билан ҳалок қилинган, Аллоҳ тарафидан Ер юзида ўринбосар қилиб қўйилган эди. Аллоҳ бу қавмга мўл-кўлчилик, куч-қувват, мол-мулкда кенгчилик ва фаровон ҳаёт ато этди. Аммо улар шукр қилиш ўрнига туғёнга кетиб, Аллоҳга осий бўлдилар. Имкониятларини юқори баҳолаб, куч-қувватда бизга тенг келадигани йўқ! Ҳеч ким бизни ўзига бўйсундира олмайди. Биронтаси бизга зулм қила олмайди, дедилар. Лекин Аллоҳ уларни мулоҳаза юритишга ундаб мана бу саволни берди: улар кимга қарши адоват қилаётганларини ўйлаб кўрмайдиларми?! У улуғ Зотдир. У барча нарсани яратган, чексиз куч-қувват эгаси бўлган Зотдир. Унинг азоби қаттиқдир, хоҳлаган бандасини азоблашга Қодирдир!

Од қавми пайғамбарларга берилган мўъжиза ва аломатлар Аллоҳ тарафидан эканини билсалар-да, бироқ билиб туриб

инкор қилдилар. Пайғамбарларига осийлик қилганлари сабабли Аллоҳ устларига тез эсадиган совуқ шамолни – шиддатли бўронни юборди. Бу қилмишларига яраша дунё ҳаётида тотиб кўришлари учун туширилган азобнинг бир кўриниши эди, холос. Бироқ охират азоби бундан қаттиқроқ ва дунё азобидан кўра кўпроқ хорликка олиб борувчидир. Улар Қиёмат куни азобдан қутқарувчи ва азобни қайтариб қолувчи бирон ёрдамчи топа олмайдилар.

Учинчи қиссада ҳар томонлама неъматларга буркаб қўйилган Сабаъ қабиласи ҳақида сўз боради.

Аллоҳ таоло айтади: **“Аниқки, Сабаъ (қабиласи) учун ўз максанларида бир аломат бор эди – ўнг томон ҳам, чап томон ҳам боғ бўлиб, (Биз уларга:) “Парвардигорингиз ризқидан бахраманда бўлинглар ва У Зотга шукр қилинглар! (Шаҳрингиз) покиза шаҳардир, (Парвардигорингиз) мағфират қилувчи Парвардигордир”, (деган эдик). Бас, улар юз ўгиришгач, Биз уларнинг устига тўғон билан (тўсиб қўйилган) селни юбордик ва уларнинг боғларини аччиқ-тахир мевали, юлғунзор ва яккам-дуккам бутазор “боғлар”га айлантириб қўйдик. Кофир бўлганликлари сабабли уларни мана шундай жазоладик. Биз фақат кофир бўлган кимсаларнигина жазолаймиз!”** (Сабаъ, 15-17).

Сабаъ қабиласи Яманда истиқомат қиларди. Од қабиласи каби фаровон ҳаёт кечирар, водийнинг ўнг ва чап тарафида мевали боғлари бўлиб, ўша водийда бир тўғон қурдилар. Аллоҳ таоло пайғамбарлар юбориш орқали берган ризқ-рўзлардан хоҳлаганча фойдаланиб, неъматларига шукр қилишлари ва Ўзигагина ибодат қилишлари лозимлигини буюрди. Яшаб турган шаҳарлари покиза ва фаровон шаҳар, ризқ бераётган Парвардигорлари эса гуноҳларни кечирувчи Зот экани маълум қилинди. Лекин Сабаъ қабиласи Аллоҳга ибодат қилиш ва неъматларга шукрни адо этишдан бўйин товлаб, неъматларга онкўрлик қилдилар. Бу қилмишлари

жазосиз қолиб кетгани йўқ. Аллоҳ барпо қилган тўғонларини вайрон қилди. Наतिжада сув тошиб, унумдор ерлари ва пишиб турган боғлари бир зумда сув остида қолди. Улар кўзларини қувонтирган хушманзара ва сўлим боғларидан айрилдилар. Боғлардаги мевалари аччиқ ва мазасиз қилиб қўйилди. Аллоҳ Сабаъ қабиласини нонкўрликлари учун шундай жазолади. Бу нарса фақат мазкур қабиллага хос эмас. Аллоҳга ва неъматларига нонкўрлик қилувчи, кофир бўлувчи ҳар қандай қавм мана шундай балога учрайди.

Демак, бойлик билан ғурурланиш, манманлик қилиш, одамларни писанд қилмай, туғёнга кетиш ўша неъматнинг завол топиб, неъмат эгасининг аламли азобга мубтало бўлишига олиб келади.

Бахиллик

Қуйида камбағал ва ҳожатманд кишилар ҳаққини адо қилмасликка қарор қилган бахил ака-укаларнинг бор будидан айрилганликлари ҳақидаги қисса келтирилади.

Аллоҳ таоло айтади: **“Албатта Биз уларни имтиҳон қилдик. Илгари боғ эгаларини ҳам шундай имтиҳон қилган эдик. Ўшанда улар, албатта уни эрта тонгда ажратмаган ҳолларида узиб олишга қасам ичган эдилар. Бас, улар уйқуда бўлган чоғларида унинг устида Парвардигорингиз томонидан бўлган айланувчи бир айландию, у узилгандек бўлиб қолди. Улар эса тонгда туришиб: “Агар узмоқчи бўлсангизлар зироатгоҳларингизга юра қолинглар”, (деб) бир-бирларини чақирдилар. Сўнг: “Бугун у (вақтда) устларингизга бирон мискин кириб қолмасин-да, (дейишиб) бир-бирларига пичирлашган ҳолларида жўнаб кетдилар. Улар ёмон ният билан қодир бўлган ҳолларида тонг саҳарлаб бордилар. Энди қачонки уни кўришгач, (аввал): “Шак-шубҳасиз, бизлар йўлдан адашиб қолдик”, дедилар. (Сўнггра:) “Йўқ, бизлар маҳрум бўлибмиз!”**

дедилар. (Шунда) уларнинг энг адолатлиси: “Мен сизларга тасбеҳ айтмайсизларми, демаганмидим?” деган эди, улар: “Эй Раббимиз, (Сен ҳар қандай нуқсондан) Поқдирсан. Албатта, бизлар зулм қилувчи бўлдик”, дедилар. Сўнг улар бир-бирларига боқиб, маломат қилиша бошладилар. Улар дедилар: “Эй, ўлим бўлсин бизларга! Дарҳақиқат, бизлар ҳаддан ошувчи бўлдик. Шоядки Парвардигоримиз бизларга ундан ҳам яхшироғини алмаштириб берса. Бизлар, албатта Ёлғиз Парвардигоримизга рағбат қилувчидирмиз”. Мана шундай азоб бордир. Агар билсалар, Охират азоби, шак-шубҳасиз, янада каттароқдир. Албатта, тақводор зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида (ноз-) неъмат боғлари бордир” (Қалам, 17-34).

Қадимда бир солиҳ киши ўтган бўлиб, ҳосилдор боғларидан ҳосил йиғиб олинадиган пайт келганида бева-бечора ва фақир кишиларни чақириб, атаган улушларини берар эди. Бу билан молнинг ҳаққини адо этиб келарди. Ўша солиҳ киши вафот этиб кетгач, боғ унинг ўғилларига мерос бўлиб қолди. Аммо болалари солиҳ отанинг муносиб ўринбосарлари бўла олмадилар. Балки бахиллик қилиб, қайси йўл билан бўлса-да, камбағалларга улушларини бермасликни ўйлайдилар. Одатга кўра, ҳосилни йиғиштириш бошланганда ҳали тонг отмасдан олдин меваларини териб олишга қасам ичиб, ўзаро келишиб олдилар. Бироқ оталари шунча йиллар давомида қилиб келган ишидан бош тортиб, камбағаллар ҳаққини беришни истамадилар. Тунда ухлаб ётганларида боғ устидан Аллоҳ таоло юборган бало бир айландию, боғ мевалари узиб олингандек шип-шийдам бўлиб қолди. Эрта тонгда ака-укалар бир-бирларини чақириб, агар ҳосилни териб олмоқчи бўлсангиз, экинзорга тезроқ бора қолинглар, дедилар. Боғ томон ҳовлиқиб келишганида, биров эшитиб қолмаслиги учун пичирлаб гаплашиб, бир-бирларига бугун боғингизга биронта ҳам мискинни йўлатманглар, деб уқтирдилар. Улар камбағалларни боққа яқинлаштирмасликни ўйларди.

Бироқ боғларига яқинлашсалар, серҳосил ва чиройли боғдан асар ҳам қолмабди. Буни кўриб аввалига йўлдан адашибмиз. Бошқа боғ олдига келиб қолибмиз, шекилли, дедилар. Лекин бироз ўтиб, боғ ўзлариники эканига амин бўлишгач, биз боғимиздан, ундаги мевалардан маҳрум бўлибмиз, дедилар. Шунда ака-укалар ичидаги энг ақлли ва фикри соғлом бўлгани: мен сизларга Аллоҳга шукр қилинлар, Унга тасбеҳ айтинглар, У Зотдан мағфират сўранлар, демаганмидим, деди. Натижада улар қилмишларига пушаймон бўлиб, Парвардигоро, Ўзинг нуқсон ва камчиликлардан Поксан! Биз боғимиз меваларидан мискинларнинг ҳаққини ман қилиш билан ўзимизга зулм қилдик, дедилар. Шундан сўнг бир-бирларини маломат қилишга тушиб, айбни бир-бирига тўнкай бошлади. Охир-оқибат барчалари айбини тан олиб, биз исён қилдик, тугёнга кетувчи бандалардан бўлдик, шу сабаб бошимизга бу кўргиликлар тушди, энди хато ва гуноҳларимизни тан олиб, тавба қилганимиздан сўнг шояд Раббимиз бизларга бундан ҳам яхшироқ боғни ато қилса. Зеро, биз Аллоҳга рағбат қилувчимиз, Унинг авф ва мағфиратидан умидвормиз, дедилар.

Шундай сўнг бандаларга хитобан Аллоҳ таоло амримга хилоф иш тутган, Ўз фазлимдан берган нарсани инфоқ қилишга бахилик қилган ва мискинларнинг ҳаққини поймол қилган нобакор кимсаларнинг жазоси шу! Аммо охират азоби дунёникидан кўра қаттиқроқ ва машаққатлироқдир. Бироқ буюрган амрларимни адо этган ва ҳаром ишлардан қайтган тақводор бандалар учун жаннатлар бордир. Улар у ерда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсон хаёлига келмаган турли неъматлар билан мукофотланадилар, дейди.

Закотни адо қилмаслик

٦١ - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا مَنَعَ قَوْمٍ الزَّكَاةَ إِلَّا ابْتَلَاهُمُ اللَّهُ بِالسِّنِينَ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ

وَالْبَيْهَتِيُّ فِي شَعْبِ الْإِيمَانِ وَالْحَاكِمُ فِي الْمُسْتَدْرَكِ إِلَّا أَنَّهُ قَالَ: وَلَا مَنَعَ قَوْمَ
الزُّكَاةِ إِلَّا حَبَسَ اللَّهُ عَنْهُمْ الْقَطْرَ. قَالَ الْحَاكِمُ: هَذَا الْحَدِيثُ صَحِيحٌ عَلَى شَرْطِ
مُسْلِمٍ وَلَمْ يُخْرِجَاهُ.

61 – Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан⁹ ривоят қилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деган эканлар: **“Агар бир қавм закотни бермасалар, Аллоҳ уларни қурғоқчиликка гирифтор қилади”** (Имом Табароний “Авсат”да, Байҳақий “Шуъабул иймон”да, Ҳоким “Мустадрак”да ривоят қилган. Имом Ҳокимнинг ривоятида: “Агар бир қавм закотни бермаса, Аллоҳ улардан ёмғирни ман қилади”, дейилган. Ҳоким: “Бу ҳадис Муслим шартига кўра саҳиҳдир, аммо иккиси уни ривоят қилишмаган”, деган).

Маълум турдаги молдан закот бериш учун унда бир неча шартлар бўлиши лозим. Ана шу шартлар аввалида молнинг нисобга етиши туради. Хуллас, закот бериши лозим бўлган банда Аллоҳ розилиги учун бу ибодатни ихлос билан адо этадиган бўлса, аввало катта савобга эришади, қолверса, молини поклаган, унинг ўсиши ва кўпайишига замин тайёрлаган бўлади.

Нима сабабдан, закот молни поклайди, деб айтаяпмиз. Сабаби шуки, мол нисобга етганда, ўша молда камбағал ва ҳақдор кишиларнинг маълум миқдордаги ҳаққи бўлади. Агар шу улуш молдан чиқарилиб, фақирларга закот сифатида берилса, мазкур молда бировнинг ҳаққи қолмайди. Бу билан мол покланади ва яна ўсишда давом этади. Агар аксинча бўлса-чи? Камбағалларнинг ҳаққи молга қўшилиб, унинг ҳаммасини барбод қилади. Бировнинг ҳаққини бермай,

⁹ Абдуллоҳ ибн Бурайда отасининг тўлиқ исми Бурайда ибн Ҳусайб ибн Абдуллоҳ ибн Ҳорис Абу Абдуллоҳ ал-Асламийдир. Бурайда саҳобалардан бўлган. Хайбар жангида қатнашган. Ҳижрий 63 йилда (Язид ибн Муовия халифалиги даврида) Марвада вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳибларининг барчаси ундан ҳадис ривоят қилишган.

фақат ўзини ўйлайдиган бахил кимсалар Аллоҳ тарафидан турли балоларга учрайди. Ушбу ҳадисда шундай офатларнинг бири келтирилмоқда. Унда айтилишича, закотни бермаслик қурғоқчилик, сувнинг камайиши, ёмғир ёғмаслиги, оқибатда ризқ-насиба камайиши, очарчилик ва қийинчиликларга сабаб бўлар экан.

٦٢ - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: خَمْسٌ يَخْمَسُ ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا خَمْسٌ يَخْمَسُ؟ قَالَ: مَا نَقَضَ قَوْمٌ الْعَهْدَ إِلَّا سُلِّطَ عَلَيْهِمْ عَدُوُّهُمْ وَمَا حَكَمُوا بَعِيرٌ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَّا فَنَشَا فِيهِمُ الْفَقْرُ وَلَا ظَهَرَتْ فِيهِمُ الْفَاحِشَةُ إِلَّا فَنَشَا فِيهِمُ الْمَوْتُ وَلَا طَفَفُوا الْمِكْيَالَ إِلَّا مَنَعُوا النَّبَاتَ وَأَحْدُوا بِالسِّنِينَ وَلَا مَنَعُوا الزَّرْكَاءَ إِلَّا حَبَسَ عَنْهُمْ الْقَطْرُ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ.

62 – *Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулумлоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Беш нарса сабабли беш нарса бўлади!” – дедилар. Шунда (одамлар): “Эй Расулумлоҳ, беш нарса сабабли содир бўладиган беш нарса нима?” – деб сўрадилар. У зот: “Агар бир қавм аҳдни бузсалар, уларнинг устидан душманлари ғолиб қилинади. Агар улар Аллоҳ туширган нарсадан бошқаси билан ҳукм қилишса, уларнинг орасида камбағаллик кенг ёйилади. Агар уларнинг орасида фақш ишлар очик-ойдин қилинадиган бўлса, ораларида ўлим тарқалади. Агар улар тарозидан уриб қолсалар, ўсимликлардан ман қилинадилар ва қурғоқчиликка гирифтор бўладилар. Агар закотни бермасалар, улардан ёмғир ман қилинади”, дедилар” (Имом Табароний “Кабийр”да ривоят қилган).*

Ушбу ҳадисда Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига қулоқ солмаслик қандай оқибатларга олиб келиши хусусида сўз боради. Демак, бандалар бошларига нима кўргилик ва қийинчиликлар тушса, бунга фақат ўзлари қилган гуноҳлар сабаб бўлар экан. Хусусан, закотни адо қилишдан бош

тортиш бандаларнинг ризқи торайиши ва турли бало-офатлар ёғилишини келтириб чиқаради. Бу ҳолат турли мол турларида ҳар хил кўринишда кечади. Масалан, деҳқончиликда қурғоқчилик, чорвачиликда касаллик ёки бошқа сабаб билан ҳайвонларнинг ҳалок бўлиши, савдо-сотиқда молнинг касодга учраши ёки ўғирланиши ва ҳоказо.

Тарозидан уриш

٦٣ — عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا نَقَضَ قَوْمٌ الْعَهْدَ إِلَّا سَلَّطَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ عَدُوَّهُمْ وَلَا تَطْفَؤُوا الْكَيْلَ إِلَّا لِمُنْعُوا النَّبَاتِ وَأُحْذَرُوا بِالسِّنِينَ. أَخْرَجَهُ ابْنُ مَرْدَوَيْهِ.

63 – *Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади:* “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Агар бир қавм аҳдни бузсалар, Аллоҳ уларнинг устидан душманларини голиб қилиб қўяди. Агар улар ўлчовдан уриб қолсалар, ўсимликлардан ман қилинадилар ва қурғоқчиликка гирифтор бўладилар”, дедилар**” (*Ибн Мардавайҳ ривояти*).

Имом Насойй Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган узун ҳадисда: “Агар (одамлар) ўлчов ва тарозидан уриб қолсалар, қурғоқчилик ва озуқа танқислигига учрайдилар”, дейилган.

Бундан олдинги икки ҳадисда закотни адо қилмаслик бандалар бошига оғир мусибатларнинг ёғилишига сабаб экани айтилса, бу ҳадисда тарозидан уриб қолиш, бировга ўлчаб ёки тортиб бераётганда кам қилиб бериш каби ҳолатлар ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши таъкидланмоқда. Бундан маълум бўладики, бировнинг ҳаққини ейиш, ҳаром йўллар билан бошқалар молини ўзлаштириш ризқ камайиши, барака кўтарилиши ва турли хил оғир ҳолатларнинг юзага келишига омил бўлар экан.

РИЗҚ ТОПИШДА ТАВАККУЛНИНГ АҲАМИЯТИ

Аллоҳ таоло айтади:

“Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир. Албатта, Аллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишига Етувчидир. Дарҳақиқат, Аллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир” (Талоқ, 3).

Ушбу оятда агар Аллоҳга таваккул қилинса, У Зотнинг ўзи кафил бўлиши, хоҳлаган ишини бажара олиши ва ҳар бир нарсани ўта аниқ қилиб белгилаб қўйиши айтилмоқда.

Таваккулнинг асл маъноси “ўзини Аллоҳга топшириш”дир. Газзолий таваккулни қалбнинг Ёлғиз Вакил – Аллоҳга суюнишидан иборатдир, деб тушунтирган. Аллома Муновий эса: “Таваккул банданинг ожиз эканини изҳор қилиб, таваккул қилинадиган Зотга ишонишидир”, деган. Тасаввуф аҳлининг наздида таваккул “одамлар қўлидаги нарсага суюнмасдан, фақат Аллоҳ даргоҳидаги нарсага ишониш”дир. Мулла Али Қори Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилишни қўйидагича тушунтиради: “Таваккул борлиқда Аллоҳдан бошқа амалга оширувчи зот йўқ экани, яратиш ва ризқ бериш, ато қилиш ва ман этиш, зарар ва фойда, камбағаллик ва бойлик, касаллик ва саломатлик, ўлим ва ҳаёт ҳамда бошқа барча нарсалар Аллоҳ таолодан эканига шубҳасиз, аниқ ишонишдир” (“*Мирқотул мафотийҳ*”).

Таваккул қалб ишидир ва унга кўра қалб бутунлай Аллоҳга топширилади ва барча ишларнинг оқибати У Зотгагина ҳавола қилинади. Айниқса, ризқ топишда таваккулнинг аҳамияти беқиёсдир. Ризқ талабидаги таваккул “ризқни фақат Аллоҳ беришига аниқ ишонган ҳолда ўша ризқ келадиган сабабларни ҳаракатга келтириш”дир.

۶۴ – وَعَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَوْ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ تَوَكَّلُونَ عَلَى اللَّهِ حَقَّ تَوَكُّلِهِ لَرُزِقْتُمْ كَمَا يُرْزَقُ الطَّيْرُ

تَعْدُو حِمَاصًا وَتَرُوحُ بَطَانًا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ حِبَّانَ فِي صَحِيحِهِ وَقَالَ أَبُو عِيسَى: هَذَا حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ.

64 – Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилганларингизда эди, худди қорни оч ҳолда кетиб, тўйган ҳолда қайтиб келадиган қуш каби ризқлантирилган бўлар эдингиз!”** (Термизий, Насоий, Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган. Абу Исо Термизий: “Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳдир”, деган).

Ушбу ҳадисда ризқ топишдаги таваккулнинг асл моҳияти очиқ-ойдин ифодаланмоқда. Яъни: агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилганларингизда, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканига имон келтириб, У Зот ризқ бериши, хоҳлаган маҳлуқотига бериб, хоҳлаганидан ман қилишига ишонган ҳолда чиройли суратда ва ҳалол йўл билан ризқ талабида бўлганларингизда, худди эрталаб қорни оч ҳолда чиқиб, кечаси тўқ бўлиб қайтадиган қуш каби ризқлантирилган бўлар эдингиз.

Бу ерда бандалар ризқ топишда доим ҳам Аллоҳга таваккул қилишни ўрнига қўя олмасликлари айтилиб, таваккулнинг фойдасини тушунтириш учун қушни мисол қилиб келтирилмоқда.

Ҳақиқатан, қушларнинг ҳолатига ибрат назари билан қарасак, бунинг асл моҳиятини англаб етамиз. Эрта тонгда ризқ талабида йўлга чиққан қушларнинг қорни оч, олдиндан тайёрлаб қўйган ризқ манбалари ҳам, кўз остига олиб қўйган ўлжалари ҳам, заҳиралари ҳам бўлмайди. Лекин уларда ҳаракат ва ризқ топишга ишонч мавжуд. Демак, бандалар ҳам Аллоҳга таваккул қилишни ўрнига қўя билсалар, ўзлари ўйламаган ва хаёлларига келмаган томондан ризқланар эканлар.

Одатда, инсон эртанги ва ундан кейинги кунларда ейдиган нарсаларини олдиндан тайёрлайди. Бу ҳолатни чумоли

ва сичқонларда ҳам кўриш мумкин. Лекин инсон Аллоҳга ҳақиқий таваккул қила олганида, эрталаб ейишга бирон нарсаи бўлмаган тақдирда ҳам, Аллоҳ уни муносиб тарзда ризқлантирган бўлар эди.

Ушбу ҳадиснинг яна бир диққатга молик жиҳати бор. Бу ҳам бўлса, таваккул ва ҳаракат масаласидир. Аслида касб инсонни ризқлантирмайди, балки Аллоҳ ризқлантиради. Аммо таваккул ва ҳаракат бирлашсагина кўзланган мақсадга эришилади. Зеро, ҳадисда бизлар учун мисол қилиб келтириилаётган қуш ҳам ҳаракат ва интилиш билан қорин тўйғазади. Шу маънода Аҳмад айтади: “Ушбу ҳадис касбни тарк қилишга эмас, балки ризқ талабида ҳаракат қилишга тарғиб этади. Агар бандалар ҳар бир ҳолатда – юрганда, турганда ва бошқа ҳолатларида Аллоҳга таваккул қилиб, барча яхшилик фақат У Зотнинг қўлида эканини билганларида эди, худди қушлар каби саломат ва ризқлантирилган ҳолда қайтган бўлар эдилар. Аммо инсоннинг ўз заҳираси ва касбига суяниши таваккулга зид эмас”. Абу Бакр ал-Варроқ айтади: “Аллоҳ бандалари ризқини таъминлаб қўйган. Энди бандалари ҳам Аллоҳга таваккулни таъмин этишлари лозим”.

Шайх Абу Ҳомид шундай деган: “Кишилар таваккулни бадан билан касбни ва қалб билан тадбир қилишни тарк қилиб, худди отиб юборилган эски латтага ўхшаб ерга ётиб олиш, деб ўйлашлари мумкин. Бу жоҳилларнинг фикридир! Бу шариятга хилофдир. Шариятда таваккул қилувчилар мақталади. Лекин шарият қайтарган нарсдан қайтмай туриб, қандай қилиб юксак мақомга эришиш мумкин? Ҳақиқат шуки, қалб билан қилинган таваккул таъсири унинг мақсадга эришишдаги ҳаракати, интилиши ва амалларида кўринади”.

Имом Абулқосим Қушайрий айтади: “Билгинки, таваккулнинг ўрни қалбдир. Бас, банда ризқ Аллоҳдан эканини билганидан сўнг қалби билан таваккул қилгач, бадани билан ҳаракат қилиши бир-бирига қарши эмас. Агар бирон нарса

қийинлашса, Аллоҳнинг тақдирига боғлиқдир. Агар бирон нарса енгиллашса, У Зотнинг енгиллатишига боғлиқдир”.

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Туямни боғлаб таваккул қилайми ёки қўйиб юбориб сўнг таваккул қилайми?” деб сўраганида, у зот: “Уни боғлагин-да, сўнг таваккул қилгин!” деб айтганлар (*Шу маънодаги ҳадисни Ибн Ҳиббон, Ҳоким ва Қузовийлар ривоят қилишган*).

٦٥ – وَعَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ قُرَّةَ قَالَ: مَرَّ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بِقَوْمٍ فَقَالَ: مَنْ أَنْتُمْ ، قَالُوا: الْمُتَوَكِّلُونَ ، فَقَالَ: أَنْتُمْ الْمُتَأَكِّلُونَ ، إِنَّمَا الْمُتَوَكِّلُ رَجُلٌ أَلْقَى حَبَّهُ فِي بَطْنِ الْأَرْضِ وَتَوَكَّلَ عَلَى رَبِّهِ . رَوَاهُ الْحَكِيمُ التِّرْمِذِيُّ فِي نَوَادِرِ الْأُصُولِ .

65 – Муовия ибн Қурра¹⁰ айтади: “Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу бир қавм олдидан ўта туриб: “Сизлар кимсизлар?” деб сўради. Улар: “Таваккул қилгувчилармиз”, дейишди. Шунда (Умар ибн Хаттоб): “Сизлар таъаккул қилувчисизлар (яъни, тайёр нарсани еб ётувчи текинхўрсизлар). Зеро, (Аллоҳга) таваккул қилган киши, аввал ерга уруғ сепади, сўнгра Раббига таваккул қилади”, деди” (*Ҳаким Термизий “Наводирул усул”да ривоят қилган*).

Ҳаким Термизий “Наводирул усул”да келтирган бошқа ривоятда Умар ибн Хаттоб яманлик кишиларни учратгани айтилган. Ўша қавм сабабларни ахтармай, ҳаракат қилмай, бизга ризқни Аллоҳнинг Ўзи беради, деб эътиқод қилганларини кўриб, уларни “текинхўрлар”, деб атамоқда ва шундан сўнг ҳақиқий таваккул қандай бўлишини таълим бермоқда.

“Жомеъул ʼулуми ва ҳикам” асарида шундай дейилган: “Билгинки, таваккулнинг самараси қазога (тақдирга) рози

¹⁰ Муовия ибн Қурра ибн Йёс ибн Ҳилол ибн Риоб Абу Йёс ал-Музаний тобеъинлардан бўлиб, ишончли ҳадис ровийси саналади. У илмига амал қилувчи олимлардан бўлган. “Сихоҳи ситта” соҳибларининг барчаси ундан ҳадис ривоят қилишган. Муовия ибн Қурра ҳижрий 36 санада туғилиб, 113 санада вафот этган.

бўлишдир. Кимки ишларини Аллоҳга топшириб, У Зот хукм қилган, хоҳлаган нарсага рози бўлса, Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилган бўлади. Шу сабаб ҳам Ҳасан Басрий, Фузайл ибн Иёз ва бошқалар Аллоҳга таваккул қилишни У Зотнинг қазои қадарига рози бўлишдир, деб изоҳлашган”.

Ибн Абу Дунё айтади: “Менга баъзи донишмандларнинг шундай деганлари етиб келди: таваккул уч даражага бўлинади. Биринчиси – шикоятни тарк этиш. Иккинчиси – розилик. Учинчиси муҳаббатдир. Шикоятни тарк этиш сабр даражаси. Розилик Аллоҳ тақсим қилган ризқ билан қалб сокин бўлишидир. Бу аввалгисидан кўра юқорироқ даражага эга. Муҳаббат эса Аллоҳ ўзига нисбатан қилган тадбири туфайли У Зотни яхши кўришдир. Биринчи даража зоҳидларники ва иккинчиси сиддиқларникидир. Учинчиси пайғамбарларнинг даражасидир”.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мўмин банда ризқ ва тирикчилик йўлида бор имкониятларни ишга солиб, Ёлғиз Аллоҳга таваккул қилган ҳолда жидду жаҳд қилиши лозим. Аммо шуни унутмасинки, у фақат ҳаракат қилгани ва интилгани учунгина ризқланаётгани йўқ. Чунончи, ризқ Аллоҳ таоло тарафидан келишини унутмасин!

ТОНГГИ УЙҚУНИНГ РИЗҚҚА ТАЪСИРИ

٦٦ - عَنْ صَخْرِ الْغَامِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: اللَّهُمَّ بَارِكْ لِأُمَّتِي فِي بُكُورِهَا وَكَانَ إِذَا بَعَثَ سَرِيَّةً أَوْ جَيْشًا بَعَثْتُهُمْ مِنْ أَوَّلِ النَّهَارِ وَكَانَ صَخْرٌ رَجُلًا تَاجِرًا وَكَانَ يَبْعَثُ تِجَارَتَهُ مِنْ أَوَّلِ النَّهَارِ فَأَثَرِي وَكَثْرَ مَالِهِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ وَابْنُ حِبَّانَ فِي صَحِيحِهِ وَفِي رِوَايَةٍ ابْنِ مَاجَهَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: اللَّهُمَّ بَارِكْ لِأُمَّتِي فِي بُكُورِهَا يَوْمَ النَّحْمِيسِ.

66 – Соҳр ал-Ғомидий¹¹ ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Аллоҳим, умматимнинг барвақт (қилган ишлар)ида барака бергин!” деб дуо қилдилар. У зот қўшинни бирон жойга жўнатмоқчи бўлсалар, куннинг аввалида жўнатар эдилар”. Соҳр тижоратчи киши эди. У ҳам тижорат карвонини куннинг аввалида жўнатар эди. **Натижада унинг мол-дунёси кўпайиб, бойиб кетди** (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, имом Аҳмад, имом Табароний, Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган. Ибн Можа Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятда: “Эй Аллоҳим, умматимнинг пайшанба кунги барвақт (қилган ишлар)ида барака бергин!” дейилган).

Ушбу ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан эрта тонгда мусулмонлар бажарган ишларнинг баракали бўлишини сўраб қилган дуолари ва бунинг тасдиғи ўлароқ ҳадис ровийсининг ҳаётидан ибратли воқеа ҳам келтирилмақда.

“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Аллоҳим, умматимнинг барвақт (қилган ишлар)ида барака бергин!” деб дуо қилдилар. У зот қўшинни бирон жойга жўнатмоқчи бўлсалар, куннинг аввалида жўнатар эдилар”.

Яъни: эй Аллоҳим, менинг умматим ичидан эрта тонгда барвақт амал қилувчиларнинг амаллари, касб-кор қилувчиларнинг касблари, илм талабида юрганларнинг илмларига барака бергин, ишлари ва амалларини серунум, ривожли ва давомли қилгин!

¹¹ Ҳадис ровийси Соҳр ибн Вадоъа ал-Ғомидий ал-Асадий ал-Ҳижозий розийаллоҳу анҳу саҳобалардандир. У Тоифда истиқомат қилган. Ғомид Аздадаги жой номи саналади. Соҳр ал-Ғомидийдан барча “Сунан соҳиблари” ҳадис ривоят қилишган. Имом Термизий: “Соҳр ал-Ғомидийнинг ҳадиси “ҳасан”, лекин у Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундан бошқа ҳадис ривоят қилмаган”, деган. Абулқосим Бағавий ҳам унинг бундан бошқа ҳадис ривоят қилмаганини айтган. Эслатиб ўтамиз, ушбу ҳадис бу бобда келган энг саҳиҳ ҳадис саналади.

Мазкур дуо орқали, ўз навбатида у зот умматларини ҳар қандай ишни бажаришда барвақт ҳаракат қилиш, эрта тонгдан ризқ ёки илм талабида бўлишга тарғиб қилмоқдалар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда тунни уйқу вақти, кунни эса тирикчилик пайти қилиб қўйганини айтган. Шунга биноан, куннинг аввалидаги ҳаракат яхши натижаларга сабаб бўлади.

Умматларини эрта туриб, барвақт ҳаракат қилишга ундаган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган гапларига энг аввал ўзлари амал қилардилар. Агар у зот бирон ерга вазифа билан кичик бир гуруҳ ёки каттароқ қўшинни юбормоқчи бўлсалар, куннинг аввалида юборардилар.

“Соҳр тижоратчи киши эди. У ҳам тижорат карвонини куннинг аввалида жўнатар эди. Натижада унинг мол-дунёси кўпайиб, бойиб кетди”.

Ушбу ҳадис ровийси Соҳр ибн Вадоъа ал-Ғомидий тижорат билан шуғулланар экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашиб, Соҳр ҳам бирон ерга савдо карвони юбормоқчи бўлса, куннинг аввалида барвақт жўнатарди. Суннатга астойдил амал қилгани, қолаверса, эрта тонгда ризқ талабида бўлгани туфайли савдосига барака кириб, ишлари олға силжий бошлади. Натижада Соҳр розийаллоҳу анҳу бой-бадавлат кишилардан бирига айланди.

٦٧ – وَرَوِيَ عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: بَاكِرُوا الْغَدُوَّ فِي طَلَبِ الرِّزْقِ فَإِنَّ الْغَدُوَّ بَرَكَةٌ وَنَجَاحٌ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ.

67 – *Оиша розийаллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Ризқ талабида барвақт ҳаракат қилинглар! Зеро, эрталабдан ҳаракат қилиш барака ва муваффақият (омили)дир” (Имом Табароний “Авсат”да ривоят қилган).*

Ҳар биримиз эрта тонгдан ризқ талабида бўлишга ҳаракат қилишимиз керак. Чунки барвақт қилинган ҳаракат барака

ва ютуқлар калитидир. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Сабаби буни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари айтиб турибдилар. Аввалги саҳиҳ ривоятда ҳам шу нарса таъкидланган эди.

Олдин айтиб ўтганимиздек, “ризқ” бир тарафдан моддий неъматларни, иккинчи тарафдан эса маънавий-руҳий неъматларни ҳам ўз ичига олади. Чунончи, ақл, илм, идрок, зеҳн ва шу кабилар ҳам инсонга бериладиган ризқдир. Шу сабаб ҳам, китобларимизда эрта тонгда илм талаб қилишга тарғиб қилиниб, уламолар ҳаётидан ибратли ҳолатлар мисол қилиб келтирилади. Эрта тонгда илм талаб қилиш фазилатли эканига сабаб шуки, ҳадисда айтилаётганидек, бу пайт баракадир. Маълумки, уйқудан уйғонгач, инсон танасида тетиклик ва миясида бардамлик кузатилади. Бундай ҳолатда ўқилган илм, ёд олинган оят ёки ҳадис хотирага мустаҳкам ўрнашади ва зеҳнга яхши сингади. Хуллас, хоҳ дунёвий ҳожат бўлсин, хоҳ ухровий – зикр ва дуо каби ибодатлар бўлсин, агар эрта тонг адо этилса, Аллоҳ бундай ишларга барака ва ривож ато этади.

٦٨ – وَعَنْ عَمْرٍو بْنِ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الصَّبْحَةُ تَمْنَعُ الرَّزْقَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُ هَذَا الْحَدِيثِ ضَعِيفٌ.

68 – Амр ибн Усмон ибн Аффон отасидан ривоят қилади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “**Тонгги** (уйқу) **ризқни**(нг келиши)**ни тўсади**” (Имом Аҳмад ва Байҳақий ривояти. Ушбу ҳадиснинг санади заиф).

“Ризқни тўсади” жумласи “ризқнинг баракали бўлишини ман қилади” маъносини англатади. Чунки тонг чоғида то куёш чиққунча ухлаб ётувчи қанчадан-қанча одамлар борки, улар ризқдан бутунлай маҳрум бўлиб қолмайдилар, балки ризқларида барака ва ишларида унумдорлик бўлмайди.

“Файзул-қодийр” китобида шундай дейилган: “Кимки кунини хайрли суратда бошласа, қолган қисми ҳам хайрли-

баракали бўлади, ишлари ўнгидан келади. Аллоҳ тарафидан ўша банданинг ризқига барака берилади. Ривоятларда келишича, қуёш чиққунча вақт оралигида ризқлар тақсимланар экан. (Уйғоқ бўлиш билан) ризқ тақсимотида иштирок этмаган банда ундан маҳрум бўлган билан баробардир. Чунки, тонг отгач ҳам уйқудан турмаган банда ўрнидан ланж ва дили хира бўлиб уйғонади. Тирикчилик ва касб-корида ҳам шижоат ва ғайрати йўқолиб, ишга ҳафсаласиз ёндашади. Шу зайл ризқининг баракаси кетади”.

٦٩ – وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ النَّوْمِ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

69 – Али розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш чиқишидан олдинги уйқудан қайтарганлар**” (Ибн Можа ривояти. Ҳадиснинг санади заиф).

“Қуёш чиқишидан олдинги уйқу” бу тонг пайтидаги уйқудир. Аввалги ҳадисда эрталабки уйқу ризқнинг баракасини кетказиши айтилса, бу ерда ўша вақтда ухлашдан қайтарилмоқда. Чунки тонг чоғи, яъни бомдод намозидан кейинги вақт зикр-тасбеҳ, таҳлил, истиғфор айтиш ёки ризқ талабида ҳаракат қилиш учун қулай фурсатдир.

Бағавийнинг “Шарҳус сунна” китобида: “Бизга хабар қилинишича, Ер бомдод намозидан кейин ухловчи олимдан шикоят қилиб, Аллоҳга мурожаат қилар экан”, дейилган.

٧٠ – وَرُوِيَ عَنْ فَاطِمَةَ بِنْتِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَتْ: مَرَّ بِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا مُضْطَجِعَةٌ مُتَّصِحَّةٌ فَحَرَّكَنِي بِرِجْلِهِ ثُمَّ قَالَ: يَا بِنْتِي، قَوْمِي أَشْهَدِي رِزْقَ رَبِّكَ وَلَا تَكُونِي مِنَ الْغَافِلِينَ فَإِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يَقْسِمُ أَرْزَاقَ النَّاسِ مَا بَيْنَ طُلُوعِ الْفَجْرِ إِلَى طُلُوعِ الشَّمْسِ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَإِسْنَادُهُ ضَعِيفٌ.

70 – *Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотима розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Мен тонг пайтида ухлаб ётганимда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдимдан ўтиб қолдилар. У зот мени оёқлари билан қимирлатиб: “Эй қизалоғим, тур, Раббингнинг ризқ (тақсимлаш)ига гувоҳ бўл. Асло гофиллардан бўлма! Зеро, Аллоҳ азза ва жалла тонгдан кўёш чиққунча бўлган пайт оралигида одамлар ризқларини тақсимлайди”, дедилар”* (Байҳақий ривояти. Ҳадиснинг санади заиф).

Ушбу ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тонг чоғидаги уйқудан қайтарганлари яна бир бор таъкидланмоқда. Хуллас, банда тонг пайтида уйғоқ ҳолда бўлиб, бирон фойдали иш билан машғул бўлиши, дунё ва охират ободлиги учун интилиши лозим.

НЕЪМАТЛАРНИНГ БАРДАВОМ БЎЛИШИДА МУҲИМ ОМИЛААР

Аллоҳ таоло бандаларига неъмат берар экан, ана шу неъматнинг давомий бўлиши учун баъзи нарсалар муҳимдир. Масалан, шукр қилиш, неъматлар қадрига етиш берилган неъматнинг бардавом бўлиши учун бош омил саналади. Қуйида шулар ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтамыз.

Неъматлар қадрига етиш, уларни кичик ҳисобламаслик

٧١ – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: دَخَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْبَيْتَ فَرَأَى كِسْرَةَ مَلْقَاءَ فَأَخَذَهَا فَمَسَحَهَا ثُمَّ أَكَلَهَا وَقَالَ: يَا عَائِشَةُ، أَكْرَمِي كَرِيمًا فَإِنَّهَا مَا نَفَرَتْ عَنْ قَوْمٍ قَطُّ فَعَادَتْ إِلَيْهِمْ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

71 – *Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйга кирдилар ва тўсатдан кўзлари тўкилган увоқларга тушди. Уларни териб олиб,*

тозалаб едилар. Сўнгра: “Карим (сифатли Аллоҳ таоло берган неъматлар)ни қадрлагин! Зеро, у (неъматлар) бирон қавмдан олиб қўйилса, бошқа қайтиб берилмайди!” дедилар” (Ибн Можж ривояти).

Ҳаким Термизий “Наводирул усул”да ривоят қилган ҳадисда: “Эй Оиша, Аллоҳнинг неъматларига яхши муносабатда бўлгин! Агар у неъматлар бирон қавмдан олиб қўйилса, камдан-кам ҳолларда қайтиб келади”, деб келтирилган.

Аллоҳ таоло берган неъматларнинг катта-кичиги йўқ, балки барчаси У Зотнинг яхшилиги, лутфу караמידир. Ким мана шу нарсага амал қилса, неъматларни катта-кичикка ажратмай, барчасини бирдек қадрласа, Аллоҳнинг неъматларини тан олган ва У Зотга шукр қилганидир. Ўз навбатида Аллоҳ таоло бундай бандага неъматларни давомли ва зиёда қилади.

Ноннинг увоғи ёки бир бурда нон ҳам аслида бутун ноннинг кичкина бўлагидир, холос. Қўзимизга илмаган ушоқ ҳам йиғилса, бутун нон бўлади. Шундай экан, барча неъматларнинг қадрига етиб, уларни кичик санамаслик лозим. Акс ҳолда, неъматларга нонкўрлик қилинган бўлади. Неъматларни қадрлаб, кичик санамай барчасига бирдек муомалада бўлишни Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрганишимиз керак. У зот бу борада ҳам бизга ўрнақдирлар.

Умуман олганда, нон энг асосий ризқ ҳисобланади. Ҳадисларнинг бирида нонни эъвозлаш, уни увол қилмаслик лозимлиги таъкидланган. Мусо ат-Тоифий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Нонни ҳурматланглар (яъни, қадрига етинглар). Чунки Аллоҳ уни осмоннинг баракотидан туширган ва Ернинг баракотидан чиқарган” (Ибн Абу Ҳотим ривояти).

Аллоҳнинг йўлида инфоқ ва садақа қилиш

Аллоҳ таоло айтади:

(Эй Муҳаммад,) **айтинг: “Албатта, Раббим бандалардан Ўзи хоҳлаган кишилар ризқини кенг**

қилади ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилади. Сизлар бирон нарсани инфоқ қилсангиз, бас У Зот унинг ўрнини тўлдиради. У ризқ бергувчиларнинг энг яхшисидир” (Сабаъ, 39).

Яъни, эй Муҳаммад, одамларга айтинг: албатта, Аллоҳ бандалари ўртасида ризқларни тақсимловчидир. Маълум хикматга кўра, У Ўзи хоҳлаган бандаларининг ризқини кенг қилиб, хоҳлаган бандасининг ризқини тор қилиб қўяди. Аммо сизлар камбағалликдан кўрқманглар. Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилиб, бойликларингиз билан У Зотга яқинлашинглар ва розилигига эришинглар. Агар Аллоҳ ризоси учун бирон нарса инфоқ қилсангиз, бунинг эвазига дунёда кўп мол-дунё, охиратда эса мислсиз ажр-савобларга мушарраф бўласизлар. Чунки Аллоҳ энг яхши ризқлантирувчи Зотдир. У сизларни ўйламаган тарафингиздан ҳалол ризқ билан ризқлантиради.

Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Банда инфоқ қилган ҳар бир нарсанинг ўрнини тўлдириш Аллоҳнинг зиммасидадир. Фақат бино (қуриш) ёки маъсиятга қилинган сарф-ҳаражат бундан мустасно” (*Байҳақий “Шуъабул иймон”да ривоят қилган*).

Зубайр ибн Аввом розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадиси қудсийда: “Албатта ризқ эшиги етти осмоннинг устидан очиқдир. У Аршгача етиб бориб, туну кун ёпилмайди. Аллоҳ ҳар бир бандага нияти, сарф(-ҳаражат)и, садақа ва инфоқ қилишига қараб шу ризқдан (Ерга) туширади. Бас, ким (садақани) кўпайтирса, унга ҳам (ризқи) кўпайтирилади. Ким камайтирса, унга ҳам камайтирилади. Кимки (бермасдан, бахиллик қилиб) ушлаб қолса, ундан ҳам (барака ва кенг ризқ) ушлаб қолинади”, дейилган (*Ҳаким Термизий ривояти*).

Аллоҳ таоло айтади:

“Аллоҳга қарзи ҳасана берадиган киши борми? У Зот унга бир неча баробар қилиб қайтаради. Зеро,

(ризқларни) **тор ва кенг қиладиган Аллоҳдир ва Унгагина қайтариласизлар**” (Бақара, 245).

“Қарзи ҳасана” деганда хоҳ катта, хоҳ кичик бирон нарсани савоб умидида Аллоҳнинг йўлида садақа қилиб юбориш тушунилади. Аллоҳ таоло бу ояти каримада инфоқ қилишга тарғиб қилиб, Аллоҳнинг амр ва қайтариқлари устун бўлиши учун қилинган ҳар қандай садақани Ўзига берилган “қарз” деб атамоқда, бандалар қилган садақаларини ўзларига яна ошиғи билан қайтаришини маълум қилмоқда. Чунки Аллоҳ хоҳлаган бандасининг ризқини кенг қилиб, истаган кишининг ризқини тор қилади. Шундай экан, камбағал бўлиб қолишдан қўрқмай, нафснинг бахилиги устидан ғолиб келиб, Аллоҳнинг йўлида садақа ва яхшиликлар қилиб қолиш керак. Охиратда бандалар Аллоҳнинг ҳузурига қайтиб борганларида, қилган амалларига қараб ҳисоб қилинади.

Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Қачонки Аллоҳнинг “Аллоҳга қарзи ҳасана берадиган киши борми?” ояти нозил бўлганида, Абу Даҳдох ал-Ансорий: “Эй Расулуллоҳ, Аллоҳ биздан қарз сўраяптими?” деди. У зот: “Ҳа, эй Абу Даҳдох”, дедилар. У: “Менга қўлингизни беринг, эй Расулуллоҳ”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қўлларини берган эдилар, у: “Мен мана бу боғимни Раббимга қарз қилиб бердим. Унда олти юзта хурмо дарахти бор”, деди. Ўша пайтда (унинг аёли) Умму Даҳдох ва оила аъзолари боғда эдилар. Абу Даҳдох келиб: “Эй Умму Даҳдох”, деб чақирган эди, аёли: “Лаббай”, деб жавоб берди. У: “Боғдан чиқ. Мен уни Раббим азза ва жаллага қарз қилиб бердим”, деди” (Имом Табароний, Ибн Абу Ҳотим, Ибн Мунзир, Ибн Жарир, Баззор, Байҳақий “Шуъабул иймон”да, Ҳаким Термизий “Наводирул усул”да ривоят қилган).

Аллоҳ таоло айтади:

“Шайтон сизларни (агар инфоқ-эҳсон қилсангиз) камбағал бўлиб қолишингиздан қўрқитади ва фаҳш

ишларга буюради. Аллоҳ сизларга Ўз тарафидан мағфират ва фаза (бойлик) ваъда қилади. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва Билгувчидир” (Бақара, 267).

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ушбу оят тафсирида айтади: “Икки нарса Аллоҳдан ва яна икки нарса шайтондандир. Шайтон: “Молингни инфоқ қилма, ўзингда ушлаб қол, унга ўзинг муҳтож бўлиб қоласан”, дейди ва бандани фаҳш ишларга буюради. Аллоҳ эса, агар банда инфоқ қилса, ўтган гуноҳларини кечирिशни ва унга кенг ризқни ваъда қилади”.

۷۲ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا مِنْ يَوْمٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ إِلَّا مَلَكَانِ يَنْزِلَانِ فَيَقُولُ أَحَدُهُمَا: اللَّهُمَّ أَعْطِ مُنْفِقًا خَلْفًا وَيَقُولُ الْآخَرُ: اللَّهُمَّ أَعْطِ مُمْسِكًا تَلْفًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ.

72 – *Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади:* “**Бандалар тонг оттирадиган ҳар бир кунда икки фаришта тушиб, уларнинг бири: “Эй Аллоҳим, инфоқ қилган (банданг бойлиги ўрни)ни тўлдиргин!” дейди. Бошқаси эса: “Эй Аллоҳим, (инфоқ қилмай, бойлигини ўзида) ушлаб турган(нинг моли)га талофат бергин!” дейди” (Имом Бухорий, имом Муслим ва имом Аҳмад ривояти).**

Ушбу ҳадисда садақа қилиш билан бойлик зиғирча ҳам камайиб қолмаслиги ўзига хос таъсирли усулда баён қилинмоқда. Имом Термизий Абу Кабша ал-Анморий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мол (бойлик) садақа билан камаймайди”, деганлар.

Қуёш чиқадиган, бандалар тонг оттирадиган кун борки, осмондан тушган икки фариштадан бири: эй Аллоҳим, молдунёсини розилигинг йўлида инфоқ қиладиган бандаларинг бойликлари ўрнини тўлдиргин ва зиёда қилгин, деб дуо қилар экан. Бошқаси эса: эй Аллоҳим, бахиллик билан бойлигини

керакли жойларга сарфламай, ўзида ушлаб турганларнинг молларига талофат ва нуқсон етказгин, деб дуо қилар экан.

Маълумки, фаришталар Аллоҳ таолонинг амрини сўзсиз бажарадилар. Уларнинг Аллоҳ ҳузуридаги мартабалари ҳам юқоридир. Табиийки, улар қилган дуоларининг ижобат бўлишида шубҳа йўқ. Демак, инфоқ қилсам, молим камайиб қолади, деб хавфсирамасдан, ўртача йўлни тутган ҳолда Аллоҳнинг йўлида сарфлаш керак экан. Акс ҳолда, бойлигимизни янада кўпайтириш учун бахиллик қилиб ўзимизда ушлаб тураверсак, бирон талофат етиб қолиши мумкин экан. Бунда зоҳиран иш тутиш керак эмас. Бу ривоятдан билиб оламизки, банда инфоқ қилсам, молим камайиб қолади, эмас, балки инфоқ қилмасам, бахиллик қилсам, молимга талофат етади, деган эътиқодда бўлиши керак.

Имом Нававий айтади: “Мақталган инфоқ қилиш турларига тоат-ибодатлар, аҳли-оила, меҳмонлар ва бошқа нафл ибодатларга сарф қилиш киради”.

Қуртубий эса: “Бундай инфоққа вожиб ва мандублар киради”, деган.

۷۳ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: أَنْفَقَ يَا ابْنَ آدَمَ ، أَنْفَقَ عَلَيْكَ . رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَابْنُ مَرْدَوَيْهِ.

73 – *Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулумлоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳ азза ва жалла: “Эй Одам боласи, инфоқ қил, шунда Мен ҳам сенга инфоқ қиламан”, деб айтади” (Имом Бухорий, имом Муслим, имом Аҳмад ва Ибн Мардавайҳ ривояти).*

Ушбу ҳадис икки қисмдан иборат бўлиб, унинг аввали ҳадиси қудсийдир. Унда Аллоҳ таоло тарафидан бандаларини Ўзининг йўлида инфоқ қилишга тарғиб қилинмоқда. Ҳадиснинг маъноси қуйидагича: эй Одам боласи, ҳақдор кишилар, камбағал, мискин, бева-

бечораларга садақа ва инфоқ қил. Агар шундай қилсанг, Мен ҳам сенга Ўз фазлим билан инфоқ қиламан. Чунки фазлу карамим кенг ва хазинам битмас-туганмасдир.

Ҳадиснинг давомида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолонинг фазли, лутфу карами ва хазинаси қандай эканини қуйидагича баён қиладилар: “Аллоҳнинг ўнг қўли (яъни, У Зотнинг эҳсони, карами, хазинаси) тўла, доимо оқиб турувчидир. Кечаю кундуз уни бирон нарса камайтира олмайди. Сизлар У Зот осмон ва Ерни яратганидан бери нима инфоқ қилганини биласизларми? Албатта, Унинг ўнг қўлидаги (яъни, хазинасидаги) нарсадан ҳеч нарса камайган эмас. У Зотнинг Арши сув устида бўлиб, бошқа бир қўлида қабз (мезон) бор, уни кўтаради ва туширади (яъни, Аллоҳ хоҳлаган ишини қилади, хоҳлаган бандасининг ризқини кенг ёки тор қилади)”.

Демак, Аллоҳ таолонинг хазинаси шунчалик эканки, Еру осмон яратилганидан бери тинимсиз тарзда инфоқ қилиб турилса ҳам, ундан ҳеч нарса камайиб қолмас экан. Бу эса, ўша хазинанинг чек-чегараси йўқ деганидир. Ана шу хазинага боғланиш, Аллоҳ таолонинг фазлу марҳаматига ноил бўлиш учун кўпроқ инфоқ-эҳсон, ихтиёрий садақалар қилиб юриш керак. Чунки Аллоҳ таоло берган бандасига беради, қизганчиқлик қилган бандасидан фазл-марҳаматини дариг тутади.

٧٤ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَنْفَقَ يَا بَلَالُ! وَلَا تَخْشَ مِنْ ذِي الْعَرْشِ إِقْلَالًا. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ وَالْقُضَاعِيُّ فِي مُسْنَدِ الشُّهَابِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

74 – Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Билол, инфоқ қил! Арш Эгасининг камайтиришидан қўрқма!” – деганлар (Имом Табароний “Кабийр”да, Байҳақий “Шуъабул

иймон”да, Қузозий “Муснадуш шиҳоб”да ривоят қилган. Хадиснинг санади ҳасан).

Яъни: эй Билол, бу хурмоларни инфоқ қил. Арш Эгаси бўлмиш Аллоҳ таоло сенга кўпайтириб беради, шу дунёда кенг ризқ ва охиратда катта ажр-мукофотлар ато қилади. Инфоқ қилганинг туфайли молинг камайиб, камбағал бўлиб қолишдан асло қўрқма. Балки Аллоҳ розилиги учун уни ҳақдорларга садақа қил!

Неъматларга шукр қилиш

Қуръони каримнинг Иброҳим сурасида Мусо алайҳиссалом тилидан шундай дейилади:

Яна Парвардигорингиз билдирган (бу сўзларни) эслангиз: “Қасамки, агар сизлар шукр қилсангиз, албатта зиёда қиламан. Энди агар куфрони (неъмат) қилсангизлар, албатта азобим жуда қаттиқдир” (Иброҳим, 7).

Яъни, Мусо алайҳиссалом бани Исроил қавмига: эй бани Исроил, Раббингиз Ўз ваъдасини эълон қилиб ёки улуғлиги билан қасам ичиб шундай деди: агар берган неъматларимга шукр қилсангиз, уни янада зиёда қиламан. Агар неъматларимни инкор этиб, нонкўрлик қилсангиз, у ҳолда бунинг учун сизларни қаттиқ азоблайман ва уларни сизлардан тортиб оламан!

Робийъ ушбу оят ҳақида айтади: “Мусо алайҳиссалом Аллоҳ азза ва жалла номидан хабар қилмоқдаки, агар неъматларга шукр қилсалар, Аллоҳ уларга Ўз фазлидан зиёда қилиб, кенг ризқ ато этади ва уларни оламдаги инсонлар устидан ғолиб қилиб қўяди” (Ибн Абу Ҳотим ривояти).

Қатода шундай деган: “Сўраганга бериш ва шукр қилганга зиёда қилиш Аллоҳнинг зиммасидадир. Аллоҳ неъматлар ато қилувчи ва шукрли бандаларни яхши кўрувчидир. Бас, берган неъматлари учун Аллоҳга шукр қилинглари!” (Абд ибн Ҳумайд, Ибн Мунизир ва Ибн Абу Ҳотим ривояти).

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Кимга тўрт нарса берилган бўлса, Аллоҳ тарафидан тўрт нарсадан ман қилинмайди: кимга дуо қилиш берилган бўлса, ижобатдан ман қилинмайди. Аллоҳ таоло айтади: “Менга дуо қилинган, ижобат этаман”. Кимга истиғфор айтиш берилган бўлса, мағфират қилинишдан ман этилмайди. Аллоҳ таоло айтади: “Раббингизга истиғфор айтинганлар. Чунки У (гуноҳларни) кечирувчи Зотдир”. Кимга шукр қилиш берилган бўлса, зиёда қилинишдан ман этилмайди. Аллоҳ айтади: “Агар шукр қилсангизлар, албатта сизларга зиёда қиламан”. Кимга тавба қилиш берилган бўлса, қабул қилинишдан ман этилмайди. Аллоҳ: “У Зот бандаларидан тавбани қабул қилади ва хатоларни кечиради”, деган” (*Ҳаким Термизий “Наводирул усул”да ривоят қилган*¹²).

Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Кимга шукр қилиш берилган бўлса, зиёдалиқдан маҳрум қилинмайди. Чунки Аллоҳ таоло: “Агар шукр қилсангизлар, зиёда қиламан”, деган. Кимга тавба қилиш берилган бўлса, қабул қилинишдан маҳрум қилинмайди. Чунки Аллоҳ: “У Зот бандаларидан тавбани қабул қилади”, деган”, деб айтганларини эшитганман” (*Ибн Мардавайҳ ривояти*¹³).

¹² Ибн Абу Дунё ва Байҳақий “Шуъабул иймон”да Абу Зухайр Яҳё ибн Уторид ибн Мусъабнинг отасидан худди шу маънода ҳадис ривоят қилган.

¹³ Имом Бухорий “Тарих”да ва Зиё Мақдисий “Мухтаро”да шу маънода Анас розийаллоҳу анҳу томонидан қилинган ривоятни келтирганлар. Фақат у ерда бир оз қўшимча бор. Ҳадиснинг аввалида “Кимга беш нарса илҳом қилинган бўлса, беш нарсадан маҳрум қилинмайди”, деб туриб, аввалги ҳадисларга зиёда ўлароқ: “Кимга инфоқ(-эхсон, садақа) қилиш илҳом қилинган бўлса, ўрни тўлдирилишдан маҳрум бўлмайди. Чунки Аллоҳ таоло: “Сизлар бирон нарсани инфоқ қилсангиз, У Зот унинг ўрнини тўлдирди”, деган”, деб айтилган.

“Маа шааллоҳу лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни кўп айтиш

Аллоҳ таолонинг Каломи мажидида солиҳ банда тилидан шундай дейилади:

“Сен боғингга кирган пайтингда: “Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлади), бор куч-қувват Аллоҳга хосдир”, десанг эди! Агар сен мени мол-давлат ва бола-чақа жиҳатидан ўзингдан камроқ деб билсанг, шояд Раббим менга сенинг боғингдан яхшироқ (бир боғ) ато этар” (Каҳф, 39-40).

Мазкур ояти карима таржимасида “Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлади), бор куч-қувват Аллоҳга хосдир” деб келтирилган жумла арабий матнда “маа шааллоҳу лаа қуввата иллаа биллаҳ” деб ифодаланган.

Қуръони каримнинг Каҳф сурасида икки киши ҳақида мўъжаз қисса келтирилган. Қиссага кўра, уларнинг бирига узумзор боғ берилган, бу боғ жуда кўркам ва ҳосили баракали бўлиб, мол-дунёси ва болалари кўп эди. Лекин у Раббига шукр қилмади, балки биродарига ғурур билан: **“Менинг мол-давлатим сеникидан кўпроқ ва фарзанд жиҳатидан ҳам мен сендан устунман”,** деб кўкрак керди. Шундан сўнг боғига кириб: **“Бу боғ меники. У ҳеч қачон йўқ бўлмайди ва Қиёмат қоим бўлмайди, деб ўйлайман. Мабодо Раббимга қайтариладиган бўлсам ҳам, у ерда бундан ҳам яхшироқ мартабага эришаман!”** деди. Буни эшитган ҳамроҳи унга хитоб қилиб деди: “Сени йўқдан бор қилган Раббингга куфр келтирасанми?! Сен боғингга кириб, у ердаги нарсаларга қараб кўзинг қувонганида, берган неъматлари учун Аллоҳга ҳамдлар айтишинг, мол-дунё ва фарзандларга эришганинг учун У Зотга шукр қилишинг ва: “Бу Аллоҳ хоҳлагани учун бўлди. Аллоҳ нимани хоҳласа, ўша нарса бўлади. Буларни пайдо қилиш учун менинг куч-қувватим етмайди. Фақат Аллоҳнинг мадади билангина эришдим”, дейишинг мақсадга мувофиқ бўларди. Агар сен ўзингни мендан устун қўяётган бўлсанг, шояд Раббим менга сеникидан яхшироқ боғ ато қилар ва сенинг боғингни завоқ топтирар”, деди. Оқибатда нонкўр

кимсанинг боғи яксон қилинди ва у боғи учун сарфлаган нарсаларига қаттиқ афсус-надоматлар чекди. Бу офатларни даф қилишда унга ёрдам берувчи ҳеч ким топилмади.

Урва ибн Зубайр раҳматуллоҳи алайҳ бойлигида ўзига ёқадиган бирон нарсани кўрса ёки боғларидан бирига кирса, “маа шааллоҳу лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”, деб айтар ва мазкур оятни тадаббур қилар эди (*Саид ибн Мансур, Ибн Абу Ҳотим, Байҳақий “Шуъабул иймон”да ривоят қилган*).

Зиёд ибн Саъд ривоят қилади: “Ибн Шиҳоб бойликлари ичига кирса, “маа шааллоҳу лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”, деб айтар ва оятни тааммул қилар эди” (*Ибн Мунзир ва Ибн Абу Ҳотим ривояти*).

Бундан келиб чиқадики, киши бирон неъматга эришганида, Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, У Зотга шукр қилса ва “маа шааллоҳу лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ” калимасини кўп такрорлаб юрса, ўша неъмат завоқ топмай турар экан. Аксинча, неъматлар билан ғурурланиш, кибру ҳавога кетиш неъматнинг барбод бўлишига олиб боради.

۷۵ – وَعَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِ بِنِعْمَةٍ فَأَزَادَ بَقَاءَهَا فَلْيُكْتِرْ مِنْ قَوْلِ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ ثُمَّ قَرَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «وَلَوْ لَا إِذْ دَخَلْتَ جَنَّتَكَ قُلْتَ مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ.

75 – Уқба ибн Омир розийаллоҳу анҳу айтади: “Расулумлоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимга Аллоҳ бир неъмат берган бўлсаю, ўша неъматнинг давомий бўлишини хоҳдаса, бас, “лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни кўп айтсин!” дедилар ва: “Сен боғингга кирган пайтингда: “Аллоҳ хоҳлаган нарсанига (бўдур), бор куч-қувват Аллоҳга хосдир”, десанг эди” оятини ўқидилар” (*Имом Табароний “Кабийр”да ривоят қилган*).

Ушбу ҳадисда мазкур калимани кўп такрорлаш неъматнинг давом этиб, узлуксиз келиб туришига сабаб бўлиши айтилмоқда.

٧٦ – وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا أَنْعَمَ اللَّهُ تَعَالَى عَلَيَّ عَبْدٍ نِعْمَةً فِي أَهْلِ أَوْ مَالٍ أَوْ وَلَدٍ فَيَقُولُ: مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ إِلَّا دَفَعَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ كُلَّ آفَةٍ حَتَّى تَأْتِيَهُ مِنْتَهُ وَقَرَأَ «وَلَوْلَا إِذْ دَخَلْتُ» رَوَاهُ أَبُو يَعْلَى وَابْنُ مَرْدَوَيْهِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي الشُّعَبِ.

76 – Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳ таоло бирон бандасига аҳли, моли ёки фарзандларида бирон неъмат берганида, у: “Маа шааллоҳу лаа қуввата иллаа биллаҳ”, деб айтса, то умрининг охригача Аллоҳ таоло у бандадан ҳар бир офатларни даф қилади. Сўнгра “агар боғингга кирганинда...” оятини тиловат қилдилар” (Абу Яъло, Ибн Мардавайх, Байҳақий “Шуъабул иймон”да ривоят қилган).

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан келтирилган бошқа ривоятда ушбу ҳадиснинг маъноси янада равшанроқ ифодаланган: “Кимки ўз молида бирон нарсани кўриб, ундан кўзи қувонса, бас, “маа шааллоҳу лаа қуввата иллаа биллаҳ”, деб айтсин. Шунда бу молга офат тегмайди” (Байҳақий “Шуъабул иймон”да ривоят қилган).

Сарф-ҳаражатларда тежамкор бўлиш

٧٧ – عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ: مَا عَالَ مَنْ اِقْتَصَدَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَالْبَيْهَقِيُّ.

77 – Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Тежамкор бўлган (киши) камбағал бўлмайди” (Имом Аҳмад, Ибн Абу Шайба ва Байҳақий ривояти).

Ҳадис таржимасидаги “тежамкорлик” сўзи арабий матнда “иқтисод” деб келтирилган. Мазкур лафз “сарф-ҳаражатда ўртача йўл тутиш, исроф ҳам, бахиллик ҳам қилмай, меъёрида сарфлаш” маъносини англатади. Амаллар ва ҳолатларнинг энг яхшиси ўртачасидир. Шу жумладан, турмуш учун керак бўладиган нарсалардаги сарфларда ҳам ўртача бўлиш кишига фақат фойда ва барака келтиради.

Баъзилар тежамкорликни бахиллик билан алмаштириб, бу иккиси орасида катта фарқ борлигини англамайдилар. Бири мақталса, иккинчиси қораланади. Тежамкорликнинг энг катта белгиси шуки, бунда киши энг зарур ва керакли нарсаларга эътибор қаратиб, унчалик муҳим бўлмаган ҳаражатлардан четланади.

Хуллас, банда ҳар қандай шароит ва ҳолатда тежамкор бўла олса, ҳеч қачон бировга муҳтож бўлмайди, камбағаллик нималигини билмайди. Тежамкорлик қилиб, исрофдан сақланадиган, неъматларни беҳуда сарфламайдиган банданинг рўзгорига барака ва оиласига фаровонлик киради.

Имом Байҳақий Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятда: “Тежамкорлик тирикчиликнинг ярмидир”, дейилган.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Тежамкорлик қилувчи ҳеч қачон камбағал бўлмайди” (*Ибн Адий ва Байҳақий ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Шабиб розийаллоҳу анҳу шундай деган: “Кифоя қиладиган ризққа эга бўлиб, чиройли тадбир қилиш бойликка эга бўлиб исроф қилишдан яхшироқдир” (*Байҳақий ривояти*).

ҲАҚИҚИЙ БОЙЛИК

۷۸ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَيْسَ الْغِنَى عَنْ كَثْرَةِ الْعَرَضِ وَلَكِنَّ الْغِنَى غِنَى النَّفْسِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ.

78 – Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “**Бойлик мол(-дунё)нинг кўплигида эмас. Балки (ҳақиқий) бойлик нафс тўқлигидир**¹⁴” (Имом Муслим, Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти).

Бойликнинг мезони нима? Қайси жиҳатларига қараб кишини бой ёки камбағал дейиш мумкин? Ҳақиқий бойлик қандай бўлади? Мазкур саволларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу муборак ҳадисларидан жавоб топамиз.

Ҳақиқатан, агар киши бойлик ва мол-дунёга эга бўлиб, аммо кўзи “оч”, таъмагир, сира тўймайдиган, тинимсиз бойлик тўплашни ўйлайверса, бундай банда ҳақиқий камбағалдир. Чунки у тасарруфида шунча бойлик турганига қаноат этмасдан ўзини муҳтож кўриб, дунёга тўймайди. Аксинча ҳолат бўлса, киши кўп қатори ҳаёт кечирса ёки камбағал бўлса ҳам, нафси тўк, таъмадан йироқ ва дунёнинг ўткинчи ҳавасларига эътибор бермаса, мана шундай одам ҳақиқий бойдир. Чунки унинг бойлиги бўлмаса-да, кўзи тўк ва таъмадан саломатдир.

Ибн Баттол айтади: “Ҳадиснинг маъноси шуки, мол-дунёнинг кўплиги ҳақиқий бойлик эмас. Аллоҳ ризқини кенг қилиб қўйган қанчадан-қанча бандалар ўзлари етишган неъматларга қаноат қилмай, янада кўпайтириш пайида бўлиб, дунё қаердан ва қайси йўлдан келаётганига эътибор

¹⁴ “Нафс тўқлиги” қаноатли бўлиб, таъмадан йироқ юриш.

бермайдилар. Улар дунёга қаттиқ ҳирс қўйганлари учун худди камбағалга ўхшайдилар. Албатта, ҳақиқий бойлик нафс тўқлигидир. Бу нарса берилган неъматларга қаноат қилиш, бориға рози бўлиб, янада кўпайтиришни ўйламай, худди бойлар каби ўзини беҳожат тутишдир”.

Демак, нафс тўқлиги-қаноат ҳақиқий бойлик саналади. Шу маънода Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Сизлар қаноатли бўлинглар! Чунки қаноат битмас-туганмас бойлиқдир” (Имом Табароний ривояти).

۷۹ – وَعَنْ أَبِي ذَرِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا أَبَا ذَرٍّ، تَقُولُ كَثْرَةَ الْمَالِ الْغِنَى، قُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ: تَقُولُ قَلَّةَ الْمَالِ الْفَقْرُ، قُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ ذَلِكَ ثَلَاثًا، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْغِنَى فِي الْقَلْبِ، وَالْفَقْرُ فِي الْقَلْبِ، مَنْ كَانَ الْغِنَى فِي قَلْبِهِ لَا يَضُرُّهُ مَا لَقِيَ مِنَ الدُّنْيَا وَمَنْ كَانَ الْفَقْرُ فِي قَلْبِهِ فَلَا يُغْنِيهِ مَا أَكْثَرَ لَهُ فِي الدُّنْيَا وَإِنَّمَا يَضُرُّ نَفْسَهُ شَحْهًا. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ.

79 – Абу Зарр розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Абу Зарр, бойлик мол-дунёнинг кўплигида деб ўйлайсанми?” дедилар. Мен: “Ҳа”, дедим. Сўнгра у зот: “Мол-дунёнинг камлигини камбағаллик дейсанми?” деб сўрадилар. Мен: “Ҳа”, деб жавоб бердим. У зот бу саволни уч бора қайтардилар ва сўнгра: “Бойлик ҳам, камбағаллик ҳам қалбда бўлади. Бойлик кимнинг қалбида бўлса, дунёдан нима насиб қилса, унга зарар бермайди. Камбағаллик кимнинг қалбида бўлса, дунёда қанча бойлиги кўп бўлса ҳам, уни қониқтирмайди. Фақат нафсининг бахиллиги ўзига зарар келтиради”, дедилар (Имом Табароний “Кабийр”да ривоят қилган).

Кунларнинг бирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам машҳур саҳобий Абу Зарр ал-Ғифорий розийаллоҳу анҳунинг бойлик ва фақирлик ҳақидаги фикри билан қизиқиб, ундан: “Эй Абу Зарр, бир кишининг мол-дунёси кўп бўлса, у бой ҳисобланадими?” деб сўрадилар. Абу Зарр саволга: “Ҳа”, деб жавоб берди. Сўнгра у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бир кишининг мол-дунёси кам бўлса, у камбағал бўладими?” деб сўрадилар. Абу Зарр у саволга ҳам: “Ҳа”, деб жавоб берди.

Бу саволни беришдан мақсад Абу Зарр розийаллоҳу анҳуга ҳамда у киши орқали барча умматларига асл ҳақиқатни англатиш эди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч марта юқоридаги савол билан унга мурожаат қилганларидан кейин: **“Бойлик ҳам, камбағаллик ҳам қалбда бўлади. Бойлик кимнинг қалбида бўлса, дунёдан нима насиб қилса, унга зарар бермайди. Камбағаллик кимнинг қалбида бўлса, дунёда қанча бойлиги кўп бўлса ҳам уни қониқтирмайди”**, дедилар.

Инсоннинг бой ёки камбағал экани унинг зоҳирига қараб эмас, балки ботинига қараб баҳоланади. Бойлик ҳам, камбағаллик ҳам қалбда бўлади. Қалбига қараб банданинг ҳақиқий бой ёки камбағал экани билинади. Кимнинг қалби бой, нафси тўқ ва қаноатли, Аллоҳнинг неъматларига шукр қилувчи бўлса, унга қанча кўп мол-дунё насиб этса ҳам, зарари йўқ, аксинча, нафси тўқ кишининг қўлидаги бойлик ўзига ва бошқаларга фойда келтиради. Кимнинг қалбида камбағаллик бўлса, зоҳиран бой бўлиб кўринса-да, аслида кўзи “оч”, баднафс бўлса, у банд қанча бойлиги бўлмасин, барибир ўзини беҳожат ва бой ҳисобламайди. Чунки ҳақиқий бойлик нафс тўқлигидир.

“Фақат нафсининг бахиллиги ўзига зарар келтиради”.

Ана ўша зоҳиран бой бўлиб кўринган банда нафсининг бахиллиги туфайли ҳалокатга учрайди. Сарфлаш лозим бўлган ўринларга бермасдан, ҳаром ишларга аямасдан пул сарфлаш орқали у шундай ҳолга тушади. Фақат бойликнинг ўзи бандани Аллоҳнинг азобидан ҳеч қачон қутқариб қола олмайди. Аммо у саҳий бўлса, бахилликдан сақлана олсагина бойлиги наф беради. Зеро, Аллоҳ таоло айтади: **“Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топувчилардир”** (*Ҳашр*, 9).

ЭНГ ЯХШИ РИЗҚ

۸۰ – عَنْ سَعْدِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: خَيْرُ الذِّكْرِ الْخَفِيُّ وَخَيْرُ الرِّزْقِ مَا يَكْفِي. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَأَبُو يَعْلَى وَابْنُ حِبَّانَ فِي صَحِيحِهِ.

80 – Саъд ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Зикрнинг яхшиси махфий** (тарзда) **қилингани, ризқнинг яхшиси кифоя қиладиганидир”**, **дедилар**” (Имом Аҳмад, Абу Яъло, Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган).

Ушбу ҳадисда зикр ва ризқнинг қайси тури энг яхши экани баён қилинмоқда. Зикрнинг фазилати ва фойдалари ҳақида қанча гапирилса ҳам камлик қилади. Зикрнинг ҳар қандай тури яхши. Лекин махфий суратда, кишилар назари тушмайдиган жойда, ўзи холи қолганда қилинадиган зикр энг яхшидир. Сабаби бундай амалда ихлос ва хушуъ бўлади. Ихлос билан қилинган амал эса Аллоҳ учун маҳбубдир.

Ризқнинг яхшиси эса ўта бойиб, туғёнга тушиш ва қашшоқлашиб, хорликка юз тутишнинг ўртасидаги

кифоя қиладиган молга эга бўлишдир. Чунки амаллар ва ҳолатларнинг яхшиси ўртачасидир.

Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Мусулмон бўлиб, кифоя қилувчи ризққа эга бўлиб, унга сабр қилган банда нажот топибди!” (*Имом Табароний “Авсат”да ривоят қилган*).

Энг асосийси, кифоя қиладиган ризққа эга бўлиш ва шу йўлда ҳаракат қилиш бандани Аллоҳнинг тоатидан тўсиб қўймайди ва у билан банда ўзига ўхшаган бандаларга муҳтож ҳам бўлиб қолмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абулфидо Исмоил ибн Касир. “Тафсийрул-қуръанил-ъазийм”, 4 жузъ. – Байрут-Ливан.: Дарул-Маъариф, 1989.
2. Абдурахмон ибн Камол Жалолиддин ас-Суютий. “Ад-дуррул мансур”, 8 жузъ. – Байрут.: Дарул фикр, 1993.
3. Имом Фахруддин Розий. “Ат-Тафсийрул кабийр – Мафотийҳул ғойб”. – Техрон.: Дарул кутубил ʼилмийя.
4. Шиҳобуддин Маҳмуд ибн Абдуллоҳ Хусайний ал-Алусий. “Руҳул маъоний фий тафсийрил қуръанил ʼазийм вас сабʼил масаний”, 23 жузъ.
5. Муҳаммад Амин аш-Шинқийтий. “Азваул байан фий ийзоҳил қуръан бил қуръан”.
6. Муҳаммад Саййид Тантовий. “Ат-Тафсийрул васийт”, -45836.
7. Абулқосим Маҳмуд ибн Амр ибн Аҳмад аз-Замахшарий. “Ал-Кашшоф”, 7 жузъ.
8. Асъад Ҳавмад. “Айсарут тафасийр”.
9. Алоуддин Мансур. “Қуръони карим”. /Ўзбекча изоҳли таржима. – Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –7676.
10. Муҳаммад ибн Исмоил Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий. “Соҳийҳул Бухорий”, 6 жузъ. – Байрут.: Дару ибни касийр – ал-Ямама, 1987.
11. Муслим ибн Ҳажжож Абулҳусайн ал-Қушайрий ан-Найсабурий. “Соҳийҳу Муслим”, 5 жузъ. – Байрут.: Дару ихъаит турос.
12. Сулаймон ибн Ашъас Абу Довуд ас-Сижистоний ал-Яздий. “Сунану абий Довуд”, 4 жузъ. – Байрут.: Дарул фикр.

13. Муҳаммад ибн Исо Абу Исо ат-Термизий. “Сунанут Термизий”, 5 жузъ. – Байрут.:Дару иҳйаит турос.
14. Аҳмад ибн Шуаъиб Абу Абдурахмон ан-Насоий. “Сунанун Насоий”, 8 жузъ. – Ҳалаб.:Мактабул матбуат, 1986.
15. Муҳаммад ибн Язийд Абу Абдуллоҳ ал-Қазвиний. “Сунану ибни Можа”, 2 жузъ. – Байрут.:Дарул фикр.
16. Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ал-Жуъфий. “Ал-адабул муфрад”. – Байрут.:Аламул кутуб, 1405ҳ.
17. Имом Молик ибн Анас ибн Молик ибн Омир ал-Асбахий ал-Маданий. “Ал-Мувааттоъ”, 6 жузъ.
18. Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Абдуллоҳ аш-Шайбоний. “Муснадул имам Аҳмад ибни Ҳанбал”, 6 жузъ. – Миср.:Муассасату куртуба.
19. Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Ҳотим ат-Тамимий ал-Бастий. “Саҳийҳу ибни Ҳиббон”, 18 жузъ. – Байрут.:Муассасатур рисала, 1993.
20. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад ат-Табароний. “Ал-Муъжамул кабийр”, 25 жузъ. – Ал-Мусил.:Мактабул улуми вал ҳикам, 1983.
21. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад ат-Табароний. “Ал-Муъжамул авсат”, 10 жузъ. – Қоҳира.: Дорул ҳаромайн, 1415 ҳ.й.
22. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад ат-Табароний. “Ал-Муъжамус соғийр”, 2 жузъ. – Байрут-Уммон.:Ал-Мактабул исламий, 1985.
23. Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр ал-Байҳақий. “Сунанул Байҳақий ал-кубро”, 10 жузъ. – Маккатул мукаррома.:Мактабу дарил баз, 1994.
24. Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр ал-Байҳақий. “Шуъабул ийман”, 7 жузъ. – Байрут.:Дарул кутубил ғилмийа, 1410ҳ.

25. Али ибн Умар Абулҳасан ад-Дароқутний ал-Бағдодий. “Сунануд Дароқутний”, 4 жузъ. – Байрут.:Дарул маърифа, 1966.
26. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Абу Муҳаммад ад-Доримий. “Сунануд Доримий”, 2 жузъ. – Байрут.Дарул куттаб ал-аробий, 1407 ҳ.й.
27. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салома ибн Жаъфар ал-Қузоъий. “Муснадуш шиҳоб”, 2 жузъ. – Байрут.:Муассасатул рисала, 1407ҳ.
28. Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма ас-Суламий ан-Найсабурий. “Соҳийҳу ибни Хузайма”, 4 жузъ. – Байрут.:Ал-мактабул исламий, 1970.
29. Абу Абдурахмон Аҳмад ибн Шуайб ан-Насоий. “Китабус сунанил кубро”. – Байрут.:Дарул кутубил ʼилмиййа, 1411ҳ.
30. Абу Бакр Аҳмад ибн Амр ибн Абдулҳолиқ ал-Баззор. “Ал-бахруз заххор муснадул Баззор”. – Байрут-Мадина.:Муассасату ʼулумил қуръан, 1409ҳ.
31. Аҳмад ибн Али ибн Мусанна Абу Яъло ал-Мусилий ат-Тамимий. “Муснаду абий Яъло”, 13 жузъ. – Дамашқ.: Дарул маъмун лит турос, 1984.
32. Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан Абу Абдуллоҳ ал-Ҳакийм ат-Термизий. “Наводирул усули фий аҳадийсир росува”, 4 жузъ. – Байрут.:Дарул жийл, 1992.
33. Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр ал-Байҳақий. “Ал-асмау вас сифат”, 3 жузъ.
34. Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба ал-Куфий. “Мусоннафу ибни абий Шайба”, 8 жузъ. – Риёз.: Мактабатур рушд, 1409 ҳ.
35. Абу Авона Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Асфароиний. “Ал-Мустахрож”, 5 жузъ. – Байрут.:Дарул маърифа.

36. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Ҳоким Ан-Найсубурий. “Ал-Мустадрок ʔалас соҳийҳайн”, 4 ҷузъ. – Байрут.:Дарул кутуб ал-ʔимиййа, 1990.
37. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Абулфазл ал-Асқалоний аш-Шофеʔий. “Фатҳул борий”, 14 ҷузъ. – Байрут.:Дарул маърифа.
38. Бадруддин Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айний ал-Ҳанафий. “Умдатул қорий”, 25 ҷузъ. – Байрут.:Дару иҳйаит турос.
39. Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Нававий. “Шарҳун Нававий ʔала соҳийҳи Муслим”, 18 ҷузъ. – Байрут.:Дару иҳйаит турос, 1392 ҳ.й.
40. Абдураҳмон ибн Абу Бакр Абулфазл ас-Суютий. “Ал-Дийбож ʔала Муслим”, 5 ҷузъ. – Саудия.:Дару ибни аффон, 1996.
41. Муҳаммад Шамсулҳаққил-ʔазийм Ободий. “Авнул маъбуд”, 4 ҷузъ. – Байрут.:Дарул кутуб ал-ʔимиййа, 1995.
42. Муҳаммад Абдураҳмон ибн Абдураҳим ал-Муборақфурий Абулʔало. “Тухфатул аҳвазий”, 10 ҷузъ. – Байрут.: Дарул кутуб ал-ʔимиййа.
43. Нуруддин ибн Абдулҳодий Абулҳасан ас-Синдий. “Ҳошийатус синдий ʔала ибни Можа”, 8 ҷузъ. – Ҳалаб.:Мактабул матбуат, 1986.
44. Абдураҳмон ибн Абу Бакр Абулфазл ас-Суютий. “Шарҳус суйутий лисунанин Насайй”, 8 ҷузъ. – Ҳалаб.:Мактабул матбуат. 1986.
45. “Ал-Мунтақо шарҳул муваттоъ”, 4 ҷузъ.
46. Абдурауф ал-Муновий. “Файзул қодийр”, 6 ҷузъ. – Миср.:Ал-Мактабатут тижариййа, 1356 ҳ.й.
47. Зайнуддин Абулфараж Абдураҳмон ибн Шиҳобуддин ал-Бағдодий. “Жомеʔул ʔулуми вал ҳикам”. – Байрут.:Муассасатур рисала, 1417ҳ.

48. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатийб ат-Табризий. “Мишкатул масобийҳ” /Шайх Муҳаммад Носируддин ал-Албоний таҳқиқи остида/. – Байрут.:Ал-Мактабул исламий, 1399ҳ.
49. Абдулғазийм ибн Абдулқовий Абу Муҳаммад ал-Мунзирий. “Ат-Тарғиб ват-тарҳиб”, 4 жузъ. – Байрут.:Дарул кутуб ал-ъилмийа, 1417 ҳ.й.
50. Муҳаммад Носируддин ал-Албоний. “Соҳийхут тарғийб ват-тарҳийб”, 3 жузъ. – Риёз.:Мактабатул маъариф.
51. Муҳаммад Носируддин ал-Албоний. “Зоъийфут тарғийб ват-тарғийб”, 2 жузъ. – Риёз.:Мактабатул маъариф.
52. Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Убайд ибн Абу Дунё ал-Қуроший. “Ислаҳул мал”. – Байрут-Ливан.:Муассасатул кутуб, 1414ҳ.
53. Фазлий Илоҳий ибн Зухур Илоҳий. “Мафатийхур ризқ”. – Риёз, 1998. -1036.
54. Муҳаммад ибн Мукарром ибн Манзур ал-Ифриқий ал-Мисрий. “Лисанул-ъароб”. 6 жузъ. – Дарул-маъариф.
55. Муҳаммад Саййид Тантовий. “Қуръони карим қиссалари”, 1-китоб. /Таржимон Зиёвуддин Раҳим. – Тошкент.:Мовароуннаҳр, 2005. -189б.
56. Муҳаммад Саййид Тантовий. “Қуръони карим қиссалари”, 2-китоб. /Таржима ва изоҳлар муаллифи Зиёвуддин Раҳим. – Тошкент.:Мовароуннаҳр, 2007. -267б.
57. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ҳадис ва Ҳаёт”/Ният, ихлос, илм китоби. – Тошкент.: Шарқ, 2003. – 3-жуз. -255б.
58. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ҳадис ва Ҳаёт”/Рўза китоби. – Тошкент.: Шарқ, 2004. – 9-жуз. -239б.

59. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Зикр аҳлидан сўранг”. – Тошкент.: Тошкент Ислон университети нашриёти, 2007. 1428 ҳижрий сана, Шаввол ойи. № 49. –Б. 19–36
60. Иброҳимжон Усмонов /таржима ва изоҳлар муаллифи/. “Ризқ калитлари”. – Тошкент.:Тошкент Ислон Университети нашриёти, 2007. 266.

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида	3
“Ризқ” сўзи ҳақида.....	4
Мўмин киши ризқни қандай тушунади?.....	5
Ризқни чиройли суратда топиш лозимлиги	13
Исломда мол-дунё ва бойлик тўплашга қандай қаралади?... 15	
Ризқнинг кенгайиб–торайиши	47
Нега Аллоҳ барча бандалари ризқини кенг қилиб қўймайди?	50
Ризқнинг кенгайиб–торайиши тоат ва маъсиятга боғлиқми?	54
Ризқнинг кенгайишига сабаб бўлувчи омиллар	61
Аллоҳга тақво қилиш	61
Охиратни дунёдан афзал кўриш	68
Намоз ўқиш	71
Силаи раҳм қилиш.....	73
Ибодатга фориғ бўлиш.....	77
Ҳаж ва умрани кетма-кет адо этиш.....	80
Ҳаромдан сақланиш ниятида никоҳланиш.....	81
Омонатдорлик	84
Толиби илмларга ёрдам кўрсатиш	86
Заиф ва бечораҳол кишиларга яхшилик қилиш.....	87
“Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳ”ни кўп айтиш	91
Истиффорни кўпайтириш.....	92
“Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни кўп айтиш.....	99
Бойлик ва кенг ризқ сўраб дуо қилиш	100
Камбағалликдан паноҳ сўраш	105
Ҳар кечада Воқеа сурасини ўқиш.....	108
Ризқ талабида жидду жаҳд қилиш.....	111
Ашуро кунини аҳли-оиласига кенглик қилиш.....	114
Таомдан олдин ва кейин қўлни ювиш	116
Ризқ торайишига сабаб бўлувчи омиллар	118

Аллоҳга маъсият қилиш	118
Зино	119
Ёлғон сўзлаш.....	119
Кибр, гурур ва куфрони неъмат	120
Бахиллик.....	127
Закотни адо қилмаслик	129
Тарозидан уриш	132
Ризқ топишда таваккулнинг аҳамияти	133
Тонгги уйқунинг ризққа таъсири	137
Неъматларнинг бардавом бўлишида муҳим омиллар.....	142
Неъматлар қадрига етиш, уларни кичик ҳисобламаслик	142
Аллоҳнинг йўлида инфоқ ва садақа қилиш.....	143
Неъматларга шукр қилиш.....	149
“Маа шааллоҳу лаа қуввата иллаа биллаҳ”ни кўп айтиш	151
Сарф-ҳаражатларда тежамкор бўлиш	153
Ҳақиқий бойлик.....	155
Энг яхши ризқ	158
Фойдаланилган манбалар рўйхати:	160

**Зиёвуддин Раҳим,
Одиҳон қори Юнусхон ўғли**



КЕНГ РИЗҚ ВА БАРАКА ОМИЛЛАРИ

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2011

Муҳаррир: **Б. Эралиев**
Саҳифаловчи: **И. Караджаев**

Босишга 2009 йил 17 июлда рухсат этилди.
Бичими 84×108 1/32. Шартли б.т. 8,82. Нашр т. 8,80.
Адади 5000 дона. Буюртма № 51.
Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.